



**ХАЛҚАРО АМИР ТЕМУР ХАЙРИЯ  
ЖАМҒАРМАСИ**

# **АМИР ТЕМУР САБОҚЛАРИ**

## **2**

*“Амир Темур илм-фан ва маданият ҳомийси”  
мавзuida ўтказилган Халқаро илмий конференция  
материаллари  
(Тошкент, 1998 й.)*

Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти  
Тошкент — 1999



## СУЗБОШИ

### Муҳтарам Конференция қатнашчилари!

Амир Темур ва Темурийлар даври яратиб кетган илмий, маданий ва маърифий мерос жуда каттадир. Ҳазрат Соҳибқирон ва комил авлодининг, масалан, Улуғбек, Бобур, Султон Ҳусайн Бойқаро, Акбар, Жаҳонгир, Аврангзеб ва бошқаларнинг саъй-ҳаракати ва раҳнамолигида яратилган бу маънавий мерос нафақат Мовароуннаҳрда, балки ўша замонларда Темурийлар давлати таркибига кирган мамлакатларда, хусусан, Эрон, Озарбайжон, Ҳиндистон ва Покистонда фан, маданият ва маориф соҳасида янги кўтарилиш — Ренессанс даврини бошлаб берди. Бу улкан мерос бутун бутун жаҳонни лол қолдирмоқда.

Бу меросни ўрганиш, таҳлил қилиш, мустақил Ўзбекистоннинг ижтимоий, иқтисодий ва маданий ривожини йўлида, халқимизни, айниқса, ишончли келажагимиз бўлмиш ёшларимизни миллий ғурур, ифтихор ва улуг Ватанга садоқат йўлида тарбиялашда жуда-жуда керакдир.

Темур ва Темурийлар давридан қолган бу улкан меросни ўрганиш кўп вақтни, билим ва малакани талаб қилади. Чунки, бу давр қарийб 500 йилни ташкил этади. Бу — биринчидан. Иккинчидан, биз бу ишга энди киришдик. Темуршунослик илми бизда энди бошланяпти.

Имоним комилки, тил билган, тарихий манбалар устида ишлаш малакасига эга бўлган темуршунос олимлар энди етишади ва биз бошлаган ишни давом этдириб, Амир Темур ва Темурийларнинг олтин даврида илм-фан, маданият ва маориф соҳасида эришилган муваффақиятларни атрофлича ўрганадилар, очиб берадилар.

Маълумки, Халқаро Амир Темур хайрия жамғармаси ва унинг теварагига уюшган темуршунос олимлар 1997 йили Темур ва Темурийлар даври тарихи ва маданиятини чуқурроқ ўрганиш ва уни кенг халқ оммаси, айниқса, ёшларимиз ўртасида тарғиб қилиш мақсадида ҳар йили бир марта мавзуй илмий-амалий конференция ўтказишга қарор қилган эди. Бугунги конференция шуларнинг иккинчиси (1998 йил 25 декабрь) ва у “Амир Темур илм-фан ва маданият ҳомийси” деган мавзуга бағишланади. Биз бугун зикр этилган мавзуга бағишланган ўндан ортиқ маъруза тинглаймиз ва уларни муҳокама қиламиз. Маърузаларда Амир Темур замонларида илм-фан тараққиёти, шаҳарсозлик, китобат санъати, Ҳазрат Соҳибқироннинг ўзга мамлакатлар ободончилигига қўшган ҳиссаси, Амир Темур ва Темурийлар даври илм-фан ва маданиятининг хорижий мамлакатларда (масалан, Покистонда) ўрганилиши каби қатор илмий масалалар ўз ечимини топади.

## АМИР ТЕМУР ИНСОН ТАФАККУРИ ВА АҚЛ ФАОЛИЯТИ ҲАҚИДА

Амир Темур инсондаги тафаккур ва ақл фаолиятига, одамнинг бутун ички руҳий дунёсини қамраб олувчи унинг ижодкорлик хусусиятларига теран маъно берди. Тафаккур, ақл билан фикр юритиш ҳодисалари инсоннинг ўзида яхши фазилатларни сақлаб ҳаёт кечирishiда асосий йўналишни тутиб турганлигини, ўйлаш, фикрлаш — инсон томонидан кундалик ҳаётига ва ижтимоий ҳодисаларга раҳбарлик қилиш қобилияти ҳисобланишини, инсон эса сақлаш, фикрлаш ёрдамида ҳар турли мушкулотларни осонлаштириш иложини топганлигини, ўйлаш даражаси ҳар кимда ҳар хил имкониятлар билан юзага чиқишини, шунинг учун фақат битта одамнинг эмас, баъзан бир неча одамнинг фикрини билиш зарурлигини, шунда ҳодиса бўйича маълум қарорга келиш ақлга мувофиқ, мазмундор чиқишини яхши англади. “Ҳар кимдан кенгаш олдим, ҳар кимдан фикр ўргандим: қайси бири фойдалироқ бўлса, уни қалб хазинасида сақлаб, ишлата билдим”,<sup>1</sup> деб ўтмиш тажрибаларини, ақл, маслаҳат яқунларини ўз тафаккурида такроран таҳлил, синтез ва муқояса қилиш, умумлаштириш ва

---

<sup>1</sup> Амир Темур ўғитлари. Тошкент. “Наврўз”, 1992. 58-бет.

конкретлаштириш каби фикр қилиш босқичлари ёрдамида амалга ошириш ўрин олганлигини, булар инсоннинг шахсий ҳаётида катта хизмат қилишини назарда тутганлигини пайқаймиз. “Тафаккур — фикрлаш ва мушоҳада қобилияти, қувваи ҳофизаси кучли инсон ҳар қандай мушкулотни осон қилиш йўлини топа олади”<sup>1</sup> деб, тафаккур инсондаги ақлнинг донишмандлик билан хулосага келишнинг, ҳаётда тўғри йўл топишнинг асоси деб тушунганлигини кўрамиз. Ҳаётда кўп нарсалар “тақдир пардаси остида яширин”. Лекин бунини инсон тафаккури ва ақл уқуби натижасида, зот ва ҳодисалар орасидаги аҳамиятли боғланишларни ва муносабатларни, ўзига хосликларни англаб умумлаштириш ёрдамида тахминий билиш мумкинлигини сезди. “Ўйлаганимдек иш тутгандим, тадбирим тақдирга тўғри келди”<sup>2</sup>, деб ёзади Соҳибқирон. Амир Темур шу ўринда инсон тафаккури, дунёвий тушунчаси, ички интуициясида ўрин олган маълум бир низом ва қоидаларга асосланган ҳолда ижтимоий ҳодисаларнинг пайдо бўлиши, ривожланиши ва оқибатини маълум даражада олдиндан кўриб, билиб туриш имкониятига ҳам эга, деган фикрларни баёнлаган.

Ҳақиқатдан, Ҳазрат Соҳибқирон тўғри тафаккур қилиш орқали инсон ўзининг мақсад қилган ишларига эришажаклигини, тақдирида шу бўлади, деб умид қилиб юрган истагини юзага оширганлигини, тафаккур ва унинг натижасини кўнгилдаги интуицияни тўғри ишга солиб фойдаланиш инсон ҳаётида тақдирга илож қилиш ҳисобланганлигини, тафаккур инсондаги Худо томонидан пешонада ёзилган яхши ишларни юзага ошириш воситаси эканлигини тушунтирган.

---

<sup>1</sup> Амир Темур ўғитлари. Тошкент. “Наврўз”. 1992. 59-бет.

<sup>2</sup> Темур тузуклари. Тошкент. 1991. 42-бет.

Амир Темур инсондаги тафаккур ва ақл атрофмуҳитни, ижтимоий ҳаётни билиш воситаси ва салтанатни бошқариш, инсоннинг кенг ҳажмдаги ишларини ақллилик билан амалга оширишнинг асосий манбаи эканлигини доим эсида сақлади. Унинг бу фикрлари ўз навбатида омма орасида ёшларни ақллиликка, ўйлаб иш этишга тарбиялаш зарурлигини асосий вазифа этиб қўйганлигига яқун ясаттирди<sup>1</sup>.

Чиндан ҳам, Ҳазрат саркарданинг инсон тафаккури ва ақл фаолияти натижалари ҳақидаги қарашлари ақлнинг ижтимоий ҳаётда кўпгина хайрли ишларни амалга оширганлигини, мамлакатни ақллилик билан адолатли бошқаришда, унинг маданий-иқтисодий томондан гуллаб-яшнашида аҳамияти катталигини, ақл жамиятни ривожлантирувчи ижтимоий омиллардан бири эканлигини айниқса назарда ушлаган.

*Алийбек Рустамий  
(Ўзбекистон)*

## **АМИР ТЕМУР ЗИКР ҚИЛГАН БИР БАЙТ ТЎҒРИСИДА**

Инсон навъи ўзининг маънавий жиҳати билан ўзга жондошларидан мумтоз бўлгани учун унинг шахсий ва ижтимоий фаолиятининг сифат ва натижаси маънавий савиясига боғлиқ. Маънавий савия қанча юксак бўлса, илмий, фанний, сиёсий, иқтисодий ва маданий тараққиёт шунча илғор бўлади.

Темур ва Темурийларга хос бир муҳим хусусият уларнинг ҳар томонлама аъло таълим олганликлари-

---

<sup>1</sup>О. Элеуов. Эмир Темурдын жемийетлик-философиялык хем телимтербиялук ой-пикирлери. Некис. "Билим". 1997. 76-бет.

дир. Темур давридаги илму амал ва таълиму тарбия табиий ва ижтимоий қонунларга уйғун амалиётга ҳидоят қилувчи фалсафий ақидаларга асосланган эди.

Алишер Навоий ўзининг “Мажолис ун-нафоис”ида Темурийзодалардан йигирма бир нафарининг адабий фаолиятини зикр қилади. Соҳибқироннинг ўзининг адабий савияси ҳақида Навоий шундай дейди:

“Мулуқ шажараларининг бўстони ва салотин гавҳарларининг уммони хоқон-и жаҳонгир Соҳибқирон, яъни Темур Кўрагон анор ал-лоҳу бурҳонаҳу, агарчи назм айтмоққа илтифот қилмайдулар, аммо назму насрни андоқ ҳўб маҳаллу мавқийда ўқубдурларким, анингдек бир байт ўқиғони минг яхши байт айтқанча бор”.

Шундан сўнг Навоий бунга далил тарзида Амир Темурнинг қуйидаги мисрани ўринли бир вазиятда ўқиганлигини айтди:

*Абдол зи бийм чанг дар мусҳаф зад*

Бу мисра машҳур ҳазрат-и кутб ал-авлиё Султон Абу Саъид Абулхайрнинг қуйидаги рубоийсининг охириги мисраидир:

*Ҳавро ба назора-йи нигорам саф зад  
Ризвон зи таажжуб каф-и худ бар наф зад  
Як хол-и сияҳ бар он рухон-и мутраф зад  
Абдол зи бийм чанг дар мусҳаф зад.*

Бу рубоий бемор ётган бир азизнинг бошида ўқилган бўлиб, унинг таржимаси шундай: Ҳурлар нигоримни кўриш учун саф чектилар, учмох таажжубдан кафини кафга урди, бир қора менг ул яноқларга кўнди, абдол кўрқувдан мусҳафга чанг солди.

Бу рубоий рамзлардан иборат сўфиёна рубоий бўлиб, унинг мазмунини англаш учун теран илмий



маълумот керак. Хожа Аҳрорнинг фикрига кўра, бу рубоийдаги хавродан мурод оламдан ўтаётган бемор атрофига йиғилган ҳурлар ва ўзгалардан иборат жамоат, нигордан мурод маҳбублик мақомига эришган инсон руҳи, ризвондан мурод ақл, қора холдан мурод ўлим вақтида зоҳир бўладиган хорлик, абдолдан мурод инсонлик қувватлари ва мусхафдан мурод инсон ҳақиқатидир.

*Т.Ҳамроев  
(Ўзбекистон)*

## **АМИР ТЕМУР ВА ИЛМ-МАЪРИФАТ**

**XIII-XIV** асрлардаги мўғуллар истибдоди Ўрта Осиё халқлари ҳаётида оғир асорат қолдирди. Кўпгина шаҳарлар, сув иншоотлари, мадраса ва илм масканлари йўқ қилинди, мунажжим ва алломалар узоқ ўлкаларга кетиб қолдилар. Мўғуллар босқини натижасида юз берган йўқотишлар ўрнини фақат янги, янада юксакроқ ўсиш билангина тўлдириш, халқ руҳиятида, маънавиятида пайдо бўлган тушкунликни янги руҳий кўтаринкилик билан бартараф қилиш мумкин эди. Энди нафақат вайрон қилинган шаҳарларни, хўжаликни тиклаш, шу билан бирга илм-фан ва маданиятни ҳам ривожлантириш керак эдики, ушбу мураккаб вазифаларни бажариш билим ва кучли ирода талаб қилар эди. Юксак билим ва иродага эга бўлган Амир Темур ўз даврининг талаб ва эҳтиёжларини тўғри англаб етди ва уни амалга оширди. Ўрта Осиёда илм-фан тараққиётида бурилиш ясалди.

Амир Темур ёшлигиданоқ китоб мутолаа қилиб, билим олишга, одил ва фозил кишиларнинг қолдирган меросини ўрганишга интиланган. У китоб ҳақида шундай деган: “Китоб (битиг) барча бунёдкорлик, яратувчилик ва ақл-идрокнинг, илму

донишнинг асосидур, ҳаётни яратувчи мураббий-дир”<sup>1</sup>.

Амир Темурнинг китобни, ғазалиётни севганини Алишер Навоий ҳам қайд этган. “Темур Кўрагон, — деб ёзади у, — агарчи назм айтмоққа илтифот қилмайдурлар, аммо назму насрни андоқ хўб маҳалу мавқияда ўқибдурларким, анингдек бир байт ўқиғони минг яхши байт айтқонча бор”<sup>2</sup>.

Амир Темурнинг Кўксарой кутубхонаси бой илм ўчоқлари сифатида машҳур эди. Унда араб, турк, форс, лотин ва бошқа тилларда 13,5 мингдан зиёд турли фанларга оид китоблар тўплангани маълум. Соҳибқирон қайси мамлакатларга юриш қилмасин, у ердаги илм аҳли билан суҳбат қилишга, мавжуд китобларни йиғишга интиланган. Ибн Синонинг Ҳамадондаги мақбарасини зиёрат қилган ва буюк аллома асарларини топтириб Самарқандга юборган.

Амир Темур ўқимишли, доно кишилар даврасини, улар билан суҳбат қилишни ёқтирган, давлат ишларини йўлга қўйишда улар билан маслаҳатлашиб иш кўрган. Машҳур тарихчи Г. Вебернинг ёзишича, Амир Темур ёнида доим шоирлар, олимлар, машшоқлар ва сўфилар бўлган<sup>3</sup>.

Амир Темур тарихчилар, файласуфлар, шунингдек, илм-фан ва бошқа ишларда билимдон бўлган барча кишилар билан суҳбатлашиш учун кўпинча тахтдан тушиб, уларнинг ёнига келган. Негаки, Амир Темур бу соҳаларга ғамхўрлик қилишга муҳим эътибор берар эди.

Амир Темур ўз фаолиятининг бошиданоқ, марказлашган давлат тузишни асосий мақсад деб билган. Шарафуддин Али Яздийнинг хабар беришича, Самарқанд, Қорабоғ, Қаршида ўтказган қурултой-

<sup>1</sup> “Миллий тикланиш” газетаси, 1996 йил, 18 июнь.

<sup>2</sup> Навоий А. Мажолис ун-нафоис. Т. Ўздавнашр. 1948 йил, 123-бет.

<sup>3</sup> “Сомон йўли”. Т. “Камалак”. 1992 йил, 17-бет.

ларида Амир Темур шаҳзода ва уламолар ва алломаларни бирлашиб ишлашга, мустаҳкам ва адолатли давлат қуриш учун унга ёрдам беришга чақирган.

Амир Темур фан ва дин аҳлига қарата: "Фан ва диннинг машҳур кишилари ўз маслаҳатлари билан подшоҳларга ёрдам бериб келганлар. Сизлар эса менга нисбатан бундай қилмаяпсизлар. Менинг мақсадим мамлакатда адолат ўрнатиш, тартиб ва тинчликни мустаҳкамлаш, фуқаронинг турмушини яхшилаш, юртимиз қурилишини кучайтириш, давлатимизни ривожлантиришдир. Сизлар менга ўз маслаҳатларингиз билан бу ишларни амалга оширишда кўмаклашишингиз керак. Мамлакатнинг аҳволи, девоннинг суиистеъмол қилинганлиги ва қилинаётганлиги, оддий одамларнинг жойлардаги ҳокимлар томонидан қисиб қўйилиши каби ҳоллар сизларга кўпроқ аён дир. Шулар ҳақида маълумот берсангизлар, бу каби адолатсиз ишларни бартараф этувчи ҳамда шариат ва қонунларга мувофиқ чора-тадбирларни айтсангиз яхши бўларди"<sup>1</sup>, деб айтган. Соҳибқироннинг бу сўзлари — илм ва дин аҳли давлат ишларини олиб боришда амалдорларга яқиндан ёрдам бериши, ўзларининг тафаккури, эл-юрт ичидаги мавқеи билан мамлакатда адолат, тинчлик бериб турибди.

Мисрлик тарихчи Валиуддин Абдурахмон ибн Халдун Темурнинг Шомга юришида қўлига тушиб қолади. Ибн Халдун Амир Темурнинг суҳбатида бўлиб, Темургача ўтган вақтини, ўзгаларга қилган хизматини бефайз, бесамар кетганидан афсус чеккан. Амир Темурдан рўшнолик кўргач, ўзи севган илми билан шуғулланиш имкониятини олган Ибн Халдун: "Тангрига ҳамд бўлсинки, менинг қимматимни биладиган, хизматимни қадрлайдиган ва ҳурматимни ўрнига

---

<sup>1</sup> И. Мўминов. Амир Темур ибн Тарағай Баҳодир. "Сомон йўли". Т. Камалак. 1992 й. 76-бет.

қўядиган кишини менга ато қилди”,<sup>1</sup> деб Амир Темурнинг илм аҳлига қанчалик ғамхўрлик қилишини кўрсатиб берган.

Шубҳасиз, Амир Темур саркарда сифатида энг аввало, ҳарбий мақсадларини тезроқ амалга оширишга ҳаракат қилган. Улкан давлатни бошқариш ҳам осон иш эмасди. Лекин, шунга қарамасдан, Амир Темур илм, маърифат аҳлини қўлга киритилган ҳар қандай ўлжалардан юқори қўйган. “Амир Темур, — деб ёзади Д.Н.Логафет, — жангдан сўнг қўлга олинган ўлжаларнинг энг қиммат баҳоси ва қадрлиси расом ва олимлар деб ҳисоблаган”<sup>2</sup>.

Амир Темур қаерда бўлмасин, ўз она юртини, буюк давлатининг пойтахтини ҳар томонлама юксалтириш, уни маданият, илму маърифат ўчоғига айлантириш орзуси билан юрган. Шу боисдан ҳам у турли ўлкалардаги усталарни, олиму фузалоларни Шаҳрисабз ва Самарқандга тўплаган. У ўзи туғилиб ўсган Шаҳрисабзда гўзал иншоотлар қурдирди, уни мусулмон илмининг марказига айлантирди. Замондошлари Шаҳрисабз (Кеш)ни “Қуббат ул-илм-воил” яъни “Илму дониш гумбази”, деб аташган.

Ибн Арабшоҳнинг гувоҳлик беришича: “Темур ҳар бир фойдали инсонни йиғиб, ҳар қандай нарсанинг сарасини Самарқандга келтирди. Натижада, Самарқандда ҳар бир ажиб фан аҳли намоёнчасидан ва санъатлар ғаройиб услубидан, фазилатли ўз тенгқурларидан устун турган, ўз фанида аллома бўлган кишилар тўпланган эди. Улар орасида машҳур табиб Хусомиддин Иброҳимшоҳ Кермоний, фалакшунос мавлоно Бадриддин Аҳмад, мавлоно Абдужаббор Хоразмий, мавлоно Шамсиддин Мунший, мавлоно Абдулло Инсон, мавлоно Нуғмониддин Хоразмий,

---

<sup>1</sup> “Сомон йўли”. 64-бет.

<sup>2</sup> “Сомон йўли”. 73-бет.

Хўжа Азиз ва бошқалар бор эди. Мана шундай илм аҳли боис Самарқанд “Арус ал-Авосим”, яъни “Дунё пойтахтларининг келинчаги” ёки “Ал-мадийнат аз-зарка” (Мовий шаҳар) номлари билан жаҳонга танилган. Айниқса, савдо йўлларининг Самарқанд орқали ўтиши унинг иқтисодий, маданий ва илмий ривожига катта таъсир кўрсатган. Миср тарихчиси Ас-Сайир Фарожнинг ёзишича, ўлкамизда ўтадиган жаҳон савдо-сотиқ йўллари Амир Темур назоратида бўлган ва тижоратдан тушган даромаднинг миқдори Фарангистон қиролининг даромадидан ҳам ортиқ бўлган<sup>1</sup>.

Бу даромадлар эса мадрасалар, работлар қуришга, алломаларнинг илм-фан йўлидаги изланишларига, китобларга сарфланган. Шарафуддин Али Яздий, Ибн Арабшоҳ, Клавихо ва бошқа кўпгина муаррихлар Амир Темур пайтида Самарқанд ва Шаҳрисабзда бунёд этилган бетақрор обидалар, кенг кўчалар, боғлар, мадрасалар, кутубхоналар ва карвонсаройлар ҳақида ҳикоя қиладилар.

Демак, Амир Темур нафақат буюк саркарда, шу билан бирга маданият, илм, маърифатга ихлос қўйган, зарур пайтларда илму маърифат аҳлини ўз ҳимоясига олган, давлат ишларини бошқаришда уларнинг маслаҳатига таянган йирик давлат арбоби, саркарда ва илму маърифатли буюк шахс бўлган.

Бизнинг фикримизча, биринчидан, Амир Темур ва Темурийлар даври илму маърифатини махсус тадқиқ қилиш зарур. Иккинчидан, “Амир Темур ҳаёги, даври ва давлати” деб номланган энциклопедик луғат яратиш зарур. Бу нафақат турли тиллар, манбалар ва адабиётларда сочилиб ётган маълумотларни тўплаш, шу билан бирга Амир Темурнинг ижтимоий-маданий,

---

<sup>1</sup> Уватов У. Миср тарихчисининг қўлланмаси. “Миллий тикланиш” газетаси. 1996 йил, 10 октябрь.

илму маърифий соҳадаги қарашларни амалга оширган ишларини тўла англаб етишга имкон беради. Ушбу энциклопедик луғат талабалар, аспирантлар, тарихшунослар ва ўлкамиз ўтмиши билан қизиқувчи барча ўқувчилар учун муҳим қўлланма бўларди.

*Омонullo Бўриев  
(Ўзбекистон)*

## **АМИР ТЕМУРНИНГ ХОРИЖИЙ МАМЛАКАТЛАР ОБОДОНЧИЛИГИГА ҚЎШГАН ҲИССАСИ**

Соҳибқирон Амир Темур тарихда нафақат буюк саркарда ва давлат арбоби, балки ободончилик ишларига ҳам ҳомийлик қилгани ҳақида ўша давр тарихий манбаларида маълумотлар бор. Шарафуддин Али Яздийнинг “Зафарнома” асарида, бу сифат, яъни бунёдкорлик Ҳазрат Соҳибқиронда туғма эди, деб Хоразм воқеаларидан (1388 йил) шундай бир мисол келтиради: “Аслини олганда, Онҳазратнинг муборак феълү атворида адолат қилмоқ ва раиятпарварлик туғма сифат бўлиб, олий ҳиммати шаҳарларни обод қилишга иштиёқманд эди. Шу сабабдан, Хоразм хароб этилгандан кейин, орадан уч йил ўтгач, подшоҳлик марҳамати ҳижрий 793 (милодий 1391) йили Жанги қавчиннинг ўғли Мусикани Хоразмни обод қилиш учун жўнатди. У қоон маҳалласини кўргон қилиб ўраб олди ва обод қилди. Ҳозирги пайтда (XV аср 20-йилларида) Хоразмнинг (энг) обод жойи ўша эрур”<sup>1</sup>.

Демак, айтиш мумкинки, Амир Темурнинг давлатчилик фаолиятида ободончилик ишларига катта эътибор берганлиги тасодифий ҳол бўлмай, балки

---

<sup>1</sup> Шарафуддин Али Яздий. “Зафарнома” (фотофаксимил нашр). Нашрга тайёрловчи, сўзбоши, изоҳ ва кўрсаткичлар муаллифи А. Ҳуринбоев, Т., 1972 й., 194 б. варақ.

унинг замирида Соҳибқирон туғилиб, ўсиб-улғайган Шаҳрисабздаги кўп асрлик маданий ҳаёт анъанаси таъсири ётади. Зеро, Соҳибқирон ҳали давлат тепасига келмасданоқ ободончилик ишлари билан машғул бўлган. Жумладан, 1366 йили қиш фаслида Қарши шаҳри кўрғонини тикламоққа фармон берди ва ўша қишнинг ўзидаёқ бу қурилиш ниҳоясига етди<sup>1</sup>. Орадан бир йил ўтгач, Ҳазрат Соҳибқирон яна мазкур шаҳарда тўхтаб, вилоятнинг иморати ва зироатини яхшилашга буюради. Айни пайтда, Маҳмудшоҳга Бухорони бошқармоқ ва маъмур қилмоқни топширади<sup>2</sup>. Бу ишларни Амир Темур ҳали йигитлик чоғларидаёқ амалга оширган.

Ҳазрат Соҳибқирон 1370 йили тахт соҳиби бўлганида ўттиз тўрт ёшда эди ва ҳаётининг кейинги даври ҳам тинимсиз жангу жадалларда ўтгани тарихдан маълум. “У лашкарни бошлаб бориш ва ўлкаларни забт этиш самани эгаридан подшоҳлик ва ҳукмдорлик тахтига ҳам сафар чоғида кўтарилди. Ер юзи салтанати билан сафар вақтида ҳақ даъватини қабул қилиб (видолашди)”, деб ёзади Шарофуддин Али Яздий<sup>3</sup>. Кўриниб турибдики, Ҳазрат Соҳибқиронга ободончилик ишлари учун махсус вақт ажратиш имкони бўлмаган ва бу фаолият унинг ҳаётидаги узлуксиз жараён сифатида намоён бўлади. У нафақат Мовароуннаҳрда, балки ҳарбий юришлар чоғида, узоқ ўлкаларда юрганда ҳам ободончилик ишлари унинг диққат-эътиборида турган. Амир Темур хоҳ Самарқандда бўлсин, хоҳ сафарда бирор жойда озгина тўхтаб қолса, албатта бир хайрли ишни амалга оширишни режалаштиради, деб ёзади

---

<sup>1</sup> Ўша асар, 113 б-114 а варақ.

<sup>2</sup> Ўша асар, 121 а варақ.

<sup>3</sup> Ўша асар, 89 б варақ.

тарихчи<sup>1</sup>. Энг муҳими, у бундай ишларга ўз қўшинлари, навкарлари ва аъёнларини сафарбар қилган. Чунончи, Хуросонга юриш чоғида (1381 йили) Мурғоб водийсида тўхтаб, қўшинлари ва саркардаларига ушбу дарёдан ариқлар чиқаришни топширади. Бу иш тез орада ниҳоясига етиб, ўша жойлар обод бўлади. Ҳофиз Аbru “География” асарида бу ариқларнинг номларини санаб ўтган: Дилкушо ариғи, Ганжравон ариғи, Дарбанд, Ганжхона ариғи, Умар Тобон ариғи, Оқ Буғо ариғи, Қутлуғ Темур ариғи, Шайх Абу Саъд ариғи, Шайх Али ариғи, Давлатшоҳ Жондор ариғи, Гулбоғон ариғи, Қутлуғ хотун ариғи, Ҳасан Жондор ариғи, Келачи ариғи, Менгли хожа ариғи, Али Малик ариғи<sup>2</sup>. Аксарий ариқларнинг номлари, уларни қазишда бошчилик қилганлар исмига қўйилган эди.

Шунга ўхшаш мисолни Амир Темурнинг етти йиллик юриши воқеалари баёнида ҳам кўrsa бўлади.

Амир Темур Румга юриши олдидан 804 (1401) йили Қорабоғда қишлаб турган чоғида Арас (Аракс) дарёсидан сув оладиган битта ариқ қаздиради. Мазкур ободончилик ишлари ҳақида Шарафуддин Али Яздий қуйидаги тафсилотларни баён қилган: “Ўтган подшоҳлардан баъзилари Арас атрофидаги чўлларда ул дарёдан катта ариқ қаздирган эдилар, замонлар ўтиши билан у [арик] бузилиб, бутунлай кўмилиб, текисланиб кетган. Ов чоғи бахтли Соҳибқироннинг кўзи унга тушиб қолган эди, подшоҳона ҳиммат ўша ариқни қайтадан қазишни тақозо этди ва мақсад имзоси учун Арас дарёсидан ўтиб ул ариқни қазишга буюрди. Унинг олий кўрсатмасига кўра, тавочилар уни амирлар ва аскарларга тақсимлаб бердилар.

---

<sup>1</sup> Ўша асар, 442 а-442 б варақлар.

<sup>2</sup> Ҳ о ф и з и А б р у. География. ЎзФА Шарқшунослик институти қўлёмаси. № 5361, варақ 228 б.



Бир ойга яқин муддат ичида узунлиги ўн фарсаҳдан кўпроқ бўлган ариқ шундай бир тарзда қазилган эдики, унда кемалар ҳам юраолар эди. Ул ариқнинг Арас дарёсидан бошланган тўғон жойи Кўшки ҳангиши<sup>1</sup> деган мавзеъ эрур, охири эса Сарҳапил<sup>2</sup> деган жойдадир. Ул ариққа Барлос ариғи, деган ном берилди<sup>3</sup>, чиқарилган сувнинг шарофатидан қанча тегирмонлар ва боғ-бўстонлар обод бўлди”<sup>4</sup>.

Низомуддин Шомийнинг ёзишича, ариқнинг суви Гилон ва Мозандарон (Каспий) денгизигача етиб борган экан<sup>5</sup>.

Ҳазрат Соҳибқирон юриш охирида, 1403 йили Қорабоғда яна маълум муддат қишлоқ учун тўхтайдди ва катта бир хайрли ишни амалга оширади, яъни Байлақон шаҳрини<sup>6</sup> тиклашга буюради. Низомуддин Шомий “Зафарнома” асарида бу хусусида анча аниқ тафсилотлар келтирган. Унда, жумладан, шундай ёзилган: “(Ҳазрат Соҳибқироннинг)олий ҳиммати жаҳон аҳли аҳволининг осойишталигига қаратилганлиги ва шунга сарфланаётганлиги туфайли, равшан қалби ойнасида шу нарса юз кўрсатдики, “Турон мамлақатида машҳур мавзеъларни иморат қилганимиздек, Эрон мамлақатида ҳам биздан ёдгорликлар қолгай... Бинобарин, Байлақон ерида бир мавзеъда шаҳар бино қилишга олий ишорат содир

---

<sup>1</sup> Бу номнинг бошқача ёзилиши: Кўшки жанкаши (Низомуддин Шомий. Зафарнома, 318-бет).

<sup>2</sup> Бу номнинг бошқача ёзилишлари: Сарча бел ёки Сарчапул (Низомуддин Шомий. Зафарнома, 318-бет).

<sup>3</sup> Низомиддин Шомий: “Амир Соҳибқирон ул анҳорга Наҳри Барлос деб ном қўйди, токи у улўғ хонадоннинг номи шундай хайрли иш воситаси билан замона саҳифаси юзида боқий қолгай!” (Зафарнома. 318-бет).

<sup>4</sup> Шарафуддин Али Яздий. Зафарнома, 401 а-401 б варақлар.

<sup>5</sup> Низомуддин Шомий. Зафарнома, 318-бет.

<sup>6</sup> Байлақон шаҳри — Аракс ва Куа дарёлари бирлашадиган мавзеъ яқинидаги ўрта аср шаҳри; 1221 йили мўғуллар истилоси даврида вайрон қилинган ва 1403 йили Амир Темур фармони асосида қайта тикланган.

бўлди. [Шундай қилиб] бир шаҳар тарhini чиздилар: у кенг бир девор, чуқур хандақ, тўрт бурчак шаклида бозор, кўп уй-жойлар, ҳаммом, сарой, майдон ва боғ-бўстонлардан иборат эди. Шаҳар деворининг айланаси шаръий газда<sup>1</sup> икки минг тўрт юз газ, девор кенглиги ўн бир газ, деворнинг баландлиги, кунгаралари тепасигача, ўн беш газга яқин, хандақнинг кенглиги қирқ газ, чуқурлиги қарийб йигирма газ эди; шаҳар девори бўйлаб соқчилар ва посбонлар учун уйлар белгиланган, унинг тўрт томон бурчагидан ҳар бирида бир бурж — минора кўтарилган... Шундай қуруқ бир чўлда, тайёргарлик кўрмасдан, асбоб-ускуна йиғмасдан шу қадар олий бир иморат ва баланд шаҳристонни барпо этиш бир ой муддатда ниҳоясига етди”<sup>2</sup>.

Амир Темур Байлақон шаҳрини барпо этиш муносабати билан, унга ва ўша атроф жойлар ободончилигига зарур миқдорда сув берадиган бир ариқ ҳам қаздиртиради. Низомуддин Шомий унинг тарихи ҳақида қуйидагиларни баён этган: “(Соҳибқироннинг) хисравона ҳиммати ва подшоҳона иродаси у жойда истиқомат қилуқлар фаровонлиги учун бир наҳр қаздирмоққа жазм қилди... Арас наҳри канорасидан бир ариқ чиқарсинлар, у Байлақондан ўтсин, шу жойда яшовчи одамлар, экинзорлар ва қишлоқлар истеъмолидан ортиғи Кур наҳрига<sup>3</sup> бориб қуйилсин; [арикнинг] узунлиги олти фарсах<sup>4</sup>, кенглиги тахминан ўн газ бўлсин. Голиб лашкарнинг барча ёсоқийларини шу ишга машғул қилдилар. Давлат амирларини уларга ишбоши қилиб тайинладилар.

---

<sup>1</sup> Шаръий газ — бир шаърий газ 62 сантиметрга тенг бўлган.

<sup>2</sup> Низомуддин Шомий. Зафарнома. Ўзбекча нашри. Тошкент. 1996 й., 371-372-бетлар.

<sup>3</sup> Кур наҳри — Кура дарёси.

<sup>4</sup> Фарсах — ўрта асрларда Шарқ мамлакатларида қўлланилган масофа ўлчов бирлиги; бир фарсах ўртача 6-8 километрга тенг бўлган.

Сўзсиз бир ой муддатда фориг бўлдилар. Абадиятга пок нияти баракоти билан шаҳар ва вилоят ўша нахрдан маъмур бўлди”<sup>1</sup>.

Тарихчи Ҳофиз Абру (вафоти 1430 йили) аса-рида бу ҳақида айрим қўшимча ва аниқликлар ҳам берилган: “Арас дарёси қирғоғидан бир ариқ қазиш-га киришсинлар ва у Байлақондан ўтсин, унинг ободончилиги, аҳолисининг экинзорлари, қишлоқла-ридан ортган суви Кур дарёсига бориб қуйилсин”, деган бўйсунуш шарт бўлган буйруқ берилди. [Ариқ-нинг] узунлиги олти фарсаҳ, эни ўн газ, Самарқанд гази<sup>2</sup> билан, у ўн беш машҳур Ироқ ва Хуросон га-зига тенгдир; чуқурлиги баъзи жойларда тўрт газ, айрим қисмларида беш, олти, етти, саккиз газни ташкил этади. Лекин аксарий қисмида тўрт газ эди, ундан камроқ — то икки газгача жойлари ҳам бор эди.

Каминага<sup>3</sup> кутёри хоҳвиён, уни илмий китоблар-да мизон ул-арз<sup>4</sup> атайдилар, воситасида кузатиб бо-риш ва заруридан ортиқча иш қилмаслиги учун қай-си жойни қанча чуқурликда қазишни аниқлаш топ-ширилган эди. Ғолиб лашкар ёсоқийлар гуруҳини ул иш билан машғул этди; давлат амирларин эса, улар-ни ишга буюриб туриш учун тайинлади. Бир йил давомида қилинадиган ўшандай катта ишни бир ой муддат ичида тугатиб, сувни ариққа очдилар. Аба-дийликка туташ давлатнинг шарофати ва онҳазрат-

<sup>1</sup> Низомуддин Шомий. Зафарнома. Қайд этилган асар, 374-б.

<sup>2</sup> Самарқанд гази — демак, бир Самарқанд гази (93 см) бир ярим Ироқ ва Хуросон газига (62 см) тенг. Шарафуддин Али Яздий ариқнинг энини ўн беш шаръий газга тенг, деб ёзган. Учала муаллиф ёзганларини қиёслайдиган бўлсак, у ҳолда Ироқ ва Хуросон гази деганда шаръий газ назарда тутилган бўлади.

<sup>3</sup> Каминага — яъни Ҳофиз Абруга.

<sup>4</sup> Ҳозирги тилда бу ўлчов асбоби нивелир деб аталди. Нивелир ёрдами-да ер сатҳидаги бирор нуқта баландлигини бошланғич нуқта баландли-гига нисбатан аниқланади.

нинг пок нияти туфайли шаҳар ва вилоят ул ўша сувдан обод бўлди”<sup>1</sup>.

Байлақон шаҳри ва ариғи қурилиши ҳақида Шарафуддин Али Яздийнинг “Зафарнома” асарида ҳам батафсил ёзилган.

Қорабоғда Ҳазрат Соҳибқирон Амир Темур фармони билан қисқа муддатда катта тезкорлик билан қазилган иккала ариқ (Барлос ариғи, Байлақон ариғи) ишлари аниқ муҳандислик ҳисоб-китобларига асосланган эди. Ҳазрат Соҳибқирон ўлчов ишларига Ҳофиз Аbruни тайинлаган ва бу ҳақда юқорида қайд этиб ўтилди.

Уруш муносабати билан хароб бўлган шаҳарларни қайта тиклаш ҳам Ҳазрат Соҳибқироннинг обдончилик соҳасидаги фаолиятдан ўрин олган. Буни 1403 йили Амир Темур қайта обод қилишга буюрган Бағдод шаҳри мисолида ҳам кўриш мумкин. Низомуддин Шомий бу хусусида, жумладан, қуйидагиларни баён қилган: “(Ҳазрат Соҳибқирон) шаҳзодалар ва улуг амирларни йиғиб, уларга дур сочувчи лафз билан деди: “Тангри таоло рубъи маскун мамлакатларини жаҳон итоат этувчи ҳукмимизга бўйсундирди. Мен истайманки, жаҳон аҳли ғазаб ва қаҳримиз асарларини кўриб билганидек, марҳамат ва эзгуликларимиз аломатларини замона саҳнасига ёзсинлар ва ўқисинлар.

Шубҳасиз, Бағдод мусулмон шаҳарларининг оналаридандир; илму фан у жойдан жаҳонга тарқалган, мазҳаблар ҳам у жойдан шуҳрат қозонган. Агар иродамиз тақозо (этган бу тадбир) амалга ошса, замонлар давомида яхши ном қолишига ва зўр савоб ортирилишига сабаб бўлғай”.

Оламга оро берувчи раъй у мақомнинг бошқарув рақамини давлат сулоласининг халафи бўлмиш улуг

---

<sup>1</sup> Ҳофиз Аbru. Зубдат ат-тавориҳи Бойсунғурий. Сулаймон (Истанбул) кутубхонаси қўлёзмаси, № 4371/5, 352 б-354 а варақлар.

амирзода Абу Бакр номига тортди. Олам аҳли амирзода Си Амр Соҳибқироннинг подшоҳона маслаҳатларини қабул қулоғи билан эшитиб, қуллик ерини ўлди ва зўр улугворлигу ҳашамат билан у томонга юзланди”<sup>1</sup>.

Амирзода Абу Бакр ушбу олий фармон асосида Бағдодга етиб боради ва ободончилик ишларини бошлаб юборади. “Бағдод тез орада омонлик мақомида жилва қилди”, деб ёзади Низомуддин Шомий<sup>2</sup>.

Амир Темурнинг хорижий давлатлардаги ободончилик фаолиятининг бир қисмини мамлакатлараро савдо-сотиқни ривожлантириш, савдо қарвонлари хавфсизлигини таъминлаш ташкил этган. Миср билан муносабатлар тарихидан бир мисол: Ҳазрат Соҳибқирон 1393 йили Бағдодни забт этган Миср султони Барқўқ қошига элчи юборади. Шарафуддин Али Яздий “Зафарнома”сида бу ҳақда, жумладан, қуйидагилар ёзилган: “Ҳазрат Соҳибқирон ўша пайтнинг машҳур шахсларидан бўлмиш шайх Соваийни обрў-эътиборли бир гуруҳ кишилар ва подшоҳона бийлоқот (туҳфа)лар билан Миср ва Шом волийси Малик ат-Тоҳир Барқўқ ҳузурига элчилик расми ила жўнатди”. Элчилар орқали йўлланган мактубда иккала давлат ўртасида элчилар воситасида мактублар ёзиб туриш, уларнинг бемаъл ол қатнови ва хавфсизлигини таъминлаш, савдо-сотиқни ривожлантириш зарурлиги қайд этилган.

Иккинчи бир мисол. Амир Темурнинг етти йиллик юриши чоғида Қора Юсуф туркмон ўз қўл остидаги қорақуюнли қабиласи билан қарвон йўлларида қароқчилик билан шуғулланиб, ҳатто ҳаж сафари

---

<sup>1</sup> Низомуддин Шомий. Зафарнома. 358-359-бетлар.

<sup>2</sup> Ўша асар, 373-бет.

билан Маккага бораётган карвонларни ҳам талаган. Ҳазрат Соҳибқирон бу ҳолатдан дарғазаб бўлади ва Қора Юсуфни қаттиқ таъқиб остига олади. Ҳатто у Рум подшоси Боязид ҳимоясига қочиб кетганида ҳам уни қайтаришни талаб қилади.

Амир Темур ўз салтанатида ободончиликка эътиборни давлат сиёсати даражасига кўтарган эди. Ва бу ишни ўга қаттиққўллик билан изчил олиб борарди. Масалан, ўғли мирзо Миршоҳ юрт ободончилигига бепарво бўлгани учун, уни ҳокимиятдан четлатади ва ўрнига ўғли мирзо Умарни бу вазифага тайинлаб, унга давлатдорлик ва мамлакат ободончилиги бобида талайгина кўрсатмалар беради. Ҳофизи Абру “Зайли “Зафарнома”и Шомийн”да шундай ёзади: “Суюкли фарзанд (амирзода Умар) ушбу улуғ ишни шу йўсинда олиб борсинки, токи у адолат, ҳақиқат, ҳукмдорлик заруриятлари ва раиятпарварлик учун кафолат бўла олсин ҳамда оламнинг ободлиги ва инсоният тинч-тотувлиги билан якун топсин, хайрли даргоҳларни кўпайтиришда тиришқоқлик кўрсатсин; муфсидлар, авбошлар, жиноятчилар ва қароқчиларни ва нолойиқ қонун-қоидаларни таг-тути билан йўқотишни зарур ва лозим, деб билсин”<sup>1</sup>.

Энг муҳими шундаки, Ҳазрат Соҳибқироннинг ободончилик бобида қилган ишлари унинг вафоти билан тўхтаб қолгани йўқ, балки унинг авлодлари — Темурийлар сулоласи учун ўзига хос анъанага айланди ва кейинги асрларда ҳам давом эттирилди. Ободончилик Темурийлар давлатчилиги тарихида алоҳида бардавом тизимига айланди. Бу хайрли ишларнинг пойдевори Мовароуннаҳрдаги маданий тараққиёт анъанаси асосида вужудга келган бўлиб, у ўз навбатида жаҳон маданиятининг муҳим бўғини бўлиб қолди.

---

<sup>1</sup> Ўша асар, 385-бет.

## АМИР ТЕМУР ВА КИТОБАТ САНЪАТИ

Ҳазрат Соҳибқирон ўзларининг 35 йиллик султонлик, мамлакатдорлик йилларининг аксариятини ҳарбий юришларда ўтказдилар. Тарихчининг гувоҳлик беришича, қайси мамлакатга қадам қилмасинлар, у ерда ўзларидан бир “бинойи хайр”, яъни ёдгорлик учун бир жамоат биноти қолдирганлар. Айниқса, ота юртлари Шаҳрисабз, пойтахтлари Самарқанднинг ободлиги учун кўп иш қилдилар. Ҳазрат Алишер Навоий ул зоти шарифни бекорга “Мулук шажараларининг бўстони ва салотин гавҳарларининг уммони” (Подшоҳлар шажарасининг бўстони ва султонлар гавҳарларининг денгизи) деб таъриф ва тавсиф қилмаганлар.

Клавихонинг гувоҳлик беришича, ўшанда Самарқандда минг нафардан ортиқ ҳунар эгаси ижод меҳнати билан машғул бўлганлар. Машҳур хаттотлар Умар Ўқта, Мирали Табризий, мусаввирлардан Пир Аҳмад Боғишимолий, устод Жаҳонгир, Жўнайд наққош, Муҳаммад Сиёҳ-қалам, Шомуҳаммад ва Шайх Муҳаммадлар шулар жумласидандир.

Китобат санъати хат билан боғлиқ. Мирали Табризий (вафоти 1401) ёзади:

*Дурри садафи баҳри маоний хатаст;  
Ёқути ҳақойақи ниҳоний хатаст.*

Таржимаси:

*Маънолар денгизи садафининг дурри хатдир,  
Ниҳоний ҳақиқатлар ёқути хатдир.*

Маълумки, Ҳазрати Соҳибқирон ўз пойтахти атрофида ўн иккита чорбоғ, еттига қасаба — йўлдош

шаҳарчалар бунёд этиб, уларнинг ичидаги қаср деворларини турли суратлар билан безатган. Чорбоғларнинг беазаги ҳақида Ибн Арабшоҳ қуйидагиларни ёзади: “Бу қасрларнинг қай бирига ўз мажлисларини, ўз суратини турли ҳолатларда: бирида кулиб турган, иккинчисида қаҳрланган, ўз жанглари тасвирларини, расмий тантаналардаги суратларни; подшоҳлар, амирлар, саййидлар, уламолар ва улуғлар билан суҳбат қурган мажлисларини, хизмат юзасидан бошқа мамлакатлардан ҳузурига келган уларнинг подшоҳу султонлари вакилларини, ўзининг ов жирғалари ва яширин қайдларини, Ҳинд, Дашти қипчоқ ва Ажам жанглирию ўз зафарлари суратини, душманларининг қай аҳволда енгилиб қочганини, ўз авлодлари, набиралари, амирлари, қўшинлари суратларини, айшу ишрат мажлислари ва шароблари қадаҳларию соқийларини, ўз улфати, қўшиқчилари, турли мақомдаги ғазалхонлик куйчилари, ҳузуригади севгилиларию хонимларнинг ва булардан бошқа унинг бир-бирига ўхшаб, уланиб кетган, унинг бутун умри мобайнида ўзга мамлакатларда воқеъ бўлган ҳодисалар суратини тасвирга туширтирди. Булар ҳаммаси ҳеч бир ноқиссиз ва муболағасиз, қай тарзда юз берган бўлса, шундайлигича акс эттирилди. Бундан мақсади, ўзининг ишларидан ғойибона хабардор бўлиб, уларни кўзи билан мушоҳада этмаганларга яққол намоён қилиб кўрсатиш эди”. Бундай чорбоғлардан қуйидагиларни кўрсатиш мумкин.

Боғи нақши жаҳон — Чўпонота тепалиги этагида, 1370 йилларда қурилган. Кўп ўтмай бузилган.

Боғи беҳишт — шаҳарнинг ғарб тарафида, 1378 йили хотини Туманоқа учун қурдирилган.

Боғи амирзода Шоҳрух — шаҳардан ўн чақирим шарқда, 1394 йили қурдирилган.

Боғи бўлди — Панжакент йўлининг ўнг тарафида, 1398-1400 йилларда қурилган.



Боғи дилкушо — шаҳардан олти чақирим шарқда, Кониғил ўланғи четида, 1396-1398 йилларда хотини Тўкалхоним учун қурилган. Боғ ўртасидаги қаср уч қаватлик бўлган.

Боғи шимол — набираси, Мироншоҳнинг қизи Бекаси Султон учун 1397 йили қурилган.

Боғи зогон — шаҳарнинг шарқий тарафида жойлашган.

Боғи Баланд — Чўпонота мақбараси ёнида Мироншоҳнинг иккинчи қизига атаб қурилган.

Боғи давлатобод — Дарғом даштида, Шовдор ариғи ўртасида, Ҳиндистон юришидан кейин 1399 йили қурилган.

Боғи чинор — Дарғом ариғи ёнида, шаҳарнинг ғарби-жанубида қурилган.

Боғи нав — шаҳар ғарбида, ҳозирги шаҳар боғи ўрнида.

Боғи жаҳоннумо — Анҳор туманида, тоғ этагида 1398 йили қурилган.

Боғи майдон — Афросиёбнинг шимолида, Чилсутун қишлоғи ўрнида.

Заҳириддин Муҳаммад Бобур, Шарафуддин Али Яздий ва бошқа муаррихлар мазкур боғлар тавсифи, катибалари ва тасвирлари ҳақида муҳим маълумот берадилар. Бу чорбоғлар ўртасидаги деворларга тасвирлар чеккан наққош, мусаввирлар пешвоси Пир Сайид Аҳмад Боғишимолий бўлган.

Шаҳзода Мироншоҳнинг Бекаси Султон отли қизига атаб Ҳазрати Соҳибқирон шаҳарнинг шимол тарафида бир чорбоғ қурдирди. Чорбоғ 1397 йилнинг мартада бир ярим ой деганда қуриб битказилди. Чорбоғнинг тўрт рукнини қуриш иши тўрт амирга тайин этилди. “Ҳар саркарда мамлакат устодлари ва кишвар ҳунарварларини тайинлади. Ҳар рукнга мраммар устун ўрнатилди. Девор сатҳини ложувард ва зар билан чунон турфа зебо мунаққаш қилдиларки, унинг тароватидан Моний “Аржан-

ги” ва Чин нигорхонаси чехрасига хижиллик сояси тушди. Саҳнига мрамр ва қўҳинур тошидан шундай тўшадиларки, латофатидан мадхушу оқил ҳушини олди. Ташқи девори изорасини кошин билан қопладилар. Муқаддас руҳ “Ёмон кўздан асрагай!” деб дуо ўқиди” (Шарафуддин Али Яздий).

1996 йилда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг ЮНЕСКО бўлими ташаббуси билан Самарқандда ўтказилган Темурийлар даври санъатини ўрганишга бағишланган Халқаро илмий Симпозиуми муносабати билан чоп этилган санъат асарлари каталогига Амир Темур даврида безатилган нафис битик китобларда қуйидагилар қайд этилади:

1398 йили хаттот Мансур ибн Муҳаммад Варқа кўчирган Тазкирада Самарқанд атрофи табиати манзараларини акс эттирган 12 та тасвир бор. Истанбул Мусулмон санъати кошонасида сақланади.

1396 йилда Амир Темурнинг сарой хаттоти хожа Мирали ибн Илёс Табризий кўчирган, Жўнайд наққош тасвирлар билан безаган Ҳожу Кирмоний (1281—1352)нинг “Хамса”си Британия музейида сақланади.

1950 йилда чоп этилган Аҳмад Заки Валидий Тўғоннинг Туркия музейларида сақланаётган нафис китоблар каталогига Амир Темур ва унинг авлодлари суратлари, уларнинг ҳаётлиги чоғида чекилган портретлари мавжуд бўлган қуйидаги мураққа ва битик китоблар қайд этилган:

44 та тасвир жамланган **Мураққа**. Мусаввирлар: Муҳаммад ибн Султон Муҳаммад Нур, Шайх, Пуроний.

1404 йилда жамланган **Мураққа**. 101 саҳифа. Мусаввир ва наққошлар: Муҳаммад ибн Абдулхай, Мирали Табризийнинг ўғли Шаҳобуддин Абдулла Ҳаравий.

15 та тасвирдан иборат **Мураққа**. Амир Темур саройи мусаввирлари “Нодирул аср” лақабини олган Аккос Кепак Ҳаравийнинг мўйқаламига мансуб Соҳибқирон портретлари мавжуд.

96 та тасвирдан иборат **Мураққа**. Мусаввирлар: Муҳаммад Сиёҳ-қалам ёки ҳожи Муҳаммад, Дарвеш Муҳаммад, Абулҳай.

1378 йилда кўчирилган, 75 та тасвири бўлган Низомий Ганжавийнинг “**Ҳамса**” нусхаси. Уларда Шоҳмуҳаммад ва Шайх Муҳаммад мусаввирларнинг имзолари мавжуд.

Мазкур тафсилотлардан шундай хулосага келиш мумкинки, Амир Темур қурдирган ҳар бир чорбоғ қасри ўзига хос бир санъат нигорхонаси бўлган. Бундан ташқари, Ҳазрат Соҳибқирон даврида безатилган нафис китобларнинг бизгача етиб келганлари нафосатда тенгсиз санъат асарларидир. Уларнинг бунёдкорлари сўзсиз моҳир устодлар бўлганлар.

Мусаввир Абдулҳай устод Шамсиддиннинг шогирди эди. Берлинда сақланаётган бир мураққада мавлоно Абдулҳайнинг мўйқаламига мансуб икки тасвир мавжуд: Бири — ўрдак тасвири ва иккинчиси — жанг манзараси. Мазкур тасвирлар тўлақонли ва ҳаққоний чиққанлиги билан кишини ҳайратга солади. Парижда Ротшильд мажмуасида сақланаётган Шайх Саъдийнинг “**Гулистон**” асари нусхасида ҳам устод Абдулҳай чеккан тасвирлар мавжуд. Битик 1486 йили Султонали Машҳадий томонидан кўчирилган. Унда учта тасвир бор. Тасвир ҳошиясидаги ёзувга кўра уларнинг бири Абдулҳайнинг мўйқаламига мансуб тасвири “**Туя минган сайёҳ ва пиёда дарвеш**” деб номланади. Тасвирда сахро, сарғиш қум, у ер-бу ерда ўтлар, тиканлар. Икки чайла ва очиқ эшикли ўтов бу жойнинг кўчманчилар овули эканлигидан далолат беради. Тасвир марказида чопиб кетаётган туя, унинг устида оёқлари осмонда бўлиб қолган сайёҳ. Унинг ағдарилиши тўсатдан бўлгани ҳаққоний тас-

вирланган. Салласи елкасига ўралиб қолган. Овул аҳли бу ҳолдан турлича таъсирланган: ёш жувон кўркувдан ўзини орқага ташлаган, унинг гилам устидаги эри қўлидаги чўп билан сайёҳни кўрсатиб турибди. Қўлида ўқ-ёйи бор эркак билан ёш бола қўл чўзишиб саросима билан боқмоқдалар. Фақат икки бола ўйинга берилиб кетиб, воқеадан беҳабар қолган. Чайла орқасида бир киши ва ўрта яшар бир аёл эшагини сугормоқда. Чап бурчакда эшак минган дарвеш бу ҳодисани бамайлихотир кузатиб келмоқда. Ёнидаги хизматкори ҳайрат бармоғини тишлаган. Тасвирда кишилар руҳий ҳолатини очишга уриниш мавжуд. Абдулҳай наққош 1402 йили вафот этган.

Манбаларнинг гувоҳлик беришича, Амир Темур саройида бир қўллик хаттот Умар Ўкта ҳаёт кечирган. Нақл қилишларича, у Амир Темур учун бир Куръон нусхасини кўчиради. Бу нусха шу қадар мўъжаз эдики, ёнғоқ пўстига жо бўларди. Амир Темур унинг қилни қирқ ёрадиган истеъдодига қойил қолади. Лекин ўз ҳайратини сездирмасдан лутф айтади: "Сен Тангри таоло сўзларини бу даражада майда хатда битишга қандай журъат этдинг?!" Шундан сўнг Умар Ўкта Ҳазрат Соҳибқирон учун Куръоннинг бошқа нусхасини тайёрлашга киришади. Бу нусха шунчалик катта ҳажмда эдики, ҳар бир ҳарфи ярим газ (52 см) келар эди. Умар Ўкта уни улкан аравага ортиб Амир Темурнинг Кўксаройига равона бўлади. Бундан хабар топган Амир Темур ўз аъёнлари билан унга пешвоз чиқиб, уни эҳтиром билан қарши олади. Хаттотга туҳфа учун бир умрга етарли олтин инъом қилади.

Пир Аҳмад Боғишимолий 1397 йили Боғи шимол чорбоғини қураётган навқирон йигит бўлганини инobatга олсак, у 1370 йилларда туғилган бўлиб чиқади. Тарихчилар уни 50 ёшларда вафот этган, деб ёзди-лар. Шунга кўра, у 1420 йилда вафот топган.

Швед санъатшуноси Артур Поуп: “Оврупо ҳамон уйқуда чоғида ислом донишию хунари оламнинг ярмини илму урфон нури билан чуллаган эди”, деганида, Амир Темур даври фани ва маданиятини назарда тутган эди. Швед санъатшуноси Ф.Р.Мартин Амир Темур даврига оид тасвирий санъат намуналарини ўрганиш натижасида бу давр санъатини бутун Осиёнинг эмас, балки бутун жаҳон санъатининг катта ютуғидир, Темурийлар сингари санъатни қадрлаган ҳукмдорлар Марказий Осиёда бошқа бўлмаган, деган хулосага келади.

Хуллас:

1. Амир Темурнинг XV асрдаги санъати ва маданияти уйғониш даврига асос солди.

2. Юртни обод этишда буюк боболар анъаналарини давом эттирди.

*Мавлуда Юсупова  
(Ўзбекистон)*

## **ТЕМУРИЙЛАР ДАВРИ МАДРАСА МЕЪМОРЧИЛИГИГА ОИД ҚАЙДЛАР**

Амир Темур ва темурийзодаларнинг фаол бунёдкорлик фаолияти Марказий Осиё шаҳарсозлиги ва меъморчилигининг тадрижий тараққиётини жадаллаштирди.

Темурийлар ўз давлатида илм-фан ва маърифатнинг юксалишига катта эътибор қаратиб, кўплаб мадрасалар қурдирдилар. Улар бинокорлик ишларига ўз даврининг моҳир (маҳаллий ва Шарқ мамлакатлари) меъморларини жалб этишар, мадрасаларга мулк сифатида катта вақфлар инъом этишар ва ўз замонасининг машҳур илм-фан намоёндаларини мударрисликка таклиф этишарди. Маълум бўлишича, Мирзо Улугбекнинг ўзи ҳам айрим пайтларда Самарқандда қурдирган мадрасасида дарс берган.

Темурийлар томонидан барпо этилган мадрасалар Марказий Осиёда сақланиб қолганларини энг қадимийларидир. Улар илгариги асрлар мобайнида шаклланган анъанавий тарҳ (режа) асосида бунёд этилган. Шунинг назарда тутган ҳолда, авваламбор, мадраса меъморчилигининг Темурийлар давригача босиб ўтган тадрижий тараққиёт йўлини қисқача кўриб чиқишни лозим топдик.

Мадраса ҳақидаги илк маълумот бухоролик машҳур тарихчи Муҳаммад Наршахийнинг “Бухоро тарихи” китобида келтирилган. Бу ерда 937 йилдаги катта ёнғин оқибатида хароб бўлган Бухородаги Форжак мадрасаси эсга олиб ўтилган (28.С.118). Кейинги даврларда ёзилган баъзи тарихий манбаларда ҳам Самарқанд ва Бухоронинг X-XII асрларга оид кўплаб мадрасалари ҳақида маълумотлар учрайди.

Археолог олимларнинг текширувлари ва вақф ҳужжатларига кўра, кўҳна мадрасалар ичида Самарқанддаги XI асрга мансуб Тамғоч Буғрохон мадрасасининг меъморчилиги бизга кўпроқ маълум. Бу бино мадрасаларга хос ҳовли — айвонли композицияга эга бўлган. Яъни, тўғри тўрт бурчак тарҳли бинонинг ички ҳовлиси бўлиб, унинг атрофига хужралар, ўқларига эса баланд равоқли айвонлар қурилган (28.С.106). Тарз (фасад) марказидаги пештоқдан миёнасарой (вестибюл) орқали тўғри ҳовлига ва икки ёнидаги каттароқ масжид ва дарсхона вазифасини ўтовчи хоналарга ўтилган. Вақф ҳужжатида қайд этилишича, ушбу мадрасада масжид, дарсхона, Қуръон қироати ва “илми адаб”ни ўрганиш учун махсус хоналар аввалдан мавжуд бўлган.

Мадрасаларга хос ҳовли — айвонли композиция Марказий Осиёда қадимдан шаклланиб келган. Хорижлик олимлар ушбу композициянинг шаклланишини XIX асрдан бошлаб тадқиқ этганлар. Изланишлар жараёнида янгидан-янги маълумотлар қўлга киритилган ва пировардида, бу борадаги фикрлар

ўзгариб борган. Тадқиқотчилар ҳовли — айвонли композицияни аввал Шом (Сурия)дан, кейин эса, Миср ва Эрондан ва охири, Хуросоннинг Эронга тааллуқли қисмидан келиб чиққан, деган фикрларни олдинга суришади. Аммо бизнинг бу борадаги тадқиқотларимиз, археолог олимларнинг сўнги маълумотларига таянган ҳолда қуйидаги тахминий хулосаларни чиқаришга имконият беради.

1) Ички ҳовлили уйлар илк бор қадимги Бақтрия ҳудудида, шу жумладан, Ўзбекистоннинг жанубида ҳам, эрамизгача VIII-VI асрларда “Қизилча-6” (Сурхондарё) ва “Олтин 10-2” (Афғонистоннинг шимолида) типдаги уйлар кўлаб қурилганлиги аниқланади. Уларнинг меъморчилиги, ўз навбатида, ҳудудда асрлар давомида иқлимга мос, шинам кўҳна маҳаллий уйларнинг хусусиятини ўзида мужассам этган. Ўтироф этиш лозимки, хоналар билан ўралган ички ҳовли иссиқ ёки совуқ ҳароратни муътадиллаштириб, ўзига хос микроиқлимни ҳосил қилар эди. Табиийки, ҳовли ичидаги ҳовуз ва дарахтлар ушбу эффектни кучайтирган.

2) Марказий Осиё ҳудудида ички ҳовлининг ўқларидаги айвонлар, мавжуд маълумотларга кўра, илк бор Ўзбекистоннинг жанубидаги Ажинатена буддавийлар ибодатхонасида VI-VII асрларда намоён бўлган.

3) Исломият даврида ҳовли — айвонли композициянинг турлари қулайлиги жиҳатидан жомеъ масжиди, мадраса, карвонсарой, работ ва саройлар қурилишида ҳам қўлланилиб, анъана тусини олган.

Амир Темур даврига келиб мадрасалар меъморчилиги фаол шаклланиб, уларга хос жиҳатлар узил-кесил қарор топади.

Улар орасида катта мадрасалар, масалан, Самарқанддаги Мирзо Улуғбек ва Ҳиротдаги Гавҳаршодбегим, Харгирддаги Гийёсия мадрасалари ҳовлисида тўртта айвон (ҳар ўқида биттадан), асосан,

икки қаватли хужралар ва 4-6 гумбазли заллар бўлган. Ўрта ва кичик ўлчовли мадрасалар эса ҳовли атрофида, асосан, бир қаватли хужралар, иккита айвон ва иккита қуббали залга эга бўлган. Булар жумласига: Самарқанддаги Муҳаммад Султон, Бухоро ва Ғиждувондаги Мирзо Улуғбек, Тошкентдаги Хожа Аҳрор мадрасалари киради. Мадрасага кириш жойи ҳажми, баландлиги ва сирланган безакларнинг муҳташамлиги билан кўзга ташланувчи равоқли пештоқдан иборат бўлган.

Ушбу умумий хусусиятлардан ташқари, бинони ўзига хос ёки ўша минтақага хос жиҳатлар ҳам ажратиб туради. Масалан, Самарқанд, Бухоро ёки Ҳирот меъморчилик мактабига хос хусусиятлар.

Амир Темур ҳукмронлиги даврида Самарқандда набираси Муҳаммад Султон ва завжаси Сарой Мулк хоним ўз мадрасаларини қурдирган эдилар.

Лекин Темурийлар даврининг энг диққатга сазовор мадрасалари XV асрнинг биринчи ярмида Амир Темурнинг ўғли Шоҳрух томонидан Хуросон ва хусусан, Ҳиротда ҳамда набираси Мирзо Улуғбек томонидан Мовароуннаҳрда уларнинг ҳукмронлик даврида барпо этилган.

1410-1411 йилларда Ҳиротда Шоҳрух Мирзо шаҳар қалъасидан жануброқда, ёнида хонақоси бўлган улкан бир мадраса қурдирган. Уни Темурийлар даврининг таниқли меъмори Қувомиддин Шерозий ҳамда Хожа али Ҳофиз Табризий қурганлар. Шоҳрух рафиқасининг буюртмаси билан 1418-1438 йилларда (ВИА-8) Ҳиротда юксак иқтидор соҳиби Қувомиддин Шерозий нафис безакли Гавҳаршодбегим мадрасасини бунёд этди. Иккала бино тарзлари бурчагида жуда баланд миноралар, тарз ва айниқса, пештоқлари нафис нақшли, тилла суви юритилган кошинлар, сирланган кесма мозаикалар билан безатилган эди (ГАП.70-6). Ҳозиргача улардан фақат Гавҳаршодбегим мадрасасининг биргина минораси



ва бино бурчагидаги баланд қабарикли гумбаз (Гури Амир мадрасасиникига ўхшаш) билан ёпилган Гавхаршодбегим мақбарасигина сақланиб қолган.

Шоҳрух Мирзо давридаги сарой меъмори Кувомиддин Шерозийнинг охирги биноларидан бири Харгирддаги (Шарқий Эрон) Фиёсия мадрасаси бўлди. Унинг вафотидан сўнг (1439 й., 155-б.) ушбу бино қурилишини уста Фиёсиддин давом эттирди. Тарзларини эса Райҳон ибн Аҳмад нафис сирланган мозаикалар билан безади (ВИА-8). Мазкур йирик бинонинг (42x56 м) ўзига хос жиҳатлари: биринчидан, ҳовли бурчаклари кесилиб, ҳосил бўлган бурчак деворига шу ерда жойлашган хоналарга кириш учун эшик ўрнатилиши ва иккинчидан, тарзнинг икки ташқи бурчагида бинонинг асосий баландлигига тенг, кўпроқ қалъа буржларини эслатадиган пастгина минора — гулдасталар ўрнатилиши эди. Ушбу жиҳатлар Бухоро меъморчилик мактабига ҳам хос бўлган.

Мовароуннаҳрда маърифатли ҳукмдор Мирзо Улуғбек Бухоро, Самарқанд ва Гиждувонга учта мадраса қурдирди. Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон ҳудудида Улуғбек мадрасалари яхши сақланган бўлиб, уларнинг меъморчилиги ҳақида биз кенг-роқ маълумотга эгамиз.

Улуғбек мадрасаларининг дастлабкиси Бухорода (1417—1419 йилларда) қурилган бўлиб, ҳозирда у Марказий Осиёдаги энг кўҳна мадраса ҳисобланади. Пештоқдаги битикка кўра, мазкур бинони меъмор Исмоил ибн Тоҳир ибн Маҳмуд Исфаҳоний қурган. Мадрасанинг ўймакор ёғоч дарвозасига: “Илм олишга интилноқ ҳар бир муслим ва муслима учун фарздир”, деган машҳур ҳадис, дарвозанинг жез ҳалқасига эса ҳукмдор Мирзо Улуғбек руҳига хос “Илм дурдоналаридан баҳраманд бўлган одамларга Оллоҳ таоло раҳмат эшигини очгай”, деган сўзлар ёзиб қўйилган.

Ушбу икки айвонли ва икки қаватли хужрали мадрасада (41,6x50 м) биз илк бор Бухоро минтақасига хос жиҳатларни учратамиз. Булар қуйидагилар: кириш қисмидан ҳовлига икки томонга “Г” шаклида эгилган йўлаклар элтади. Пештоқ қаршисидаги ҳовлига қарата жойлашган равоқли йўлак эса чўян панжара билан ўралган. Баланд пештоқнинг икки томонида жойлашган пастроқ қанотлар кўчага қарата икки қават равоқлар билан илк бор очилган. Тарз(фасад) бурчакларида Темурийлар даври учун анъанавий бўлган баланд-баланд миноралар эмас, балки қанотлар бўйига тенг пастак гулдаста — миноралар ўрнатилган.

Ушбу минтақавий жиҳатлар кейинчалик ривож топиб, анъанага айланди ва Бухоро меъморчилик мактабига хос мадрасаларнинг шаклланишига асос солди.

Манбаларни ўрганиш жараёнида биз (М. Ю.) ушбу бино билан боғлиқ ва Темурийлар даври меъморчилигига хос муҳим маълумотга эга бўлдик.

Вақф ҳужжатлари бўйича, XV асрнинг охирида Бухородаги Улуғбек мадрасасининг қаршисида хожа Аҳрор Валийнинг мулки ҳисобланган ҳаммом жойлашган (Чехович, Сам.док). 1652 йилда бу ҳаммом ўрнида Абдулазизхон мадрасаси (Заргарон) қурдирилиб, ҳозирда маълум ва машҳур бўлган Улуғбек ва Абдулазизхон мадрасаларидан иборат кўркем қўшмадраса меъморий мажмуасини вужудга келтирилган.

Улуғбек мадрасалари ичида Самарқанддаги бино энг кўркем ва йириги (81x56 м) бўлган. Бу мадраса кираверишига рўбарў ҳовли охирида орқа деворга параллел равишда чўзилган тўғри тўрт бурчакли жамоа хонаси мавжудлиги ҳамда пештоқ қанотини, Улуғбекнинг фалакшуносликка мойиллиги тимсоли сифатида бўлса керак, йирик юлдузлар безаганлиги билан ажралиб туради. Шу билан бир қаторда бу ерда

Самарқанд мадрасаларига хос жиҳатлар яққол кўзга ташланади: бино бурчакларида баланд-баланд миноралар қад кўтарган, пештоқ ёнидаги қанотлар эса ёпиқ девор кўринишида бўлиб, тепасидан унга тақаб жойлашган катта залларнинг баланд қабарикли гумбазлари кўриниб туради. Айнан шу жиҳатлар Ҳирот меъморчилигига ҳам хос бўлган.

Улуғбек мадрасаларидан энг кичиги ва кечкиси Ғиждувонда 1437 йилда машҳур сўфий Абдулҳолиқ Ғиждувоний қабри ёнида барпо этилган мадрасадир.

Улуғбек вафотидан кейин Мовароуннаҳрда у қадар аҳамиятга молик мадрасалар қурилмаган. Фақат 1451 йилда Тошкентда шайх Ҳожа Аҳрор томонидан қурилган мўъжазгина бир қаватли мадрасани эслатиб ўтиш мумкин.

Мадрасалар қурилиши Ҳиротда XV аср охирида яна жонланди. 1492 йили ҳукмдор Ҳусайн Бойқаро бу ерда Неъматобод номли йирик бир мадрасани қурдирди. Аммо унинг меъморий безаклари сифат ва нафислик борасида Гавҳаршодбегим мадрасасига баробар кела олмайди. 1476-1477 йилларда Ҳиротнинг шимолий тарафида Ҳусайн Бойқаро томонидан инъом этилган Инжил наҳри (канали) атрофидаги ерларда Алишер Навоий мадраса, хонақоҳ, масжид, шифохона, ҳаммомдан ташкил топган катта хайрия меъморий мажмуасини барпо эта бошлади. Улар ичида Ихлосия мадрасаси ва Халосийя хонақоҳи катталиги ва меъморий кўркемлиги билан ажралиб турар эдилар.

Таъкидлаш жоизки, Темурийлар даврида, айниқса, муҳим мадраса бинолари бошқа турдаги бино билан уйғунлашган ҳолда ўз даврининг кўзга кўринган меъморий мажмуасини ташкил этган. Улар ичида “кўш”, яъни биноларнинг рўбарў, бош тарзлари бир-бирига юзма-юз қурилган мажмуалар кенгроқ тарқалган эди. Самарқанддаги Бибихоним деб ном олган жомеъ масжидига рўбарў жойлашган Сарой

Мулк хоним мадрасаси, кўш услубида бунёд этилган Муҳаммад Султон хонақоҳ ва мадрасаси (улар орасида пештоқли девор билан ўралган ҳовли жойлашган), Алишер Навоий томонидан рўбарў қурилган Ихлосия мадрасаси ва Халосийя хонақоҳи (улар орасидан Инжил арифи оқиб ўтган) шу каби кўш меъморий мажмуалардан бўлган.

Ёнма-ён жойлашган бинолардан ташкил топган мажмуалар нисбатан камроқ бўлиб, Ҳиротдаги Гавҳаршодбегим мадрасаси ва Мусалло биносини келтиришимиз мумкин.

Мадрасалар тарихига оид яна бир қизиқ анъана эътиборни ўзига тортади. Мадрасани қурдирган ва ҳомийлик қилган шахсни баъзан ўша бино бурчагидаги катта гумбазли хонага дафн этишган. Ушбу ҳолатни Темурийлардан олдинги даврда ҳам учратамиз. Масалан, 1102 йилда Кулортегин лақабли Бухоро амири Тўғрулбек ҳамда XIII асрда мўғулларнинг Мовароуннаҳрдаги ҳокими Маъсудбек ўзлари қурдирган Кулортегин ва Маъсудия мадрасаларида дафн этилганлар. Темурийлар ҳам мазкур анъанани давом эттирдилар. Масалан, Сарой Мулк хоним (Бибиҳоним) ва Гавҳаршодбегим мадрасалари таркибида Бибиҳоним ва Гавҳаршодбегимнинг мақбаралари бўлган. Ҳаттоки Қобулда вафот этган Амир Темурнинг келинларидан бири бўлмиш Милкат оға жасадини Балхга келтириб, марҳуманинг ўзи қурдирган мадрасада дафн этишган (с.112). Бу ҳол кейинги даврда ҳам учрайди, масалан, XVI асрда Бухоро хони Убайдуллохоннинг муршиди шайх Мири Араб Яманий ҳам ўзи қурдирган Мири Араб мадрасасида дафн этилган.

Юқорида келтирилган фикрлардан келиб чиқиб, қуйидаги хулосаларни айтиш мумкин:

1) Илк мадрасалар X асрдан бошлаб қайд этилади. Мадрасалар тарҳи учун XI асрдаёқ ҳовли — айвонли композиция хос бўлган. Ички ҳовлили бино-

лар антик даврларгача қадимги Бақтрия, шу жумладан, Ўзбекистон жанубида ҳам шаклланган бўлиб, ҳовли ўқларида тахминан VI-VII асрлардан бошлаб айвонлар қурила бошлаган.

2) Темурийлар даврида маҳаллий ва қўшни Шарқ мамлакатларида етишган усталар мадраса меъморчилигини ривожлантирдилар. Қурилиш жараёнида Бухоро, Самарқанд, Ҳирот ва Харгирд меъморий мактабларига хос мадраса турлари тез шаклланади ва айрим жиҳатлари маромига етказилади.

3) Ушбу минтақавий мадраса турлари ичида Самарқанд меъморчилик мактабига Ҳирот, Бухоро меъморчилик мактабига эга Харгирд мадрасалари маълум жиҳатлари билан яқиндир.

4) Темурийлар даврида мадрасалар тадрижий ривожи жадаллашиб, Самарқанд ва Бухородаги Улуғбек, Ҳиротдаги Гавҳаршодбегим мадрасалари каби мумтоз меъморий асарлар вужудга келди. Темурийлар даврининг юксак бунёдкорлик маданияти ва айнан мадраса қурилишига оид анъаналари Мовароуннаҳрда кейинги давр ва хусусан, Шайбонийлар ҳукмронлиги даврида пойтахт Бухоро меъморчилик мактабига хос бинокорлигига мустаҳкам пойдевор яратди.

*Наим Ғоипов  
(Ўзбекистон)*

## **ПОКИСТОН ОЛИМЛАРИ ВА ЁЗУВЧИЛАРИ АМИР ТЕМУР ДАВРИ МАДАНИЙ ҲАЁТИ ҲАҚИДА**

Халқимизнинг буюк бобокалони Соҳибқирон Амир Темурнинг номи жаҳоннинг кўп мамлакатларида, жумладан, Покистонда ҳам машҳурдир. Покистонлик олимлар, ёзувчилар, жамоат ва маданият арбобларининг қайд этишларича, бу ерда Амир

Темур шахсига, Темурийлар давлати тарихига қизиқиш ҳеч қачон сусайган эмас.

Лекин тарих алғов-далғовлари, мамлакатда Бобурийлар салтанатидан кейин юзага келган ижтимоий-сиёсий вазият Темурийлар тарихини изчил ва атрофлича ўрганишга имкон бермади. Амир Темур ва Темурийлар ҳақида бу ерда нашр этилган китоб ва мақолаларда Темурийлар тарихининг, асосан, бир томони — ҳарбий юришлар, жанг услублари, қўшинлар тартиботи ва ҳоказолар акс эттирилаверади.

1994 — 1997 йилларда Покистонда хизмат сафаридида бўлиб, Темурийлар ҳақида битилган бирмунча асарлар билан танишиб чиққанимизда, юқоридаги ҳол яққол кўзга ташланди. Чунончи, “Юзта буюк мусулмон” (муаллиф ва тўпловчи Жамил Аҳмад, 1984 йил) деб номланган тўпلامда Беруний, Ибн Сино, Аҳмад Яссавий, имом Бухорий, Баҳоуддин Нақшбанд, Улуғбек, Бобур ва бошқалар ҳақида мақолалар чоп этилган. Тўпلامнинг “Буюк саркардалар” бўлимида Ҳазрат Соҳибқироннинг буюк саркарда сифатидаги фаолияти, ҳарбий тактикаси ҳамда стратегияси, қўшинлар тизими ва ҳоказолар таҳлил этилган. Амир Темурнинг саркарда сифатидаги фаолияти ва унинг кўп давлатлар ҳарбий тартибларига таъсири “Барҳаёт ислом” (муаллиф Акбар Аҳмад, 1993 йил) китобидан жой олган мақолаларда ҳам ёритилган.

Темурийлар даврига оид яна бир китоб “Ҳиндистон мусулмонларининг ҳарбий қуроллари ва аслаҳалари” (муаллиф С.З.Ҳайдар, 1991 йил) деб аталади. Китобда Темурийларнинг ҳарбий қуроллари ва аслаҳалари тафсилотларидан ташқари, қўшин бўлинмалари, уларнинг белгилари, қўшин тизимининг тартиблари ва ҳоказолар талқин этилган. Бошқа бир китоб эса темурий маликалардан Нур Жаҳонга бағишланган бўлиб (муаллиф Эллисон Бэнкс Файндли, 1993 йил, Оксфорд) унда бу машҳур император

аёл ҳаёти, унинг ҳукмронлик даври воқеа-ҳодисалари таҳлил этилган.

Номлари зикр этилган нашрлардан ташқари, яна иккита китоб билан танишишга муяссар бўлдик. Уларнинг бири Аҳмад Арабшоҳнинг “Темуранг ёки Темур — Буюк Амир” номли китобининг инглизча нашридир. Уни Ж.Сандерс араб тилидан инглизчага таржима қилган, китоб 1936 йилда Лоҳур шаҳрида чоп этилган. Иккинчи китоб эса “Бобурнома”нинг инглизча нашри эди. Уни А.Бевеиж инглиз тилига таржима қилган, китоб 1969 йилда нашрдан чиққан.

Покистонлик олимларнинг гапларига қараганда, музейларда, кутубхоналар заҳираларида Темурийларга доир китоблар анча бўлиши керак. Бироқ кутубхоналарда мавзулар бўйича аниқ рўйхатларнинг ночор аҳволда эканлиги сабабли уларни аниқлаш қийин бўлди.

Ҳар қалай, шуниси аёнки, бу ерда чоп этилган аксарият китобларда қайд этилганидек, Амир Темур ва Темурийлар тарихининг фақат бир томонини — ҳукмдорларнинг ҳарбий фаолиятини ёритишга ҳаракат қилинган. Бундай бир томонлама ёндашиш Покистон халқи тарихига нисбатан ҳам рўй берди. Покистон мустақилликка эришганидан сўнг, хусусан, кейинги йилларда бу ҳолга чек қўйила бошланди. Покистон халқи маданияти тарихини қайта ўрганишга киришилди. Ҳозир бу ишни Покистон тарих ва адабиёт Академияси амалга оширмоқда. Ана шу Академиянинг Раиси йирик олим ва жамоат арбоби Фахар Заманнинг айтишига қараганда, Покистон халқининг ўтмиши шу даражада чалқаш талқин этилганки, уни қайта ўрганмоқ ва яратмоқ зарур. Ҳозир бу борада ҳукумат томонидан тасдиқланган кўп йиллик дастур бўйича иш олиб борилмоқда. Тарих ва миллий қадриятлар қайтадан ва жиддий қараб чиқилмоқда. Покистонда Темурийлар тарихи ҳам

ишончли ва миллий манбалар асосида мукаммал равишда қайта ўрганилаётир.

\* \* \*

Амир Темур шахсияти ва умуман, Темурийлар тарихини қайта ўрганиш бўйича самарали иш олиб бо- раётган олимлардан бири Покистоннинг кўзга кўринган тарихчиси, йирик жамоат ва маданият арбоби Аҳмад Ҳасан Дониридир. Олим Амир Темур таваллу- дининг 660 йиллиги тантаналари арафасида айниқса ғайрат билан фаолият кўрсатди. “Амир Темур шах- сияти” деб номланган илмий маърузаси билан Ўзбе- кистонда юбилейга бағишланган конференцияда иш- тирок этди, Покистонда Амир Темурга бағишлаб ўтказилган тадбирларда фаол қатнашди ва, ниҳоят, инглиз тилида “Timur Legacy”<sup>1</sup> (“Темур мероси”) номи билан китоб ёзди.

Китобга сўз боши ёзган Покистон тарих ва ада- биёт Академияси Раиси Фахар Заман Амир Темур- нинг дунё маданияти тараққиётидаги жаҳоншумул хизматларини қайд этиб бундай деб ёзади: “Ишо- наманки, бу китоб Амир Темур ва авлодларининг жаҳон цивилизацияси тараққиётига қўшган буюк ҳиссалари нуқтаи назаридан Амир Темурни янгит- дан ўрганишга зўр қизиқиш уйғотади”<sup>2</sup> (бу ва кей- инги парчаларнинг инглизчадан таржимаси муал- лифники-*H.F.*). Ф. Заманнинг Амир Темурни қай- тадан ўрганиш ҳақидаги фикри бежиз айтилаётгани йўқ. Ҳазрат Соҳибқироннинг дунё маданияти та- раққиётига қўшган буюк хизматлари Амир Темур- нинг фақат ҳарбий юришларидангина бохабар бўлган кўпчилик покистонликлар учун фавқулодда

---

<sup>1</sup> Dr. Ahmad Hasan Dani. *Timur Legacy*. Pakistan Academy of letters. Islamabad, 1996 yars.

<sup>2</sup> Шу китоб, 5-бет.



янгиликдир. Бу эса, Ф.Заман фикрича, Амир Темур шахсиятини қайтадан тарихий аниқ материаллар асосида ўрганишни тақозо этади. Профессор А.Донийнинг китоби шу нуқтаи назардан жуда катта аҳамиятга эгадир.

Китоб олти бобдан иборат бўлиб, шулардан тўрт боби бевосита Амир Темурнинг маданий меросига бағишланган. Дастлабки икки бобда Темурнинг дунёга келиши, авлодлари, Темур шахсияти, унинг мўғул истилочилари билан қилган жанглари, уларнинг устидан қозонган ғалаба ва Буюк Темур империясининг юзага келиши ҳақида ҳикоя қилинади.

Учинчи боб Амир Темурнинг бадиий адабиёт ривожига қўшган ҳиссаси, ҳомийлигига бағишланган. Муаллиф Амир Темурни бадиий адабиётни фоят тушунадиган, адабиётни севадиган шахс сифатида таърифлайди. Китобда таъкидланишича, Темур замонида “ҳатто урушлар давом этган даврларда ҳам адабиёт тўсқинликларга учрамаган. Адабиётга бўлган ўта иштиёқ ва содиқлик, ёзувчи ва шоирлар ижодига ҳомийлик қилиш одат тусига кирган эди”<sup>1</sup>. Шунинг учун ҳам Амир Темур даврида бадиий адабиёт гуркираб ривожланди. Ҳазрати Соҳибқироннинг бевосита ҳомийлигида ҳамда раҳнамолигида кўп шоир, ёзувчилар баракали ижод қилдилар. Китобда ана шундай ижодкорлардан ўнта шоир ва бешта ёзувчининг исми-шарифи ҳамда уларнинг ижодидан намуналар келтирилган. Булар Фаҳриддин Маҳмуд ибн Амир Яминиддин Турғат (Ибн Ямин), Убайд Законий, Имоиддин Фақиҳ, Жамолиддин Муҳаммад Салмон ибн Олоуддин Муҳаммад, Шамсиддин Муҳаммад Нафиз (Шерозлик), Камолиддин ибн Масъуд (Хўжандлик) ва бошқалардир.

---

<sup>1</sup> Шу китоб, 21-бет.

Китобнинг тўртинчи бобида Амир Темурнинг санъат ривожланишига қилган ҳомийлиги ҳамда санъат соҳасидаги мероси ҳақида сўз боради. Бу бобда Амир Темур ва Темурийлар даврида Марказий Осиёда санъат, айниқса, санъатнинг хуснихат (каллиграфия), мусаввирлик, халқ хунармандчилиги каби соҳалари ривожланганлиги ҳақида сўзланади.

Бешинчи боб Амир Темурнинг меъморчилик соҳасидаги меросига бағишланган. Профессор А.Донийнинг ёзишича, Амир Темур ўзининг ҳукмронлик даврида фақат Самарқанд, Шахрисабз ва Бухорода эмас, балки империянинг кўплаб бошқа шаҳарларида, чунончи, Фиждувон, Марв, Ҳирот, Бағдод, Туркистон ва бошқа шаҳарларда улкан меъморий бинолар қурдирди; масжид ва мадрасалар бунёд этдирди; бу ишларга бевосита ўзи раҳнамолик қилди. Шу йўл билан Амир Темур жаҳон тарихида мисли кўрилмаган буюк меъморий меросини яратди.

Олтинчи бобда китоб муаллифи Амир Темурнинг маънавий меросига тўхталиб ўтади. А.Донийнинг ёзишича, Амир Темур ва унинг авлодлари ҳукмронлик қилган даврда Марказий Осиёда, айниқса, Моваруннаҳрда, ислом дини, тасаввуф, хусусан, унинг Нақшбандия тариқатига катта эътибор бериб, ўша давр маънавиятининг юксалишига кенг йўл очиб берди.

Шуниси эътиборга молики, профессор А.Доний ушбу китобни ёзишда фақат Ўзбекистон, Ҳиндистон ва Покистондаги манбалардан эмас, балки Ҳазрат Соҳибқирон ҳақида жаҳоннинг бошқа мамлакатларида, чунончи, Афғонистонда ва айниқса, Кембридж университетига чоп этилган китоблардан ҳам кенг фойдаланди.

Профессор Донийнинг “Темур мероси” китоби буюк Соҳибқирон маданий мероси ҳақида Покистонда кейинги йилларда олиб борилган тадқиқотларнинг дастлабки натижасидир. Шунинг учун ҳам у танланган мавзунини тўлалигича қамраб ололмаган

ва олиши ҳам мумкин эмасди. Зеро, буюк Соҳибқирон яратган маданий-маънавий бойликнинг таъриф-тафсилоти ҳали ўнлаб китоб ва рисоаларнинг мавзуси бўлишига шубҳа йўқ. “Темур мероси” китобининг илмий ва маърифий аҳамияти эса шу билан белгиланадики, у Покистон илмий жамоатчилигини, Темурийлар тарихи билан қизиқувчи барча покистонликларни Амир Темур ҳомийлигида ва раҳнамолигида яратилган буюк маданий, адабий, маънавий мерос билан умумий тарзда таништирди. Амир Темурнинг фаолияти унинг аксарий юришлари билангина эмас, энг муҳими, у яратган, тўғриси, унинг раҳнамолигида яратилган боғ-бўстонлар, обод шаҳар ва қишлоқлар, бунёд этилган маҳобатли меъморий обидалар, қурилган йўл ва кўприклар, юксакликка кўтарилган фан, маданият, адабиёт, санъат билан баҳоланиши лозим. Китоб мазмунидан келиб чиқадиган асосий хулоса шудир. Китобда илгари сурилган бу гоё асар муаллифининг Амир Темурга берган қуйидаги баҳосида ҳам ўз аксини топган: “Ҳозирги замон тарихи Амир Темурнинг буюк шахсига етарли эътибор бермади. У Осиёда турк-ислом маданиятининг юксалишига асос солди. Тарих унинг илму амали билан тенглашадиган бошқа бир муқобил ҳодисани билмайди. Амир Темур дунёга келмаганида Ҳиндистонда буюк империя бўлмаган, Самарқанд ва Бухоро бунчалик гуллаб-яшнамаган бўларди. У ўрта аср Осиё тарихининг сарчашмасидир. Ҳаёт тарзини у бошқача, янги шаклга киргиза олди, ўтроқ ҳаёт тарзи учун ҳозир Марказий Осиёга хос бўлган, юксак маънавий тараққиёт йўлини очиб берди. У ва унинг авлодлари маданият ва фан тараққиётига ҳомийлик қилдилар, шоирлар, табиблар, олимлар, астрономларнинг бошини силадилар. Уларнинг ҳомийлигида ажойиб масжид ва мадрасалар қад кўтарди, ҳуснихат, миниатюра ва санъатнинг бошқа турлари ривожлан-

ди. Марказий Осиёда бирорта сулола ўзидан кейин бунчалик бой мерос қолдирган эмас... Амир Темур билан Чингизхон ўртасида ер билан осмончалик фарқ бор. Агар Амир Темур халқлар ўртасида ўзаро алоқаларни кучайтирган, савдо-сотикни ривожлантирган, Мовароуннаҳрда маданият ва санъатнинг гуллаб-яшнашига ҳомийлик қилган бўлса, Чингизхон ўз салтанатини қабилачилик асосида бошлаб, ёппасига қабилавий турмуш тарзидан иборат империяни тузаолди, холос”<sup>1</sup>.

Амир Темур шахсияти ҳақида бундай яхлит фикрга келиш, албатта, кўп йиллик изланиш ва тадқиқотнинг самарасидир. Профессор А.Доний узоқ йиллардан бери Марказий Осиё, хусусан, Ўзбекистон билан илмий алоқа қилмоқда. У Амир Темур ва умуман, Темурийлар ҳақида жаҳон кутубхоналаридаги кўп асарлар, ҳужжатлар билан таниш. Ҳозир Покистонда кечаётган миллий қадриятларни, шунингдек, Темурийлар салтанати тарихини қайта ўрганиш жараёнининг ҳам пешқадам дарғаларидан ҳисобланади. Амир Темур профессор Доний талқинида буюк саркарда, ёки буюк давлат арбоби, ё бўлмаса, фан-маданиятнинг буюк ҳомийси, олижаноб инсон сифатида эмас, балки ана шу сифатларнинг барчасини ўзида мужассамлаштира олган буюк шахсдир.

\* \* \*

Амир Темур буюк давлат арбоби, фан ва маданиятнинг жонкуяр ҳомийси эканлиги Покистон янги тарихи лавҳаларида, фан, маданият ҳамда жамоат ва давлат арбобларининг чиқишларида бот-бот қайд этилмоқда. Чунончи, Ҳазрат Соҳибқирон таваллудининг 660 йиллик юбилеи арафасида Ло-

---

<sup>1</sup> Шу китоб, 9-10-бетлар.

хур шаҳрида бўлиб ўтган семинар иштирокчиларининг маърузалари буюк Амир Темур шахсиятининг юқоридаги сифатларини очиб беришга қаратилди. Семинарда сўзга чиққан Покистоннинг йирик жамоат ва давлат арбобларидан бири, таниқли олим, журналист ва нотиқ Ханиф Рамей Амир Темурни буюк тарихий шахс сифатида таърифлаб, давлат тузиш тартиботини Амир Темурдан ўрганишимиз лозим, деди. “Темур тузуклари”нинг

12 та бандида бу масала хусусида жавоб топиш мумкин. У сўзида давом этиб айтдики, ўтмишда йирик арбобларнинг ҳаммаси ҳам жанг қилган. Лекин уларнинг кўпчилиги бу жанглар натижасида мамлакатни харобага айлантирганлар. Амир Темур эса жанглар туфайли вайрон бўлган шаҳар ва қишлоқларни обод қилди, боғлар барпо этди, фан ва маданиятни ривожлантирди. Амир Темур ўз империясида қонун ва адолат устиворлигига эриша олди. Бу эса ҳар қандай давлатнинг асосидир, негаки, бусиз мамлакатда тинчлик ва осойишталик бўлмайди. Амир Темурнинг улуғворлиги яна шундаки, у муттасил йирик олимлар, донишманд кишилар билан мулоқотда бўлди, кўп масалалар бўйича уларнинг маслаҳатларини олди.

Лоҳурда ўтказилган семинарда Покистоннинг кўзга кўринган ёзувчиларидан бири Сайра Ҳошим хоним ҳам маъруза қилди. У Ўзбекистонда бўлган, Самарқанд, Бухорони зиёрат қилган. Тошкентда Амир Темурга ўрнатилган улуғвор ҳайкални бу ижодкор аёл завқ билан томоша қилиб, ватанига қайтгач, Амир Темур ва унинг ҳайкали ҳақида эссе ёзган. Унинг мана бу сўзлари семинар иштирокчиларини тўлқинлантириб юборди: “Амир Темурга ўхшаш баҳодир авлодларини эрдан чиқармай улуғлаган миллат барҳаёт миллатдир. У от устида мардона ўтириб, олдинга чўзилган забардаст қўли билан ўзбек халқига янги давр йўлини кўрсатиб

тургандай... Ва... унинг озода халқи эндиликда ана шу йўлдан шахдам қадам қўйиб бормоқда”.

Ҳазрат Соҳибқироннинг юбилейи арафасида Покистон пойтахти Исломободда бўлиб ўтган яна бир конференция ҳам диққатга сазовордир. Бу конференция “Темурийлар жамияти” деб номланган жамоат ташкилоти ташаббуси билан уюштирилди. Бу ташкилот Покистонда истиқомат қилаётган барча Темурийлар тарихи, маданияти ва ҳоказолар хусусида йиғилишлар, суҳбатлар ўтказиб туради. Жамиятнинг барча аъзолари ўзларини Темури Кўрагоний ёки Темурийлар авлодига мансуб кишилар, деб ҳисоблайдилар. Шу сабабдан, Амир Темури юбилейига бағишланган конференция улар учун юксак даражада муҳим тадбир эди.

Конференция ғоят қизиқарли ва мазмунли ўтди. Бизнинг ва бошқа кишилар маърузаларини бутун зал бир жон-бир тан бўлиб тинглади; Ҳазрат Соҳибқирон ҳақидаги ҳар бир сифат, таъриф, воқеа-ҳодисалар тингловчилар ҳиссиётини кўзғар, қарсақлар билан олқишланарди. Бунинг сабаби аён: бу ерда тўпланганларнинг кўпчилиги неча замонлардан бери аجدодлари ҳақида илк бор тарихий ҳақиқатни тинглаётган кишилар эдилар.

Покистоннинг кўзга кўринган жамоат ва давлат арбоблари Зулфиқор Мирза ва Мирза Носирбек конференцияда сўзга чиқиб, Амир Темурининг халқлар ўртасида дўстлик, иноқлик ўрнатишдаги роли ҳақида гапирдилар. Уларнинг фикрича, Осиёдаги кўп мамлакатларнинг халқлари ўртасидаги дўстлик алоқалари негизини бобомиз Амир Темури мустаҳкамлаган. Шу сабабдан фақат Марказий Осиё халқларигина эмас, балки бутун мусулмон мамлакатлари халқлари тарихида Амир Темурининг роли ғоят буюқдир.

Амир Темури шахсиятига қизиқиш кейинги давр Покистон бадий адабиётида ҳам кўзга ташланади. Тўғри, бадий адабиётда Ҳазрат Соҳибқироннинг

тўлақонли образи ҳозирча яратилганича йўқ ва бу жараён ҳали узоқ давом этиши мумкин. Лекин ана шу йўлдаги ҳаракат ва изланишлар эътиборга сазовордир. Амир Темур ҳақида яратилган асарлардан бири ёзувчи Йилмаснинг “Амир Темур Кўрагоний” деб номланган икки жилдлик романидир. Урду тилида ёзилиб, Лоҳурда чоп этилган Амир Темур ҳақидаги бу роман Покистон бадиий адабиётида ҳозирча ягона йирик асар ҳисобланади. Ёзувчининг фикрича, Амир Темурнинг буюк хизматларидан бири шу бўлдики, у ғоят қудратли давлат барпо этди, одамларни бирлаштириб, бошини қовуштирди, фан ва маданиятнинг беқиёс ривожланишига кенг йўл очди. Бундай буюк юксалиш бизнинг тарихимизда олдин бўлмаган. Бу ҳақиқатни бадиий адабиёт воситасида оммага етказиш, хусусан, ёшлар онгига сингдириш катта аҳамиятга эгадир.

\* \* \*

Покистон жамоатчилигининг Амир Темур ва Темурийлар даври маданиятига бўлган ҳурмати уларнинг раҳнамолигида бунёд этилган меъморий ёдгорликларга бўлган муносабатидан ҳам маълум. Темурийлар (Бобурийлар) ҳукмронлиги даврида Лоҳур, Пешоварда маъмурий бинолар қурилган. Бу биноларнинг аксарияти замонлар тўфонларидан сақланиб, ҳозир ҳам салобат тўкиб турибди.

Лоҳурда Темурийлар Акбаршоҳ, Жаҳонгир, Шоҳжаҳонлар ҳукмронлиги даврида бунёд этилган “Шоҳий қалъа” (Шоҳ қалъаси) меъморий мажмуаси кишини айниқса, ҳайратга солади. У турли хил девонхоналар, элчилар, вазирлар ва бошқа олий даражали аъёнларни қабул қилишга мўлжалланган қасрлар, йиғинлар ўтадиган қишки ва ёзги айвонлар, фармонлар ўқиб эшиттириладиган махсус минбар, ташқи ва “Шишмаҳал” номли ички қароргоҳлар, ҳозирда ҳам

улкан ҳисобланадиган масжид (Шоҳий масжиди) ва бошқа кошоналарни ўз ичига олади. “Шоҳий қалъа”-ни барпо этишда Самарқанд, Бухоро меъморчилиги тажрибалари билан бир қаторда, маҳаллий анъаналардан ҳам кенг фойдаланилган.

Лоҳурда Темурийларга тегишли яна бир “мўъжиза” бор. У Шалимар боғи бўлиб, у ҳам Акбаршоҳ, Жаҳонгир ва Шоҳжаҳон ҳукмронлиги даврида бунёд этилган. Боғнинг оромгоҳларини, фаввораларию сув ҳавзаларини томоша қилиб ҳайратга тушмасликнинг иложи йўқ.

Лоҳур яқинида бунёд этилган Темурийларнинг дала қароргоҳи ва Жаҳонгир мақбараси бир бутун меъморчилик мажмуини ташкил этади. Қароргоҳ бир нечта кенг ичма-ич сарой, майдонлар, боғлар ва масжидни ўз ичига олади. Жаҳонгир мақбараси эса қароргоҳ пешкосида қурилган бўлиб, шарқ йўриғидаги улкан пантионни эслатади.

Покистонликлар бу обидаларни ғоят қадрлайдилар, имкон даражасида уларни таъмирлаб, Темурийлардан ёдгорлик, деб авайлайдилар. Ана шу маънода Лоҳурда қизиқ бир ҳодисани айтиб беришганди.

Лоҳур шаҳри яқинидан оқадиган Рави дарёси ўзанида, бир оролда Бобурнинг ўғли Комрон мирзо шинамгина оромгоҳ қурдирган, вақт ўтиши ва сув тошқинлари ҳамда бошқа офатлар зарби билан оромгоҳ харобага айланган экан. Яқинда у қайта тикланибди. Тикланганида ҳам ўз аслига қайтибди. Шаҳардан хийла олисдаги бу оромгоҳнинг тикланиши зарурмиди, деган мазмундаги мулоҳазамизга жавобан мезбонларнинг гапи шундай бўлдики, эҳтимол, тўғри, уни тиклашнинг ўта зарурати йўқ эди. Лекин бу ерда бошқа бир гап бор. У ҳам бўлса оромгоҳнинг Темурийларга мансублигидир. Ахир, бу ерга Комроншоҳ ва бошқа Бобур авлодининг назарлари тушган! Ана шу ҳол лоҳурликларга ором бермабди. Ниҳоят, кўпчиликнинг саъй-ҳаракати билан яқин-



да у ўз ҳолида қайта тикланибди. Ҳозир эса ёш келин-куёвлар тўй арафасида бу ерга зиёратга келишар экан.

Баён этилган воқеа кичик бир лавҳа, албатта. Лекин ундан покистонликларнинг Амир Темур ва унинг авлодлари даври маданий обидаларига бўлган нечоғлик эҳтиромини билиб олиш мумкин.

Хуллас, Покистонда Амир Темур ва Темурийлар тарихини янгича назар билан ўрганиш, улар ҳукмронлик қилган давр маданияти, фани ва санъатини тарихий далиллар асосида тадқиқ этиш ишларига қизиқиш ўзининг дастлабки натижаларини беряпти. Бу жараён хийла қийин кечиши ва узоқ муддат давом этиши мумкин.

Ахир, бир неча асрлар давомида Темурнинг фақат жанг-жадаллари билан “суғориб” келинган халқ у ёқда турсин, ҳатто зиёлилар онгини дафъатан бошқа томонга — Темурнинг инсонпарварлигига, маърифатпарварлигига буриб юбориш осон ишми?! Лекин гап бунда эмас. Гап Амир Темур тарихини одилона ўрганиш ва ёритиш жараёнининг бошланганлигидадир. Бизнинг назаримизда бу жараённинг тобора кенгайиши ва чуқурлашиб бориши янги тарихимизнинг қонуний талаби эканлигини покистонлик олиму ижодкорлар яхши тушунадилар.

## БУЮК МЕЪМОРИЙ ДАҲО ҚАРОМАТЛАРИ

*“Валоятим ва қароматим мўъжизасига ишонмасангиз қурган иморатимга назар ташланг”.*

**Амир Темур**

Жаҳон тарихи қўламида жаҳонгирлик ихтиромлари билан улкан санъатга асос солиб, маданиятнинг ҳар жабҳасида, айниқса, меъморчиликда мислсиз бунёдкорлик намуналарини намоиш этган, Самарқанд салтанатида мазмун-моҳияти жиҳатидан мисли кўрилмаган Янги Уйғониш — Ренессанс даврини очиб берган бобокалонимиз Соҳибқирон Амир Темурни замонасининг буюк меъмори деб аташга журъат этдик. Бундай ҳалигача айтилмаган хулоса кўпчилик учун дастлаб эриш туюлса-да, тарих бизга жуда кўп ишончли манба — ҳужжатлар, исботлар орқали далолат беради.

Ўзбекистон мустақилликка эришгандан кейин она-Ватанимиз тарихига, маданий мерос қадриятларига бўлган муносабат ижобий томонга кескин ўзгарди, илгари мустабид тузум мафкураси тазйиқи ва таъқиби остида қаралган, ошкоралик тақиқ этилган, аксари сохталаштирилган тарих саҳифалари олимларимиз томонидан танқидий назар билан атрофлича чуқур ўрганила бошлади. Кўпчилик тарихий воқеалар ҳаққоний талқини ошкор бўлди. Хусусан, номи ҳам забунликка маҳкум этилган Соҳибқирон Амир Темур она-Ватанига, ўз халқи бағрига ҳам рамзий, ҳам маънавий жиҳатдан очиқ юз билан мағрур қайтиб келди. Ҳозирги замонда ўзбек халқини буюк истиқбол сари бунёдкорлик ишларига Соҳиб-

қирон даҳоси янги ғалабалар сари руҳлантириб, мадаккор бўлмоқда.

Президент Ислом Каримов таъкидлаганидек: “Биз Амир Темур тарихини ҳар томонлама чуқур ўрганишимиз ва тадқиқ қилишимиз керак... Нотўғри ва ғайриилмий қарашларга танқидий баҳо бериб, Амир Темурга нисбатан тарихий адолатни қарор топтириш бугунги темуршуносликнинг муҳим вазифаларидан биридир” (Ислом Каримов. “Амир Темур ҳақида сўз”. Тошкент. 1996 й., 49-бет).

Амир Темур таваллудининг 660 йиллиги муносабати билан олиб борилган илмий тадқиқотлар, нашр этилган қатор тарихий ҳужжатлар Марказий Осиё архитектурасидаги маълум ва машҳур ёдгорликлар тарихига оид йиғилиб қолган қатор муаммоларни аниқлаш имконини берди. Илгари кенг тарғиб этилган бир қанча ғайриилмий, нотўғри хулосалар ҳеч қандай асоссиз эканлиги фош этилди. Ахир Амир Темур номини, хусусан, бевосита иштироки бўлган бирон воқеани иложи борича қайд этмаслик ёки бошқа шахс фаолиятига йўйиш одатини қандай тушуниш мумкин? Самарқанддаги Амир Темур шахсан тамал тошини қўйиб, алоҳида эътибор билан қурдирган улкан меъморий мўъжиза Масжиди Жомеъни ҳозиргача хато равишда Бибихоним номи билан боғлаб тарғиб этиш ана шундай атайин қилинган чалкашликларнинг кичик оқибатидир.

Шоҳизинда меъморий хазирасидаги мақбараларнинг аксарияти Амир Темур топшириғи ва кўрсатмаси асосида бунёд бўлган. Мақбараларда аксари Соҳибқироннинг аёл авлодлари дафн этилган. Манбаларда Ўлжой оға мақбараси номи билан қайд этилган Қўшгумбазли бинони Қозизода Румий қабри устига Улуғбек томонидан қурилган мақбара, деб эълон қилиниши ҳам ўша тарихни сохталаштиришнинг яна бир исботи, десак бўлади. Амир Темурнинг шахсан назорати остида қурилган энг кўркем боғ сарой —

Кўшки Дилкушо — Ишратхона биносини тадқиқотларда кейинги даврга мансуб мақбара сифатида тарғиб этилиши ҳам ғоят ажабланарли эди. Чор истилоси даврида Самарқанд марказидаги Нуриддин Басирнинг (Қутби чаҳордаҳум) мақбараси атайин портлатиб ташлангани ҳам Амир Темур довруғига қарши мустабид тузум олиб борган сиёсатнинг бир кўриниши эди, холос. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Бу каби хатоларни жамласак, умуман, Амир Темурнинг меъморий бунёдкорлигини камситиш аломати яққол сезилиб қолади.

Тарих ҳақиқатини аниқлашга ҳаракат қилар эканмиз, Соҳибқирон Амир Темурнинг бизгача етиб келган сўзларига диққатни жалб этайлик: “Ҳар бир шаҳарда масжидлар, мадрасалар, хонақоҳлар қуришни, йўловчи мусофирлар учун йўл устига работлар бино қилишни, дарёлар устига кўприклар қуришни буюрдим”<sup>1</sup>. Бу сўзлар замирида улкан меъморий бунёдкорлик натижалари ётгани ҳозиргача сақланиб қолган меъморий обидалар тимсолида тасдиқланади.

Соҳибқирон Амир Темурнинг Марказий Осиё архитектураси тараққиётида улуғвор Уйғониш — Ренессанс даврини бошлаб берган, доруссалтана Самарқандни фирдавсмонанд шаҳарга айлантириб, унда маҳобатли қасру саройлар, кўшқлар, масжиду мадрасалар, хонақоҳлар, работ — карвонсаройлар қурдиргани, шаҳар атрофида бири биридан кўркам боғу бўстонлар маржонини бунёд этгани маълум. Худди шундай буқъои ҳайр иморатлар Шаҳрисабз, Бухоро, Насаф-Қарши, Тошкент, Туркистон, Ҳирот, Дамашқ каби шаҳарларда қурилган. Тарихий солномалар, қолаверса, ҳозиргача сақланиб қолган муҳташам меъморий ёдгорликлар фикримизни тасдиқлаб турибди.

---

<sup>1</sup> Темур тузуклари. Тошкент. 1991 й. 58-бет.

“Темур тузуклари”да яна бир таъкидни учратамиз: “Яна амр этдимки, катта-кичик ҳар бир шаҳар ва қишлоқда масжид, мадраса ва хонақоҳлар бино қилсинлар, фақир мискинларга лангархона (мусофирхона) солсинлар, касаллар учун шифохона қурдирсинлар ва уларда ишлаш учун табиблар тайинласинлар. Ҳар бир шаҳарда дорул аморат (ҳокимият) ва доруладолат (адлия уйи) курсинлар”<sup>1</sup>.

Ўша замонда жорий этилган тартибга биноан янги қурилган иморатлар, улардаги хизматчилар махсус ажратилган вақф даромадлари ва мол-мулки ҳисобига таъминланган ва таъмир этилган.

Амир Темурнинг меъморий бунёдкорлик соҳасидаги улкан мероси ҳозиргача деярли дуруст ўрганилмаган. Самарқанддаги Шоҳизинда, Масжиди Жомеъ, Гўри Амир, кичик Оқсарой, Ишратхона — Дилкушо кўшки, Туманоға хонақоҳи, Чўпонота, Руҳобод бинолари, Шаҳрисабздаги Оқсарой, Дорус-сиёдат ва Дорут-тиловат меъморий мажмуалари, Туркистон шаҳридаги Аҳмад Яссавий мақбара — хонақоҳи каби бетакрор, ҳар бири ажойиб меъморий санъат дунёси бўлган иморатлар ҳар жиҳатдан тўлиқ ўрганишни талаб қилади.

Амир Темурнинг шаҳарсозлик соҳасидаги бунёдкорлиги ҳам диққатга сазовор. Соҳибқирон улкан ва улуғ давлат жамлаб тартиб ўрнатар экан, икки муътабар кўҳна шаҳарни пойтахт — доруссалтана деб эълон қилди. Уларнинг “**мартабасига қараб зебу зийнат берди**”. Дастлаб она шаҳри Шаҳрисабзни, кейинроқ Самарқандни доруссалтана сифатида ардоқлаб обод қилди. Меъморий кўркини беқиёс даражага кўтарди, доврўғини дунёга таратди. Соҳибқирон амри билан бир қанча шаҳарларнинг мудофаа — фортифика-

---

<sup>1</sup> Ўша асар. 100-бет.

кация иншоотлари қайта тикланди ёки бутунлай янгидан мустақкам қалъабанд қилинди. Соҳибқирон Сирдарё ёқасидаги мўғуллар истилоси вақтида ер билан яксон бўлган Банокат шаҳрини янги асосда тиклаб, унга Шоҳрухия номини берди.

Янги шаҳар тузиш махсус лойиҳа режалари асосида олиб борилишини Жанубий Кавказдаги Байлақон шаҳрининг қайта тикланиши мисолида аниқ кузатиш мумкин. Шарафуддин Али Яздий “Зафарнома”да Ҳазрат Соҳибқироннинг олийҳиммати сифатида унинг ҳар сафар “бирор муддат иқомат бўлгон ерида мамоликка оройиш бермак ва ҳайрат пайдорининг рўзғори била машғул бўлур эрди”, — деб таъкидлайди. Қорабоғ қишлови вақтида “Байлақонии таъмир этмак доъийаси муборак хотиридин ўтди. Ул шаҳар муддати мадидким вайрон бўлиб, не бир иморати ва не бир жонувору ҳашорати бор эрди”<sup>1</sup>. Чамаси, бундай вайрон шаҳарни таъмир этиш мумкин эмас. Шунинг учун ҳам шаҳар кўламида янги лойиҳа тузилади.

“Ул сарзаминда махсус ёрлиқ била хуш раво муҳандислар ва кордон меъморлар шаҳар тарихига машғул бўлдиларким, онинг хондаки ва тўрт бозори ва бисёр эв (уй)лари ва ҳаммому карвонсаройи ва майдонию боғи ва гайруҳуни асос этиб андоза қилдилар. Шаҳар қурилишида бутун черик (қўшин) жаддн жадаллик билан ишлаб, “ул иморатларнинг барчаси пишиқ фиштдан бир ой муддатида тамом этилди”<sup>2</sup>.

Шаҳар қалъасининг катталиги кўламини кўрсатувчи ўлчамлар ҳам келтирилган: “Шаҳар боргоҳининг давраси буюк газ бирла (тахминан, 54 м) икки минг тўрт юз газ (1296 м) ва деворининг арзи ўн бир

<sup>1</sup> Шарафуддин Али Яздий. “Зафарнома”. Тошкент. 1997 й. 278-бет.

<sup>2</sup> “Зафарнома”, 278-бет.

газ (5,94 м) ва баландлик миқдори қарийб ўн беш газ (8,1 м) ва ҳандоқининг эни ўттиз газ (16,2 м) ва унинг чуқурлиги (10,8 м) эди”<sup>1</sup>.

Боргоҳ — сарой қалъаси деворларида икки дарвоза, бўртиб чиққан буржлар, девор тепасида шарафа, кунгура ва тош безаклари бўлган: “**Ва тўрт тарафдин ҳар бир шарафада эътиборли хисор буржи ва бошқа ерларида кўпордилар. Ва икки шарафада икки дарвоза ва ҳаммасида шарафа ва кунгура ва тош безаклари берилиб эрди**”<sup>2</sup>. Бир йилда бажариладиган иш бир ойда тугалланди, яна бир ой давомида Арас (ҳозирги Аракс) дарёсидан Байлақонгача узунлиги “миқдори олти яғоч ва эни ўн беш газ шаръий”<sup>3</sup> Барлос анҳори чиқарилди (узунлиги тахминан 36 км, кенглиги 8 м). Клавиҳо бу шаҳарда 20 мингдан ортиқ уй-жой борлигини айтади.

Соҳибқирон шаҳарсозлик жабҳасидаги барча бунёдкорлик ишлари асос режасини шахсан ўзи бошчилигидаги меъмор ва муҳандислар билан ҳамкорликда тузган, ўзи тасдиқлаган ва шахсан саркор назоратини ўтказиб борган.

Мўғул истилоси оқибатида вайрон бўлган Бухоро, Самарқанд, Шаҳрисабз, Урганч каби шаҳарлардаги ўз даврининг маркази — университети бўлган мадрасалар аксари вайронага айланди, мударрис ва талабалар тум-тарақ бўлиб кетди. Мустабид зулмидан Марказий Осиёни қутқариб янги давр эшигини очган Амир Темур ҳамма жойда буқъои ҳайр — жамоат учун зарур биноларни қуришга тарғиб этаркан, дастлаб ўзи бошқаларга ўрнак сифатида она юрти Шаҳрисабзда энг катта, шаклу шамоийили жиҳатидан ҳали дунё билмаган мадраса қуришга бошлаган

---

<sup>1</sup> “Зафарнома”, 278-бет.

<sup>2</sup> “Зафарнома”, 278-бет.

<sup>3</sup> “Зафарнома”, 278-бет.

экан. Шаҳрисабзнинг “Куббатул илм вал адаб” (“Илм ва адаб қуббаси”) деб таърифланиши ҳам шу мадраса атрофига йиғилган машҳур олимлар туфайли янгидан овоза топган бўлса ажаб эмас.

Уни Соҳибқирон Мовароуннаҳр ҳукмдори деб эълон қилинган 1370 йилдан кейин қурила бошлаган, десак хато бўлмайди. Хоразмда бўлган донишмандлар, ҳуффош ва ҳунармандлар барчасини кўчириб 781/1379 йилда Кеш — Шаҳрисабзга келтирилганини Шарафуддин Али Яздий қайд қилиб ўтган. Мадраса тузилишида Хоразм меъморчилигининг таъсирини чўққиси кулоҳсимон гумбаз пайдо бўлганидан яққол сезиш мумкин. Меъмор ва бошқа ҳунармандлар мадраса қурилишида ишлаган бўлса, ислом олимлари мударрислик қилган.

Заҳриддин Бобур (1483-1530) Кеш — Шаҳрисабзни таърифлар экан, Амир Темур бунёд этган бинолар қаторида мадраса борлигини кўрсатиб ўтади. Муҳаммад Бадиъ Малихо (XVII асрнинг биринчи ярми) ўша мадрасани Дорут-тиловат ва Дорус-сиёдат номи билан атайди. Демак, XVII асрда ҳам мадраса фаолияти давом этган.

Ҳар жиҳатдан муҳим тарихий аҳамиятга эга бўлган Кеш — Шаҳрисабз шаҳридаги Амир Темур мадрасаси тадқиқотчилар назаридан четда қолгани таассубга лойиқ. Кўпчилик олимлар бу мадраса бузилиб кетган, унинг архитектураси ҳақида бирор аниқ маълумот қолмаган, деган хулоса билан чекланиб ўтганлар.

Кўп йиллар давомида олиб борилган меъморият тарихига оид кузатишлар қутилмаган ижобий натижалар берди. Амир Темур мадрасаси ҳозирги вақтда Ҳазрат Имом номи билан фанга кирган иморат эканлиги тарихий манбалар асосида исбот қилинди. Демак, ҳозирги кунда мадрасанинг буюк пештоқи (унинг ғарбий даҳана бўлаги сақланган), ҳовлиси атрофидаги ҳужралар қатори, ҳовли тўридаги мақ-



бара сифатида қурилган бино қолдиқларини зиёрат этиш мумкин.

Амир Темур мадрасаси шаклу шамоийли Темурийлар даврида кенг анъана тарзида қурилган янги мадрасалар учун дастлабки намуна сифатида алоҳида аҳамиятга эга бўлган. Амир Темур мадрасасида дастлаб намойиш этилган буюк пештоқ ва ёнидаги минора — бурж ва гумбазлар тузилиши кейинроқ Улуғбек қурдирган Бухоро, Ғиждувон ва айниқса, Самарқанд шаҳридаги мадрасалар архитектурасида анъана сифатида ўз аксини топди ва ривожланди.

Яна Соҳибқирон сўзларига эътибор берайлик: **“Муҳандислар (меъморлар) билан олий иморатлар барпо этиб, боғу бўстонларнинг тарҳини чиздирдим”**. XV аср солномаси Мусавийнинг “Тарихи ҳайрати”-да Амир Темурнинг Кониғилдаги Боғи Дилкушо таърифи келтирилган. Айниқса, боғ ўртасидаги кўшкнинг тафсилоти кўпчилик тадқиқотчилар эътиборини жалб этиб келмоқда. Шу боғ ва кўшк тузиш учун махсус лойиҳалар танлови ўтказилиб, тарҳини талабга мослаб тузиш ва бинони қуриш жараёнида Соҳибқироннинг шахсан ўзи иштирок этгани ва бино безаклари пардозини ўз назорати остида бажарилгани қайд этилган.

Шарафуддин Али Яздийнинг “Зафарнома”сида ҳам Боғи Дилкушо ҳақида ниҳоятда қимматли маълумотлар келтирилган:

**“Боғнинг ўртасида уч пештоқли юксак кўшк тикладилар ва уни инсон нигоҳини лол қолдирувчи турфа нақшлар билан безадилар, мустаҳкам ва чидамли қурилган, безаклари турли-туман, ташқи изораси шоҳона маҳобат бағишлар эди”<sup>1</sup>.**

Соҳибқирон ҳатто боғнинг хиёбон йўллари чегига ўтказиладиган мевали дарахтларни, чорчаманлар-

---

<sup>1</sup> “Зафарнома”. 187-бет.

ни ва гулзорларни ўз диди ва талабига мослаб режасини тузган. Тарихчининг таъкидлашича, боғ ва кўшкнинг довуғи ўша даврлардаёқ афсонага айланган эди. Дилкушо кўшки ҳозиргача сақланиб қолган Ишратхона номли ажойиб меъморий бино эканлигини эсласак, Амир Темур боғлари архитектурасининг қанчалик баркамол ва кўркем бўлганлигига қойил қоламиз.

Амир Темур Самарқанднинг кунботарида ўғли Мироншоҳнинг “Олий ифбат соҳиби Бека Султон номига атаб дилни ром этувчи баланд бир қаср ва гўзал бир ишратгоҳ курсинлар, — деб фармони олий чиқаради. Шарафуддин Али Яздийнинг таъкид этишича, бу тадбирни ошириш учун, — Форс ўлкасининг барча вилоятлари, Ироқ, Озарбайжон, Доруссалом (Бағдод) ва бошқа мамлакатлардан доруссалтана (Самарқанд)га жам бўлган моҳир муҳандислар, равшан фикрли меъморлар қасрнинг тарҳини ўткир фаросат қалами билан маҳорат лавҳасига чиздилар”<sup>2</sup>.

Чамаси, бу гал Амир Темур меъмор-муҳандислар ўртасида энг яхши лойиҳа учун танлов ўтказган. Қаср — кўшкнинг меъморий тузилишига доир маълумот ҳам бор: марказий хона тарҳи одатдагидек чорси — чортоқ бўлиб, ўртада тўртта устун бўлган. Бу устунлар Табриздан келтирилган мрамрдан ясалган экан. Демак, марказий меҳмонхона “чор устун” услубида таркиб топган, устунлар ўзаро равоқлар орқали бирлаштирилган, ҳосил бўлган тўққиз гумбаз бино тузилишига ўзига хос жозиба бахш этган.

“Мустаҳкам рукнларни бағоят маҳкам ва пухта қилиб кўтардилар. Ҳар бир рукнига Табриздан келтирилганлари мрамр тошдан ишланган биттадан устун ўрнатдилар. Деворлари сатҳини ложувард ва олтин билан шундай ажойиб ва ҳайратомуз даражада гўзал

---

<sup>2</sup> “Зафарнома”. 187-бет.

этиб нақшладиларки, уларнинг тароватидан Моний расмлари ва нигорхонасини уяту хижолат губори қоплади.

Қасрнинг саҳнига мрамр тошлардан ва Кўҳи Нур (Нурота)дан келтирилган тошлардан шундай чиройли қилиб ётқизганларки, уларнинг латофатидан бошдан хуш учиб, ақл ҳайрон қолади. Ташқи деворнинг ичкари тарафидаги изорасини кошин билан безадилар”.

Бинокорлар жидду жаҳд билан беқиёс ғайрат кўрсатиб кундуз ва кечаси узлуксиз ишлаганлар. Қаср бир ярим ой муддатда бунёд этилган ва шу муддат давомида Амир Темур боғ ичига ўрнатилган Саропардада (шоҳона чодирда) истиқомат қилиб, Шамол қасри — кўшкининг қурилиш жараёнини бош меъмор сифатида бошқариб борган.

Самарқанд шаҳридаги жуда кўп меъморий обидалар, асосан, Амир Темур шахсан тасдиқлаган бир тарҳ — лойиҳа асосида ва назорати остида қурилгани маълум. Туркистон шаҳридаги Аҳмад Яссавий мақбара-хонақоҳи Амир Темур чиқарган фармони олий асосида 1397 йилда қурила бошлаган. Амир Темур лойиҳа ишларига шахсан таъсир этгани, лойиҳани тасдиқлагани ва махсус фармонда улкан иморатнинг хоналари ҳатто мақбара ва жамоатхона ўлчамларини кўрсатгани тафсилотида Соҳибқироннинг меъморий даҳоси алоҳида сезилиб турибди.

Соҳибқирон пайғамбар ёшига кирганида кўп йиллар давомида орзу қилган ниятини амалга оширишга киришади. Сарой тарихчиси Ғиёсиддин Али Ҳиндистон ғазоватига бағишланган сафарномаси охирида урушдан ғолиб қайтган Амир Темурнинг иштирокида Самарқанд шаҳридаги тантаналар давомида содир бўлган тарихий воқеаларни зикр қилиб ўтади.

“801 йил рамазону шариф ойининг тўртинчи кунда (1399 йил 10 май) масжид учун пойтахтнинг энг яхши жойини (Амир Темур) танлади. Машҳур усталар ва бинокор-меъморлар бу улкан иморатнинг лойи-

ҳасини туздилар ва сўнги дақиқада унинг пойдеворини қура бошладилар”<sup>1</sup>.

Амир Темур қурилатган бинолар шаклу шамойили кўркамлиги юксак санъат даражасида бўлишини қаттиқ талаб этган. Қурилиш давомида шахсан кузатиб, бино тузилишига жиддий ўзгаришлар киритгани маълум. Испан элчиси Рюи Гонзалес Клавихо Шаҳрисабз ва Самарқанддаги янги қурилган маҳобатли биноларни ҳайрат билан тасвирлар экан, уларда Соҳибқироннинг талаби билан бир қанча жиддий ўзгаришлар киритилаётганини таъкидлаб ўтади.

Соҳибқирон 1401 йили Дамашқ шаҳри ўртасидаги Қасри Аблақ деган саройида тўхтаб, атрофдаги муқаддас жойларни зиёрат — тавоф этади. Шу жумладан, Билол Ҳабашийнинг мазорини зиёрат қилади. Кейинроқ Шом мамлакатининг улўф бекларидан Бутжосбек уйида яшайди. Амир Темур кўҳна шаҳар Дамашқнинг меъморий ёдгорликлари, умуман, ўша давр архитектурасининг ижодий, бадиий хусусиятлари, янгиликлари таъсирида ўз фикр-мулоҳазаларини билдирган бўлса керак. Шу ўринда тарихнавис Шарафуддин Али Яздийнинг алоҳида уқдириб ўтган бир маълумоти диққатга сазовор:

“Ва ул ерда бир иморат бор эдиким, асру зебо ва латиф. Ҳазрат ул иморатни кўруб муборак кўнглида туштиким, мундоқ зебо шаҳар ва иморатларким, бу йил солиб турур, ҳеч қайсининг кўнглида кечмай турурким, ҳазратнинг кўнгли хуррамлар бу вилоятда ёниб турурлар. Анда бир иморат солғайким, ҳеч ким бундай иморат солмоғондурлар, ажаб ва мурувват ҳиммат эликина бермушлар. Соҳибқирон буюрдиларким у ерда икки мазор устида гумбаз солғайлар”<sup>1</sup>. Махсус

---

<sup>1</sup> Фиёсиддин Али. 190-бет.

<sup>2</sup> “Зафарнома”. 242-бет.

тайинланган мутасаддилар саъй-ихтимоми билан 25 кунда “икки олий гумбаз оқ тошдан” қад кўтарди.

Амир Темури ўз талаби ва таъсири остида кўп йиллар давомида таркиб топиб, ўз ҳусну жамолини кўрсатётган янги давр архитектураси ютуқлари ва имкониятларини намойиш этиш ниятида Дамашқ шаҳридаги зебо ва латиф иморатлардан кўркамроқ янги икки гумбаз қурдиргани маълум бўлади.

Кичик Осиёга етти йиллик юришдан қайтар экан, музаффар Амир Темури меъморий мўъжиза бўлмоғи ният этилган Масжиди Жомеъни ўз кўзлари билан кўришга ошиқади. Бу гал ҳам меъморий талабчанлик Соҳибқирон ғазабини жунбушга келтиради. Сабаби, меъморий санъатнинг тамойиллари бузилгани экан. Масжиди Жомеъ даргоҳи нисбатан паст ва тор, майдон қаршисига тушган Бибихоним мадрасасининг пештоғига нисбатан қийшиқ жойлашган эди. Ибн Арабшоҳ меъмори ва ҳандаса аҳли билан бу мадрасанинг Масжиди Жомеъ муқобилида бўлишини лозим топдилар, деб тушунтиради. Натижада, икки улкан иморатнинг меъморий ҳамоханлиги, ўзаро монанд, муқобил ва мутаносиб бўлиши бузилган. Бундай меъморий хатони ўз кўзи билан кўрган Соҳибқирон меъмори ва қорфармони қаттиқ жазолайди. Катта меъморий хатони тузатиш қанчалик оғир ва машаққатли бўлмасин, Амир Темури шахсан ўзи усталарни рағбатлантириб, масжиднинг паст даргоҳини буздириб, қайтадан қурдиради, қаршидаги номақбул пештоқни зудлик билан буздириб ташлайди. Юксак дид ва меъморий талабчанлик яна ғолиб келади.

Соҳибқироннинг меъморий даҳоси ҳақида мулоҳаза юритганда яна бир муҳим манба ва сабабни эътиборга олиш керак. Улуғ саркарда бир неча ўн минглаб, юз минглаб сарбозлардан иборат катта қўшинни бир неча ойлаб узоқ юртларга бошлаб борар экан, ҳеч шубҳасиз, деярлик ҳар куни кўчма уйлар — чо-

дирлар, ўтовлар, хиргоҳлар, саропардалар, ҳаммомдан тортиб ошхонаю аслаҳахона, устахоналар, кўчма масжидлар тузилиши, уларнинг юриш талабларига муносиблиги, тезда йиғиштириб тиклаш, кўчни йиғиб сафарга қўшилиш муаммолари билан шуғулланишга тўғри келган. Қўшин кетидан кўчма шаҳар ҳам изма-из силжиб борган.

Ана шундай кўчма шаҳарни Самарқанд Кониғлидаги энг катта байрамона безакларда кўриб ҳайратга келган испан элчиси Клавихо жуда таъсирли ҳаяжонларни билдириб, шаҳар кўчалари, бозорлари, шоҳона саропардалари, кўшқу кошоналари, масжиднамозгоҳлари ва ниҳоят, тантана майдонларини зийраклик билан мукамал тасвирлаб қолдирган. Шу каби кўчма шаҳарларни тузиш ва режалашда Амир Темурнинг меъморий даҳоси етакчи бўлган, қолаверса, бу даҳо тажрибалар асосида ўсиб-улғайиб боргани табиий.

Амир Темур ўз пойтахти жаннатмонанд Самарқанднинг меъморий юксалишига алоҳида эътибор бергани маълум. Кенг кўламда шаҳарсозлик тадбирлари амалга оширилди: қалъа девори тикланди, турли хил иморатлар қурилди, кўча-кўйлар, бозорлар обод ва ораста, қалъа атрофида маржондек жойлашган кўм-кўк боғ-роғлар пайдо бўлди. Буларнинг ҳаммаси улуғвор меъморий ғоя — истак ва талабнинг, буюк ижодий-бадий бунёдкорликнинг ёрқин самараси эди. Шу ўринда Амир Темурнинг меъморий тафаккури нақадар изчил ва кенг кўламда эканлигини тасдиқловчи бир тадбирга эътиборни жалб этамиз.

Ибн Арабшоҳ шаҳар атрофидаги баъзи қишлоқлар тақдири билан боғлиқ қизиқ бир меъморий муаммони уқдириб ўгади: **“Темур Самарқанднинг атрофлари ва этакларида бир неча касабалар бунёд қилиб, уларни шаҳарлар келинчаклари бўлган Миср (Қоҳира), Днмишқ, Боғдод, Султония, Шероз каби**

азим ва марказий шаҳарлар номи билан атади”<sup>1</sup>. Бу манзилларда ўзга юртлардан келган хунармандлар, деҳқонлар маҳаллий аҳоли билан ёнма-ён истиқомат қилгани ҳақидаги ривоятларни ҳозиргача эшитиш мумкин.

Кексайиб қолган Амир Темур охири етти йиллик жангу жадаллар сафаридан ғолиб доруссалтана Самарқанд сари шошилинич қайтар экан, муҳаррам ойи 807 ҳижрийда, 1404 йил июль ойида шаҳар жанубидаги Боғи Чинорга келиб тушади. **“Ва андин шаҳарга кириб шаҳзодан Саъид Мирзо Муҳаммад Султон мадрасасигаким, ани янги ясаб эрдилар ва ҳазрат ани кўрмайдур эрди, бориб зиёрат қилди”**. Соҳибқирон янги мадрасаларни синчиклаб кўриши бежиз эмас. Султония шаҳридаги Қайдор пайғамбар қабристонига вақтинча қўйилган набираси Муҳаммад Султоннинг жасади Самарқандга келтирилган ва марҳум шаҳзода кўмиладиган жойни тайинлаш муаммоси ўша кунларда кўндаланг турар эди. Орадан кўп ўтмай бир неча кундан кейин Соҳибқирон Муҳаммад Султон мадрасасига қайтиб келади ва ниҳоятда муҳим меъморий режани эълон қилади. Тарихнависнинг қисқагина маълумоти: **“Фармон бўлдиким, “Мадрасанинг олдида гумбази олий солсунлар”**. **Ҳукм била гумбази солдилар ва сардоба қилдилар. Ва анинг ёнида боғча биҳиштдек ясадилар”**. Орадан бир неча ой ўтгач, Ўтрорда вафот этган Амир Темурнинг жасадини худди шу мақбара сардобасида душанба кечаси шаъбон ойининг йигирма иккисида 807 ҳижрий, яъни 23 февраль 1405 йилда **“шаръ йўсуни била гумбазга кийуриб, туфроққа тобшурдилар”**.

Шундай қилиб, Соҳибқирон Амир Темурнинг охириги йирик меъморий каромати тарих тақозоси билан асрлар давомида машҳур бўлиб келган Гўри

---

<sup>1</sup> Ибн Арабшоҳ, I-к., 127-бет.

Амир мақбараси тузилишида мужассам топди. Мақбара олий гумбази шаклу шамоили Амир Темур даври архитектурасининг ёрқин тимсолига айланди.

Тарихнавис Шарафуддин Али Яздий “Зафарнома” хотимасида якун ясаб таъкидлаганидек, “Соҳибқироннинг майли иморат била ва хайру эҳсон била кўб эрди. Ва андин кўб иморатлар ва масжиду хонақоҳ ва роботу кўфрук ва роботу гайруҳу оламдан бисёр туруп”.

Такрор айтамиз, Марказий Осиё архитектураси тарихида ёрқин янги давр очган ажойиб меъморий иншоотлар асосан Соҳибқирон валийлиги ва каромати маҳсули бўлиб, меъмор сифатида бевосита фармони, режаси, тасдиғи ва ўта талабчан назорати остида бунёд топган. Зотан, Соҳибқирон “ҳар неким ўзи маслаҳат кўрса эрди ё кўнглида тушса эрди, анинг била амал қилур эрди... ўзи хаёл қилгон иш била ишлар эрди... ўзи илгари юруб иш қилур эрди...”.

Дарвоқе, архитектура — давр кўзгуси деган муқояса бор. Ҳақиқатдан ҳам, асрлар оша етиб келган меъморий обидалар орқали аждодларимиз ҳаёт тарзи, санъаткорлик маҳоратлари мужассамини кўра-миз. Архитектура бунёдкори бўлган меъморларга таҳсин айтамиз. Бу ўринда бобокалонимиз Амир Темурнинг меъморлар меъмори бўлганлиги, архитектура — меъморият санъатини юксакликка кўтариб, бу соҳада янги давр очганини, беқиёс бунёдкорлигини ҳайрат билан кузатарканмиз, асримиз бошларидаёқ рус академиги В.В.Бартольднинг эътирофи билан айтган хулосасини эслаймиз: “Мусулмон меъморчилигининг энг яхши давларидан бири Амир Темур ва унинг авлодлари номи билан боғлиқдир”.

Соҳибқирон Амир Темур ўзи асос солган янги давр архитектурасининг буюк меъмори эканлигини жуда кўп тарихий ҳужжатлар тасдиқлаб турибди: бугун жаҳон ҳайрат билан таниган, тан олган мўъжизадек



меъморий ёдгорликлар, замондошлар қолдирган тарихий номалар, шахсан Соҳибқирон қайд этиб ўтган сўзлар ва ниҳоят, Оқсарой улуғ пештоғига битилган китоба фикримизнинг инкор этиб бўлмайдиган исботларидир. Оқсарой пештоғи китобасидаги фахр, гурур сўзларини ҳозирги замон нуқтаи назаридан бир оз таҳрир этиб баралла айтиш мумкин:

“Амир Темурнинг меъморий кароматларига шакшубҳангиз бўлса, у бунёд этган мўъжизадек иморатларга назар ташланг!”

Ибн Арабшоҳ Самарқанддаги меъморий мўъжиза Масжиди Жомеъ яратилиши муносабати билан Амир Темур номидан айtilган юрак сўзларини келтиради: **“Чиндан ҳам обидаларимиз бизнинг кимлигимиздан далолат бергусидир”**. Дарвоқе, масжиднинг тамал тоши қўйилганига 600 йил тўлган қутлуғ санада Амир Темурнинг Марказий Осиё архитектураси равнақига қўшган беқиёс таъсирини эътиборга олиб, шахсан асос солган меъморий мўъжизаларини ҳайрат билан кузатар эканмиз, Соҳибқиронни замонасининг буюк меъмори деб улуғлашга ҳамма асос ва далолат бор.

*Абдулҳаким Шаръий Жузжоний  
(Афғонистон)*

## **“ФАТОВОЙИ ОЛАМГИРИЙ” — БОБУРИЙЛАР ДАВЛАТИНИНГ ҲУҚУҚИЙ КОДЕКСИ**

Темурийлар давлатининг Ҳиндистондаги давомчиси Бобурийлар империясининг беш асрга яқин ҳукмронлик даври фан ва маданият гуллаб-яшнашининг гувоҳи бўлган бўлса ҳам, мусулмон қонунчилигининг ривожига жараёнида бутун ислом оламида “мухтаждлар” ва “мухаррижлар” даврларидан кейин тушкунликка юз тутган ва “муқаллидлар” ёки “тақлид” даври деб аталган олтинчи босқичга тўғри келди.

Тақлид даврининг хусусияти шундан иборат эдики, фикҳ илми соҳасида эркин фикр юритиб, ижтиҳод қилиш ва шахсий раъй асосида янги илмий асар яратиш имконияти чекланиб қолган эди. Шу сабабдан, фақиҳлар, яъни ҳуқуқшунос олимлар, ўша даврда махсус қонун чиқариш органлари мавжуд бўлмагани учун, зарурат туғилганда ўтмишда ёзилган машҳур юридик асарларни текшириб, уларда ёритилган минглаб ҳуқуқий масалаларни бир-бири билан солиштириб, керакли муаммолар ечимини топишга уринардилар. Ҳар бир мазҳаб олимлари ўз имомлари изидан бориб, ўзларини уларга қарши фикр билдириш ҳуқуқига эга эмас, деб билардилар. Шунинг учун тақлид даврида тўртта асосий мазҳаб: Моликия, Ҳанафия, Шофееъийа, Ҳанбалия ҳуқуқий мактаблари доирасидан чиқадиган бутунлай янги асар яратилмади.

Ислоҳ дунёсида ҳокимиятга эришган барча туркий сулолалар, масалан: Сафавийлар ва Қожорийлардан ташқари, суннийлик оқимига мансуб бўлиб, Ҳанафия мазҳабининг жиддий тарафдорлари бўлганликлари учун, ушбу мазҳабни ҳимоя остига олиб, унинг ривожини йўлида катта хизмат қилиб келдилар. Айниқса, Темурийлар ва Бобурийлар сулоласи мазкур хусусиятни ўз фаолиятларида кенг қўллаб келганлар.

Соҳибқирон Темур ўзи шахсан фикҳ илми бўйича зўр салоҳиятга эга бўлиб, ёшлигиданоқ Куръони Каримни мукамал ёдлаб олган эди. Унинг тузукларини диққат билан ўқиган киши, шариат принциплари у қолдирган тўра — тузукларда қанча сингиб кетганлиги ва мусулмон ҳуқуқининг қоидалари у қурган давлатнинг ҳуқуқий пойдеворини ташкил этганидан ташқари, амалий ҳаётда нечоғли аҳамиятга эга эканлигига амин бўлади.

Темурийлар давлатида фикҳ илмига бўлган катта эътиборни тушуниш учун Мирзо Улуғбек Шаҳрисабзда қурдирган “Кўк гумбаз” Жомеъ масжиди ички даворининг тўрт тарафида ҳарфлар билан чиройли услубда бир неча марта ёзилган қуйидаги ҳадиснинг арабча матни инкор қилиб бўлмайдиган далил ҳисобланади: “Мян юридиллоҳу биҳи қилиб хайран юфаққиҳуҳу фиддийн”, яъни “Оллоҳ ҳар кимгаким эзгулик истаса, дин бўйича уни фақиҳ олим қилади”, дейилган мазкур ёзувда.

Ушбу ҳадиснинг такрор ёзилиши, фикҳ илмини ривожлантириш ва умумийлаштириш бўйича Темурийлар давлати сиёсатининг инъикоси бўлган.

Амир Темур даврида жуда кўп фақиҳлар, муфассирлар ва буюк дин олимлари ўтганлар. Абдулҳай Лакнавийнинг таъкидлашича, саййид Шариф Журжоний ва аллома Тафтазоний каби буюк алломалар Темурнинг доимий суҳбатдошлари бўлганлар. Амир Темур даврида ўтган фақиҳлардан қуйидагиларни эслатиб ўтиш мумкин: “Фатовойи Кабир” — муаллифи Кабир ибн Кабир ад-Дазакий, “Фатовойи Шайбоний” ва “Ал-жомеъ ул-алия фи васоиқаш-шариъа ва сижилот ул-маръия” — муаллифи Али ибн Муҳаммад ибн Али ибн Маҳмуд ал-Мухторий ал-Хоразмий ал-Кубровий, Ҳусайн Бойқаро номига ёзилган “Мавоҳиби алия” ёки “Тафсири Ҳусайний” ва Алишер Навоий номига атаб ёзилган “Жавоҳир уттафсир ли-туҳфат ул-амир” номли тафсирлар муаллифи Ҳусайн Воиз ал-Кошифий ва бошқалар.

Темурийлар ва Бобурийлар ўртасида фикҳ илмига қизиқиш шу қадар кучли бўлганки, Алишер Навоий ўзининг бир рубойида “ким сарвар эрур фақийҳ бу умматаро”, деб ҳуқуқшунос олимнинг даражасини кўкка кўтарган. Заҳириддин Муҳаммад Бобур ҳам бир қатор фикҳий масалалар бўйича “Мубаййин” номли манзума ёзган. Унинг авлодлари ҳам шу

йўлдан бориб, илму фан ҳомийлари сифатида диний илмлар, айниқса фикҳ ва калом илмига катта эътибор қаратганлар. Биз бундай қизиқишни, айниқса, Бобурийларнинг олтинчи подшоси бўлмиш император Абул-Музаффар Муҳйиддин Аврангзеб Оламгир даврида юксак даражада кўришимиз мумкин. Бу олим ва иқтидорли подшоҳ ўзига хос хусусиятларга эга бўлиб, унинг табиатида бир қанча камчиликлар мавжуд бўлса ҳам, ижобий томонлари устун турган. Лекин баъзи тадқиқотчиларнинг мақолаларида, ҳатто қабул қилинган айрим кўлланмаларда ҳам унга нисбатан салбий ёндошилиб, ижобий томонлари кўрсатилмай ўтилган. Ваҳоланки, унинг раҳбарлигида яратилган илмий, адабий асарлар ва меъморий ёдгорликларга ҳатто ишора ҳам қилинмаган. Бундай асарлар ўзбек подшоҳлари раҳбарлигида шаклланган давлатчилик тарихини тўғри ўрганиш соҳасида ёшларга ёрдам бермайди ва уларни ўз миллий қадриятларини тушуниб олмасликка сабаб бўлади.

Тарихий манбалардан хулоса чиқарадиган бўлсак, Аврангзеб Оламгир илмпарварлиги, маданиятпарварлиги, дунёқараши ва фикҳ илми соҳасида қилган хизматлари билан Бобурий шаҳзодалар орасида ўзига хос ўрин тутган. Мисрлик машҳур олим Аҳмад Шалабий Қоҳира дорилфунунида ислом тарихи ва маданияти устоди, ўзининг саккиз жилдлик “Ислом тарихи ва маданияти қомуси” номли китобининг саккизинчи жилдида Аврангзеб ҳақида қуйидаги фикрни билдиради: “Аврангзеб ўз даврининг буюк олимларидан бўлиб, илм ўрганиб унга амал қилди. Ҳеч қачон ичимлик ичмади, олтин ва кумуш идишларда овқат емади, олий мусиқа истеъдоди эгаси бўлса ҳам, шахсан рақс ва мусиқа базмларида ўлтирмади. Ҳиндистон мусулмонлари уни ушбу илм ва тақвоси учун авлиёлар ва Оллоҳнинг солиҳ бандаларидан, деб ҳисоблайдилар. У адолатни таъминлаш мақсадида ҳеч

қандай тўсиқ ва пардасиз қабулда ўтириб, одамларнинг шикоятларини эшитарди. У саройда барча расмий ташрифотларга чек қўйиб, фақат “ассалому алайкум”ни подшоҳ ҳузурда расмий таҳният ва салом сифатида қабул қилди. Унинг даврида масжиду мадрасалар қўпайиб, етимхоналар, работлар, қариялар уйлари қурилди. Аврангзеб йирик олим бўлиб, қўп қиррали маълумотга эга эди. Ислом дунёсида энг олий масжидлардан бири ҳисобланмиш “Масжиди шоҳ”ни Лоҳурда қурдирди.

Ҳиндистонлик тадқиқотчи, олим Азиз Аҳмад ушбу иқтидорли император қилган ишлари нечоғлик қўп қиррали эканлиги ҳақида ишончли маълумот беради. Унга биноан унинг ҳокимияти даврида мусиқа санъати бўйича илмий тадқиқотлар давом эттирилиб, “Шамс ул-асвот” номли рисола бу мавзуда ёзилган.

Ҳиндистон Темурийлари ота-боболари каби тарихда тутган ўз ўрниларини яхши англардилар. Бобурийлар тарихчилиги Аврангзеб даври билан бошланади. Азиз Аҳмаднинг таъкидлашича, Мирзо Муҳаммад Козим ёзган “Оламгирнома” императорнинг зоҳидларча камтаринлиги оқибатида давом этмай қолган бўлса ҳам, унинг ҳукмронлик даври Мустаъидхон қаламига мансуб бўлган ярим расмий бир асар бўлмиш “Маосири Оламгирий”да қисқа тарзда бўлса ҳам диққат билан баён этилган. Аврангзеб даврида катта ҳажмли умумий тарих Бахтовархон ёзган “Миръот ул-олам” бўлиб, Мир Муҳаммад Бақо ёзган “Миръоти жаҳоннумо” эса ушбу китоб юзидан ўзгартирилиб ёзилган асардир. Мазкур китобнинг қимматли томонлари шундаки, Бобурийлар даврининг мумтоз мутафаккирлари ва маданият арбоблари ҳақида берилган қўшимча маълумотлардан иборатдир.

Бобурийлар даврининг сўнгги буюк тарихий китоби Хавофий (Хофий) хон ёзган “Мунтахаб ул-лубоб” номли барҳаёт асар бўлиб, унинг муаллифи тарихий воқеаларни уйдирмалар билан қўшиб, Шоҳжаҳон саройидаги ҳашамат ва шукуҳни тасвирлайди ва Аврангзеб даврида юз берган можароларни ёритиб ўтиб, Бобурийлар империяси уларнинг ўринбосарлари даврида заволга юз тутганини аламли услубда шарҳлайди.

Бобурийлар форс тили ривожига катта ҳисса қўшганлар. Эронлик олим доктор Забиҳуллоҳ Сафнинг камоли мамнуният билан таъкидлашича, улар бу тилни ўз ижодлари ва ҳимоялари билан инқироздан сақлаб қолган бўлсалар ҳам, Азиз Аҳмаднинг ёзишича, улар ҳеч қачон она тиллари бўлмиш туркий тилни назардан йироқ тутмаганлар. Саййидий Али Рес турк амири гувоҳлиги ва “Миръот ул-мамолик”-да ёзилишича, Ҳумоюн саройида ҳар иккала тил (туркий ва форсий тиллар)га қизиқиш мавжуд эди.

Бобурийларнинг оилаларида туркий тилни ўрганиш анъанаси давом этиб, Бобурий шаҳзодалар ўқув режаларининг ажралмас қисми ҳисобланарди. Бу анъана XVIII асргача давом этиб келади.

Аврангзеб ўз ўғиллари ва амалдорларига ёзган мактублар мажмуаси “Руқаоти Оламгирий” деб аталган. У содда ва равон усулда ёзилган бўлиб, муаллифнинг мақсадларини чиройли ва тушунарли тарзда ифодалаган.

“Руқаоти Оламгирий” бир неча марта нашр этилиб, Билмурий (J.N.Vilmoria) томонидан таржима ва нашр этилган.

Унинг даврида Ҳиндистоннинг машҳур олимларидан Чалабий соҳиб 1660 йили “Фаридатуззамон фи тафсири ояти-инно аразно ал-амоната” номли китобни Аврангзеб номига ёзган эди. Ундан бир қўлёзма нусха Лондонда сақланмоқда.

Франция саёҳатчиси Франсуа Бернье, Аврангзебнинг шахсий табиби, қолдирган маълумотларга кўра, унинг ҳокимияти даврида таълим ва тарбия гуркираб ривожланган. Аврангзебнинг амри билан Ҳиндистонда кўплаб мадрасалар ва ўқув юртлари қаторида Лакхнавда Фаранги маҳал деб аталган йирик илмий марказ (мадраса) қурилган. Ушбу ўқув марказининг илмий режаси “Дарси низомия” деб аталиб, мулло Низомуддин томонидан тузилган эди ва бошқа мадрасаларда ҳам унинг асосида ўқув ишлари олиб бориларди. Мазкур илмий режага араб тили, фалсафа, риёзиёт, маоний ва баён, фикҳ, калом илми, тафсир, ҳадис, усул ва тасаввуф тарихи фанлари киритилган эди.

Бобурийлар даврида таълим ва тарбияга бундай қизиқиш юқори ва ўрта табақага мансуб аёлларни ҳам илму фандан баҳра олишга йўлларди. Сарой шаҳзодаларининг хонимларидан Гулбаданбегим, Нуржаҳон бегим ва Зебуннисо бегим каби аёллар таълим ва тарбия кўрган ва олий истеъдодли муаллиф ва шоиралар бўлиб етишганлар.

Эронлик олим Муҳаммад Муиннинг ёзишича, Аврангзеб Ҳиндистонда Темурийлар сулоласининг энг машҳур ва иқтидорли подшоҳи эди. Аврангзеб Ҳиндистон империясини ўз ғалабалари, назм ва тартибли идораси билан юксак даражага кўтарди.

Тарихшунос Аврангзеб ҳақида қуйидагидек фикр билдирган: “Аврангзеб худбин ва мутаассиб бўлганда ҳиндларга сарой аъёнлари сифатида жой берармиди? Ҳиндлар дини ва мазҳаблари ва жамоаларига ер, сув тортиқ инъом этармиди? Аммо Аврангзеб бу ишларнинг ҳаммасини қилди”.

Бобурийлар Ҳанафий мазҳабда бўлганликлари учун ўз ҳокимиятлари даврида Ҳиндистон мусулмон-

ларининг расмий мазҳаби бўлмиш ушбу мазҳаб тараққиётига ҳисса қўшиб келдилар.

Аврангзеб Оламгир кўрсатмалари асосида “Фатовойи Оламгирий” номли йирик ҳуқуқий мажмуа ҳам ўша замонда ёзилди. “Ал-фатово ал-ҳиндия” номи билан шуҳрат қозонган мазкур ҳуқуқий кодекс Ҳиндистондан ташқари Низомуддин Бурҳонпурий раҳбарлигидаги 24 олимдан таркиб топган бир илмий ҳайъат томонидан таълиф этилиб, ундаги фикҳий ҳукмлар классик услубда тартибга солинган. Азиз Аҳмаднинг фикрича, ушбу фатово ниҳоят мўътабар ва ишонарли бўлиб, Ҳанафий мазҳабининг классик фикҳий манбаларига асосланган. Ушбу китоб урду тилига таржима қилиниб, 1889 йили Лахнавада нашрдан чиққан. Шунингдек, унинг арабча матни икки марта Мисрда нашр этилган. Иккинчи наشري 1310 ҳ.й.да Бўлоқ босмахонасида амалга оширилган.

“Фатовойи Оламгирий” тўрт жилдан иборат бўлиб, уч ярим минг бетдан кўпроқ ҳажмга эга. Ундан бир неча нусха Абу Райҳон Беруний номли Шарқшунослик институти кутубхонасида ҳам мавжуд бўлиб, турли вақтларда турли китоблардан кўчирилган. Биринчи ва иккинчи жилд настаълиқ ёзувида, учинчи ва тўртинчи жилдлар насх ёзуви билан кўчирилган.

Муаллифлар мазкур асарни тўплаб ёзишда олтидан ортиқ фикҳий мўътабар манбаларга асосланганлар. Ҳукмларни танлашда замон, макон ва давр талабини назарда тутганлар. “Фатово”ни ёзишда тўғридан-тўғри фойдаланилган манбалар сони кўп бўлса ҳам, биз улардан айримларини эслатиб ўтамиз: Бурҳонуддин Марғилоний ёзган “Ал-Ҳидоя” китоби ва унинг устидан ёзилган кўп сонли шарҳлардан қуйидаги олтига асар: “Анниҳоя” (ас-Сигноқий ал-Ҳанафий), “Ал-кифоя” (Маҳмуд ибн Убайдуллоҳ ибн Маҳмуд асари), “Ал-иноя” (Аҳмад ибн



Уструшарий асари), “Фатҳ ул-қадир” (Ибн Ҳумом ал-Ҳанафий асари), “Ал-Айний” (Маҳмуд ибн Аҳмад ал-Айний асари), “Миърож уд-дироя” (Муҳаммад ибн Муҳаммад ал-Бухорий ас-Саккокий асари). Шунингдек, фахр ул-ислом ал-Марғилоний Қозихон ёзган “Фатовойи Қозихон”, Абуллайс Самарқандий ёзган “Хизона ул-фикҳ”, “Ал-Баҳр-роиқ”, “Агтаҳовий”, “Шарҳ ул-мабсут” ва бошқалар.

Мажмуа мусулмон ҳуқуқининг барча тармоқларини қамраб олиб, Абу Ҳанифа томонидан “Ил мул-фароиз” деб аталиб, алоҳида бир фан сифатида тартибга солинган мерос масалалар ҳам тўртинчи жилдининг охирида “Китоб ул-фароиз” унвони остида муфассал суратда берилган.

“Фатово” 58 китобдан иборат бўлиб, ҳар китоб турли боблар ва фаслларга бўлинган. Боблар сони 700 га етиб боради ва ҳар бир бобда бир муайян соҳага боғлиқ ҳуқуқий масала ўз ечимини топган.

Юқорида номи зикр этилган ҳиндистонлик олим Азиз Аҳмад “Ҳиндистонда исломий тафаккур тарихи” китобида “Фатовойи Оламгирий”ни юксак баҳолаган ҳолда, унга қуйидаги танқидий фикр билдирган: “Ушбу мажмуада барча қонуний даъволарга тегишли бўлган ҳукмлар ва фармонлар суннатий (анъанавий) хусусиятга эга бўлган бўлса ҳам, ҳукуматнинг ички ишлари ва жинойтга тегишли бўлган қонунларини текширишда кўпроқ амалий аҳамиятга эга бўлган йўналиш берилган. Шунингдек, мазҳабий маросимларга тегишли қонунлар, шахсий ва ижтимоий ҳаётга боғлиқ бўлган масалалар орасидаги чегара ибҳом пардасига ўралган”.

Лекин шунини унутмаслик керакки, “Фатовойи Оламгирий” умумий ҳуқуқий кодекс бўлиши билан бир пайтда, 15 та маҳзар ва сижил, яъни суд қарорларини қайд этиш, турли муомалалар бўйича ҳужжатлар, қарз олиш, қарз бериш, ширкат тузиш, даъ-

воларни юритиш бўйича амалий кўрсатмалар ҳуқуқий меъёрларга мослаштириб берилади.

“Китоб ул-ҳиял” 29 фаслдан иборат бўлиб, унда ҳийлаи шаръия турлари, яъни ўз ечимини топмаган айрим ҳуқуқий муаммоларни қонуний тадбир орқали қандай қилиб ечиш мумкинлиги ҳақида асосий манбаларга таянган ҳолда сўз юритилади.

Китобнинг насх хати билан кўчирилган учинчи жилди нозик ипак қоғозга кўчирилган бўлиб, биринчи ва иккинчи бетлари чиройли қилиб олтин чизиқлар тортилиб, фасллар ва боблар, унвонлар қизил сиёҳ билан ёзилган.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, “Фатовойи Оламгирий” мусулмон ҳуқуқи илмини яхши билган иқтидорли ўзбек императорининг назари остида ёзилган кенг тармоқли ҳуқуқий мажмуа сифатида Бобурийлар давлатчилиги ривожининг муайян бир босқичда, ижтимоий ҳаётнинг турли соҳаларидаги турли ҳуқуқий нормалар, жамият аъзоларининг ўзаро иқтисодий, ижтимоий ва маданий муносабатларини белгиловчи меъёрларни ўзида қамраб олган. Шунингдек, “Фатово” суд юритиш ишлари, мерос ва васият муаммоларини ечиш бўйича катта назарий ва амалий аҳамиятга эга. Ушбу қимматли асар кўп сонли “Фатово”лар орасида катта эътибор касб этиб, урду тилига таржима ва нашр этилгани шундан далолат беради.

Фикримизча, ушбу ҳуқуқий кодексни ҳар томонлама ўрганиш, уни ўзбек тилига таржима қилиш, шарҳ ва нашр этиш Ўзбекистон ҳуқуқшунослари олдига турган вазифалардан бири ҳисобланади. Биз аминмизки, ушбу ҳуқуқий мажмуа келажакда буюк ўзбек давлатида ҳуқуқий тизимни ривожлантириш ва қонун тузиш системасини такомиллаштириш, айниқса, ҳуқуқий атамаларни бойитиш учун катта манба бўлиб хизмат қилади.

Биз мақоламизни америкалик олимлар Мажид Хаддурий ва Ҳарберт Ж.Лебислар тўплаган “Ислом-да ҳуқуқ” номли китобида ушбу “Фатово” ҳақида билдирилган фикр билан тугатамиз: “Кўрагоний императори Оламгир даври (1658-1707)да Ҳиндистон бўйича барча исломий қонунларни амалда тадбиқ этиш учун қисқа муддатли бўлса ҳам бир муҳим фаолият бошланади. Буюк император Акбарнинг қисқа муддатли мазҳабий тажрибасидан кейин, бу ўринда ҳам Ҳанафий мазҳабининг қоидаларига асосланиб иш олиб борилди ва император ҳукмига биноан қадимий асарларга (ҳуқуқий манбаларга) асосланиб кўп “Фатово” китоблари тўпланиб, унинг номи билан шуҳрат қозонди. Бундай мисол ва намуна, яъни бир шаҳзоданинг расмий мазҳабий ишлар билан қизиқиб, ҳуқуқий асарлар ҳомийси сифатида иш юритиши тақрибан Оламгирга хос бўлиб, ўз ўрнида беназир эди. Шариат (ислом қонунчилиги)нинг кучли нуфузи, император Оламгир бошлагандек, Ҳиндистонда инглизлар назорати даврига-ча амалда давом этиб келди” (91-бет).

*У.Уватов  
(Ўзбекистон)*

## **“ТЕМУР ТУЗУКЛАРИ” МАККАДАМИКАН?**

Соҳибқирон Амир Темур ҳазратлари йирик давлат арбоби, илм-фан ва маданиятнинг оташин ҳомийси, буюк саркарда сифатида жаҳон миқёсидаги улуғ сиймолардан биридир. Шу боисдан ҳам унинг ёрқин ҳаёти, ибратларга тўлиқ жўшқин фаолиятига бағишланиб илм-фан, адабиёт ва санъат аҳдлари томонидан кўплаб асарлар яратилган ва яратилмоқда. Дунё халқларининг турли тилларида хилма-хил нуқтаи назардан туриб битилган бундай асарлар ҳазрат

Амир Темур ҳаётининг турли қирралари, у амалга оширган буюк ишлар моҳиятини бутун бўй-басти билан англаш имконини беради. Бу жараёнда Соҳибқиронга бағишлаб араб тилида битилган асарлар, илмий тадқиқотлар ҳам муайян аҳамиятга моликдир. Ушбу фикримизга мисол тариқасида ливанлик олим Мазҳар Шиҳобнинг “Темур” (унинг даври, ҳаёти ва фаолияти) номли йирик тадқиқотини кўрсатиш мумкин. Бу илмий тадқиқот (асар, бизнингча, ҳозирча китоб шаклида нашр этилмаган, биз яқинда мазкур тадқиқотдан фотонусха олишга муваффақ бўлдик) ўз мазмун-моҳияти ва Соҳибқирон ҳақида келтирилган маълумотларнинг ранг-баранглиги ва бойлиги жиҳатидан ҳақиқий фундаментал тадқиқотлардан биридир. Бу мавзуга оид араб, форс ва турк тилларидаги турли асил манбалар ҳамда Фарбу Шарқда яратилган кўплаб илмий тадқиқотларга асосланиб ёзилган ушбу тадқиқот, таъбир жоиз бўлса, Амир Темур бобомизнинг ҳаёти ва фаолияти ҳақидаги ўзига хос бир қомусдир.

Ушбу тадқиқотни ҳар томонлама, чуқур ўрганиш, шубҳасиз, Соҳибқирон ҳазратлари ҳақида кўп янги маълумотларни беради. Шуларни эътиборга олиб, ушбу мақоламизда араб олимининг “Темур тузуклари” ҳақида келтирилган маълумотларини қисқача шарҳлаган ҳолда арабчадан ўзбек тилига ўтириб, ҳурматли ўқувчиларимиз эътиборига ҳавола қилишни лозим топдик. Чунки, бу масала анчадан буён бир қадар мунозарали бўлиб, ҳозиргача олимлар ўртасида турли фикрлар билдирилмоқда. “Темур тузуклари” ким томонидан ёзилган, Амир Темурнинг ўзлари ёзганми ёки айтиб туриб унинг тилидан муншийлар ёзганми, ёинки Соҳибқирон вафотидан кейин бошқа бир шахс томонидан битилганми, деган масалалар илм аҳлиарию тарихчилар ўртасида ҳар хил

мувоҳасаларга сабаб бўлганлиги маълум. Шу нуқтаи назардан қаралса, араб олими Мазҳар Шиҳоб ўзининг ушбу тадқиқотида “Темур тузуклари” ҳақида келтирган маълумотлари айниқса диққатга сазовордир. Кези келганда яна айтиш керакки, бу масала хусусида сўнгги йилларда ҳам қатор олимлар ўз фикрларини билдирганлар. Хусусан, ҳурматли олимимиз, академик Б.Аҳмедов “Темур тузуклари”нинг 1991,1996 йиллари Тошкентда чоп этилган ўзбекча нашрларига ёзган сўзбошида “Темур тузуклари”нинг тарихи ҳақида олимлар ўртасида ҳозиргача мавжуд бўлган хилма-хил фикрларни умумлаштириб илмий асосланган муҳим хулосалар келтирган. Араб олими Мазҳар Шиҳоб “Темур тузуклари” ҳақида келтирган маълумотлар ҳам аксар ҳолларда шу йўсинда бўлиб, лекин унда баъзи бир аниқ фактлар келтирилганки, шубҳасиз, уларни атрофлича, чуқур ўрганиш фойдадан холи бўлмас, деб ўйлаймиз.

Жумладан, “Темур тузуклари”ни ҳозирги вақтгача барча нашр ва бошқа тилларга таржималари учун асосий манба ролини ўтаб келаётган Абу Толиб ал-Ҳусайний томонидан бажарилган форсча таржима-сидан қоникмаган Ҳиндистонда ҳукм юритган Те-мурий султонлардан Шоҳ Жаҳон уни қайтадан кўриб чиқишни Муҳаммад Афзал Бухорий деган истеъдодли (бу шахсни Ч.А.Стори Муҳаммад Афзал бин Тарбийатхон Бухорий деб келтиради) олимга топширади. Доктор Мазҳар Шиҳоб эса ушбу шахсни исмини “Муҳаммад Ҳифз ал-Бухорий” деб келтириб, уни султонга яқин кишилардан бири ва унинг муаллими (устози) эди, деб таърифлаган.

Яна бир муҳим гап. Адабиётларда Абу Толиб ал-Ҳусайний “Темур тузуклари”нинг туркий асл нусхасини Яман ҳокими Жаъфар Пошанинг кутубхона-сидан топиб қўлга киритган деган фикр бор. Тўғри,

шундай бўлиши ҳам мумкин. Лекин аслида “Ўрта Осиёлик (Турбатлик) бўлган Абу Толиб ал-Хусайний узоқ Яманга нима сабабдан бориб қолган?” деган ўринли ва мантиқий савол ҳам туғилади. Бинобарин, бу масалага ҳам Мазҳар Шиҳоб ўз тадқиқотида келтирган маълумотлар муайян ойдинлик киритадики, эҳтимол, келажақда унинг бу ёзганлари янги изланишлар учун туртки бўлар. Гап шундаки, етук сиёсатдон ва салтанат соҳиби сифатида танилган Яман ҳокими Жаъфар Поша (эътибор қилинг — у Яманда ҳукм юритган усмоний турк ҳокимларидан бири эди) илм-маърифатни қадрловчи ўта зиёли инсон бўлиб, у 1607-1612 йилларда ҳокимият тепасида турган.

У ҳокимиятдан туширилгач, тахт учун кураш бошланиб кетиб, Жаъфар Поша ҳам бу жараёнда иштирок этган. Бу кескин кураш 1616 йилгача давом этиб, охири вазият Жаъфар Поша ўз кутубхонасидаги китобларини олиб муқаддас шаҳарлардан бири — Макка ёки Мадинага кўчиб ўтиб, унда яшаган. Олим Мазҳар Шиҳобнинг ёзишича, мана шу йилларда Ҳижози шарифга ҳаж фарзини адо этиш учун зиёратга келган Абу Толиб ал-Хусайний (у 1625 йили Техронда вафот этган) айни шу муқаддас шаҳарларнинг биринида “Темур тузуклари”нинг асл туркий нусхасини қўлга киритишга муяссар бўлган. Араб олимнинг бу фикри ҳақиқатга яқинроқ, дейиш учун муайян асослар бор. Чунки, жумлаи жаҳон мусулмонлари учун нафақат саждагоҳ ҳисобланган муқаддас шаҳарлар Маккаи Мукаррама ва Мадинаи Мунаввара азалдан турли мамлакатлардан келган илму ирфон аҳллари ва олимларнинг ўзаро мулоқотлари, асарлар ва фикрлар алмашинувлари учун қулай ва муносиб маърифат маскани вазифасини ҳам ўтаган. Булардан ташқари доктор Маҳзар Шиҳоб асарида бу мавзуга доир

эътиборга молик қатор муҳим маълумотлар борки, бағри кенг ўқувчиларимизнинг ўзлари улардан қуйидаги таржима орқали тегишли хулосалар чиқарадилар, деган умиддамиз.

Албатта, мазкур масала ўта мунозарали бўлиб, ҳали у ҳар томонлама, чуқур илмий асосда ўрганишни тақозо қилади. Бинобарин, унинг кўп жиҳатлари хусусида қатъий фикрлар билдириш учун асосли далиллар керак. Чунончи, бу ўта муҳим ва зарурий иш кўп масалаларга аниқлик киритибгина қолмай, буюк бобокалонимиз Амир Темур ҳазратларининг йирик давлат арбоби, илм-фан, маданият ҳомийси, беназир моҳир саркарда сифатида жаҳон тарихида тутган юксак мақомларини белгилашда салмоқли ҳисса қўшади. Мана шу эзгу истагу ниятлардан келиб чиқиб, араб олими Мазҳар Шиҳобнинг “Темур тузуклари” хусусидаги маълумотларини муҳтарам ўқувчиларимиз диққатига ҳавола этишга жазм қилдик.

## АЛ-МАЛФУЗОТ ВА АТ-ТАНЗИЙМОТ

Амир Темур даврида давлатни идора этишда қўлланилган маъмурий ва ҳарбий қонун-қоидалар ва тартиботлар мажмуаси ҳамда Соҳибқироннинг эсдаликларини ўзида мужассам қилган бир асар ёзилган бўлиб, Амир Темурнинг қаламига мансубдир. Ушбу асарнинг эсдаликлардан иборат бўлган биринчи қисми ал-Малфузот номи билан Амир Темур давлатининг маъмурий ва ҳарбий тартиботлар тавсифоти ва қонун-қоидаларини ўзида ифода қилган, иккинчи қисми эса, Тузуклар номи билан машҳур эди. Бу сўз (яъни тузуклар) мўғулча ибора бўлиб, ушбу лафзнинг муаннасини (женский род) кўплик сийфаси ва олим Буфаннинг таърифи билан айтадиган бўлсак, улар

мўғулий қоидалар ва урф-одатларга Амир Темур киритган қўшимчалардан иборатдир. Қачонки, бу малфузот энг аввало ўзи таълиф этилган туркий чига-тойдан форс тилига таржима қилинганда мутаршим икки арабий сўз (малфузот ва тузукот)ни ўрнига кўчма маънода “дастур ул-амал” иборасини қўллаган. Чунки, бу ибора мазмунан тузукларга муқобиллигига унинг ишончи комил бўлган. Инглиз олими Шарле Стюарт эса “ал-Малфузот”ни инглизчага ўтирганда, ушбу иборанинг ўрнига инглизча икки калимани (Rules ва Regulations) бирга ишлатган.

Мазкур ал-Малфузотнинг ўзида қайд этилганидек, Амир Темур 1370 йилда салтанат тахтига ўтиргач, ўзидан аввал кенг кўламда қўлланилган эски услублар ва қоидалардан батамом халос бўлгандан кейин, давлатни идора этиш бўйича қонун-қоидалар жорий қилди ва ушбу қонун-қоидаларни тартиб билан қайд қилиб нашр этишни буюрди. Унинг муқаддимасида Амир Темур алоҳида эътибор билан ўз олдида қўйган асосий мақсади баён қилинган бўлиб, бу келажакда ҳокимиятни эгаллаганларида давлатни идора этиш ва салтанат юритиш услублари билан ўз фарзандлари ҳамда набираларини таъминлашдан иборат эди. Шу боис, ушбу қоидаларнинг энг аввалини “...фарзандларим ва амирларимга...” деган сўзлари билан бошлади. Ушбу муқаддимада, шунингдек, Амир Темурнинг “Ушбу эсдаликларимни ажодларимдан содир бўлаётган амр ила туркий чига-той тилида китобат этдим. Бу (хайрли) иш Оллоҳи таолонинг мусоадаси (кўмаги), пайғамбаримиз Мухаммад алайҳиссалом ва у зоти шарифнинг издошларининг ҳифзи-ҳимояти ила тамомига етди. (Оллоҳнинг инояти ила) подшолик тахтига ўтириб, мамлакат ҳукмига етишишда омад менга кулиб боқди. Бу ютуқлар менга шижоатим, қатъий курашим ва



муҳорабаларим орқали насиб этди... Мен албатта, ушбу асосий қонун-қоидалар ва тартиботларга қатъий амал қилдим. Ишончим комилки, менинг набираларимдан бир қанчаси келажакда албатта салтанат тахтига ўтиради. Шу боисдан ҳам мен ўзим тартиб берган ушбу ҳикматларни улар учун деб тўшладимки, улар ушбу қонунлар ва тартиботларга иқтидо этиб, уларга таяниб иш юритадилар. Чунончи, мен ўзим арши аълонинг ҳимояти, дини Муҳаммад ва Ол ал-байтнинг фазли карами билан ушбу ҳикматлар ёрдамида турли-туман хавф-хатарлар, изтироблию машаққатли дамлардан эсон-омон ўтдим...”

**“Тузуқлар”нинг аҳамияти.** Малфузот ва Танзиймотларнинг аҳамияти юқоридаги катта баҳодан аён бўлаётирки, улар орқали Амир Темурнинг руҳий (нафсоний) ва шахсий сифатлари ўз аксини топади, унинг фикр-мулоҳазаларини тасвирлаб, у олиб борган сиёсий фалсафани ифода этади, шунингдек, улар сиёсий ва ҳарбий соҳаларнинг турли жиҳатларида Амир Темур тугган йўлга таъсир кўрсатган ҳақиқий сабабларни очиб беради. Бунга қўшимча уларда Амир Темурнинг шахсий ҳаёти, унинг фаолияти ва жангу жадаллари ҳақида бой ва хилма-хил, кўпдан-кўп муфассал маълумотларни ҳам ўз ичига оладики, бу хилдаги маълумотлар Амир Темур тарихидан сўзловчи бошқа ёзма манбаларда учрамайди. Ушбу эсдаликларда турк жаҳонгири (Амир Темур) воқеалар зикрида, уларни таҳлил этишда ва уларнинг яширин сабабларини очишда Соҳиб алҳаққ ал-аввал (асл ҳақиқатни сўзловчи) фикридан келиб чиққан ҳолда иш тутади. Ўз ҳаёти давомида дуч келган муаммоларни бартараф қилиш учун ўзи қўллаган буюк ва доно услубларни баён қилиш учун у ушбу воқеаларни ўз нуқтаи назаридан туриб тасвирлашга ҳаракат қилади.

**Тузукларнинг услублари:** Амир Темур эсдаликлари солномалар тартибида енгилроқ ғурурият ва фахрланиш руҳини ўзида мужассам қилган содда услубда ёзилган бўлиб, ўша даврнинг аксар муаллифларига, кенг кўламда хос бўлган Лафзий безаклардан ҳолидир. Эсдаликлар услубининг оддийлигини англаш учун Амир Темур тарихига оид мадҳияли руҳдаги калималар ва узундан-узоқ шеърӣ қасидалар билан безатилган асар яратган Шарафуддин Али Яздийнинг ёзганлари билан муқояса қилиш кифоядир.

Малфузотларда кўрсатилишича, тузуклар 771 ҳижрий (1370 милодий) йилда, яъни Темур ҳокимият тепасига келгандан кейин исдор этилган.

**Эсдаликларнинг китобат услуби.** Аммо эсдаликларнинг китобат этилиш вақти, бошқа ҳар қандай эсдаликлар мисоли зоҳир бўлишича, кетма-кет келадиган бир неча босқичларда тугалланган. Ҳозиргача Амир Темур ўзининг бу эсдаликларини ёзабошлаган вақти аниқланмаган. Лекин шу нарсани аниқ айтиш мумкинки, Эсдаликлар ёзишни Амир Темур ҳокимиятга келишидан анча муддат олдин бошлаган. Эсдаликлардаги 1362 йил воқеалари жараёни, хусусан, Барлос қабиласининг бошлиғи Ҳожа Барлос ҳақида Амир Темурнинг сўзи келтирилиши, унинг билан Амир Темур ўртасидаги рақобат кучайгани, унинг Темурни ўлдириш учун унга қарши фитна уюштиргани ҳақида айтилиши мисол бўлаолади. Бинобарин, Амир Темур ишорат қилган вақт — ”ҳозир” ибораси мантиқан шуни тақозо қиладики, ушбу хулоса 763 (1362) йилдан олдин юз берган бир қатор воқеаларга ишоратни эсдаликларга киритилиши билан ҳам тасдиқланади. Улардан аён бўлишича ҳам, ўша воқеалар эсдаликлар қайд этилган санадан муқаддам содир бўлган. Чунончи, 757 (1356) йил воқеалари жумласидан Амир Темур шундай дейди:

“Ўшанда Ҳиротни ўзим эгаллаб олишга имконим бор, деган калламга бир фикр келувди. Лекин бунга қарши фикр қилдим-у, лекин ҳарбий кучлар мени қўллаб-қувватламас, деган ўйда дарҳол бу фикримдан қайтдим. Кейинроқ тажрибамдан комил ишонч ҳосил қилдимки, менинг ўша фикрим тўғри бўлган экан”. Шунингдек, 761 (1360) йил воқеаларидан Амир Темур ўз ёшининг бу йил йигирма бешга етганлигига ишорат қилади, сўнгра ҳикоясини давом этдириб “шу вақтда отам қаттиқ бетоб эдилар”, деб таъкидлайди. Афтидан, Амир Темур эсдаликларини ёза бошлаган, деб қабул қилинаётган вақт 763 (1362) йилдан кейин содир бўлган воқеаларни ўз вақтида тадрижий қайд қилишда давом этган.

Эсдаликларнинг бошқа бандларидан шу нарса зоҳир бўладики, баъзи воқеалар айрим ҳолларда ўша воқеалар содир бўлгандан кўп — қарийб ўн йиллар ўтгач, қайд этилган. Масалан, Амир Темур 762 (1361) йили мамлакатда олий салтанатни қабул қилиб олиши ва унинг номи билан хутба ўқитиш хусусидаги халқнинг талабини рад қилганлигини зикр қилади. Халқнинг талаби бўйича унга берилган (хуқуқ) унинг танзиймотида акс этганидек, ҳоким тобеъилари унга изҳор қилган ихлосликка (жуда ҳам) ишонмаслиги ҳам керак, улар сонининг кўплигига таянмаслиги ҳам керак. Аксинча, улар билдирган ихлосликнинг орқасида бекинган сабабларини билмоғи зарур. Эсдаликларнинг бошқа бир ўрнида танзиймотларнинг баёни 771 (1370) йилда юз берганлиги зикр қилинади.

Эсдаликларда учрайдиган бир қанча далиллар унинг етиб келган шаклий ифодаси бир қанча муншийларнинг иши эканлигини кўрсатади, чунки номларда ва эсдаликларда қўлланилган таъбир услубларида ҳам, Амир Темур турли жойларда амалга ошир-

ган ишларда ва эсдаликларда қайд этилган жўғрофий номларда баъзи ихтилофлар учрайди. Мана шу фарқли далиллардан эсдаликларнинг бошланғич қисмларида Амударё “Жайхун” деб аталиб, ушбу дарёнинг номи келтирилган кўп ўринларда Жайхун аталади. Сўнгра бу ном тузатилиб, дарёнинг номи ўзи машҳур бўлган Амударё (Наҳру Аму) қолган қисмларида шу номга ўзгартирилган ва бу дарё ишора қилинган кўп жойларда шу ном (Амударё) билан аталади. Мовароуннаҳр иборасини ифодалашда ҳам айна шу ҳол юз бериб, асарнинг бошланғич қисмларида бу ном аксар ҳолда ишлатилиб, сўнгра навбатдаги қисмларида бу ном Турон ерлари (билод Турон) иборасига алмаштирилган.

Эсдаликларда мавжуд исломий таълимотлар рад қиладиган айрим фикрларнинг киритилиши баъзи ойдинликлар киритадики, бу эсдаликлар Амир Темурнинг саройида хизматда бўлган уйғур котиблари томонидан китобат этилган, деган эътиқодда бўлишликдир. Бинобарин, бир ўринда Расулуллоҳ “Оллоҳнинг вазири” (вазиру Оллоҳ) деб кўрсатилган ва у (зот)нинг зикрлари келтирилган аксар ўринларда фақат “Муҳаммад” деб келтирилиб, “Саллаллоҳу алайҳи васаллам” ёки мусулмон котибларидан одатда қабул қилинган бошқа бир ибора билан биргаликда ифода этилмаган. Ўша уйғур котибларнинг баъзилари манихеизм диёнатида бўлиб, Ибн Арабшоҳ ҳам Амир Темур тобеъларидан кўплари ислом динига кирмаганликларини кўрсатиб ўтган. Бу ҳолда шундай эҳтимоллик кучаядики, эсдаликларнинг асл тили турк тили бўлганки, қайсики бу тилда уйғур котиблари яхши сўзлаб, ёзганлар. Тузукларда шу нарсага ишорат қилинганки, Темур давлатидаги бош девоннинг вазифаларидан бири — содир бўлаётган воқеаларни қайд этишга раҳбарлик қилиш ва сўнгра

қайд этилган ушбу ҳодисалар хусусида фикр олиш учун улар Амир Темурга тақдим қилинарди. Аёнки, воқеаларни бу зайлда қайд этиш, Амир Темур 771 (1370) йилда ҳокимиятга келгандан кейин жорий этилган эди. (Бундан) зоҳир бўлаётирки, Амир Темур ушбу йилдан эътиборан давомли йиғинларда ундан олдин (ўтмишда) ўзи билан содир бўлган воқеаларни ҳикоя қилиш билан машғул бўлган. Эҳтимол, мана шу ҳикоя қилиш эсдаликларни “малфузот” деб аташга сабаб бўлгандир. Бу ишда Амир Темур ўз хотирасига ёки бўлмаса ўзи олдин ёзиб олганига таяниб иш тутарди. Бахшилар Соҳибқирон уларга ҳикоя қилганларини ёзиб олардилар. Қатор ҳолларда Амир Темур аввал бўлиб ўтган воқеаларга ҳам ишорат қиларди. Улардан ҳар бири бу ишни китобатдаги ўз фикр-мулоҳазаси, эътиқоди ва услубига муносиб кўрган ҳолда бажарарди. Баъзан эса бир неча кунлардан кейин Амир Темур малфузотларини эшитишга мутасадди этилган котибларни алмаштириш ҳоллари ҳам учрарди. Бу ҳол услубда зоҳир бўладиган ихтилофлар ва тушунчаларга ишорати ҳамда эсдаликларнинг баёнидаги баъзи ишлар билан изоҳланади.

**“Тузуқлар”нинг форсча таржимаси.** Шуни ҳам айтиш керакки, малфузотлар Амир Темур ўзи чигатой туркийчада имло қилган асл тилида бизгача етиб келмаган бўлиб, балки ундан форс тилига қилинган таржимаси етиб келган. Ҳиндистонда яшаган инглиз зобитларидан бири майор Дэви 1779 йилда ушбу асарнинг форсча бир нусхасини топиб, кўлёмани ўзи билан Англияга олиб келади. Ушбу нусхага ёзилган муқаддимадан маълум бўлишича, уни форс тилига таржима қилган Абу Толиб ал-Ҳусайний бўлиб, унда мутаржимнинг қуйидаги сўзлари келтирилади: “Аммо баъд: Оллоҳи таолонинг раҳматига ҳожатманд

Абу Толиб ал-Ҳусайний икки олий ҳиммат муқаддас (ал-ҳарамайн ал-ашрафайн — Макка ва Мадинадаги икки муқаддас масжид кўзда тутилаётир) масжид паноҳига етишга ижозат ҳосил бўлганлигини юксак қадрлайди. Яман ҳокими Жаъфар Пошанинг кутубхонасида туркча қадимий бир китобни кўрган-димки, у жаннат сокини Оллоҳ мағфирати ёғилғур марҳум Соҳибқирон ҳазрат олийларининг малфузотлари бўлиб, унда етти ёшларидан то етмиш бир ёшларигача ҳаётлари баён этилганди... Унинг туркий ва арабий алфозларию иборалари тушунишдан узоқ, чунончи, тарқоқ ва паришон бўлганлигидан мен уни форс тилига ўгирдим. Илойим Оллоҳи таоло Соҳибқирон ас-соний ҳазрати хоқони олийларини давру давроннинг турли ҳодисаю воқиятлардан комил сифатлари билан ўз ҳифзи-ҳимоясида сақласин ва бу одил султоннинг салтанати сояси ва унинг адолатини барча оламлар сарҳадларида зоҳир қилсин!”

Ушбу асарни форс тилига таржима қилган Абу Толиб ал-Ҳусайнийнинг бу эсдаликлар Амир Темурнинг етти ёшидан етмиш бир ёшигача (яъни унинг ҳаётининг охиригача) бўлган ҳаётини қамрайди, деб тасдиқлашига қарамасдан, инглиз зобити майор Дэви Ҳиндистонда топиб Англияга олиб келган нусха эса Амир Темур ҳаёти ҳақида ҳикоя қилиб, унинг 1336 йилда таваллуд топганидан бошлаб қирқ бир ёшга етганига қадар (1375 йилгача) келиб тугайди, яъни турк фотиҳининг ҳаётидан қолган ўттиз йили ҳақида ҳеч бир маълумот келтирилмайди. Бинобарин, Амир Темур малфузотларини форс тилига ўгирган мутаржим Абу Толиб ал-Ҳусайний ҳақидаги маълумотлар ҳам, ушбу таржима жараёни ва бунга туртки бўлган омишлар хусусидаги ҳолатлар ҳақидаги маълумотлар ҳам узоқ йиллар мобайнида жуда оз ва ноаниқ бўлиб келди. Ва, ниҳоят, Амир Темур малфузотларининг

Абу Толиб ал-Ҳусайний томонидан форс тилига қилинган таржимасидан бошқа форс тилига ағдарилган икки нусхаси топилгунга қадар бу ҳол шу зайлда давом этди. Улардан биринчи нусхани Ҳиндистонда хизматда бўлган инглиз зобитларидан бири Деҳлидаги мусулмон султонларининг набираларининг биридан олишга муваффақ бўлади, шу боисдан ҳам мазкур нусха “султоний нусха” номи билан аталади. Малфузотнинг иккинчи нусхаси ҳам Деҳлида топилиб, уни ҳам инглиз генералларидан бири Британияга олиб кетади. Янги топилган ушбу икки нусха 1830 йилда Англияга олиб кетилади, уларнинг қимматли томони шунда эдики, нусхалар Амир Темурнинг малфузотларини тўла-тўқис қамраган бўлиб, улар Соҳибқирон ҳаётини охириги йилигача ҳикоя қиларди.

Амир Темур малфузотларини Абу Толиб ал-Ҳусайний бажарган форсча таржимасини инглиз тилига ўтиришда (1830 йил) қатнашганлардан бири Чарльз Стюарт кейин топилган янги икки нусха Британияга келтирилгач, танишиб чиқиб, улар бир таржиманинг икки нусхаси эканлигини аниқлади. Бу таржима Ҳиндистонда салтанат юритган Темурий султонлардан бири бўлган Шоҳ Жаҳоннинг (1627-1658 йилларда) даврида саройда хизматда бўлган мансабдор шахслардан бири томонидан қилинган эди. Ушбу таржимани бажарган шахснинг исми Муҳаммад ал-Бухорий бўлиб, Ч.А.Стюартда (Персидская литература, *Т.П.* 756-стр.) негадир бу шахс Муҳаммад Афзал бин Тарбийатхон Бухорий деб келтирилган. У султоннинг ўзига тарбиячи вазифасида бўлган. Ўз таржимасига келтирган муқаддимасида Муҳаммад Ҳифз ал-Бухорий ўзини “подшоҳ саройининг энг кичик хизматкори” сифатида тавсифлайди. Мутаржиманинг ёзишича, султон Шоҳ Жаҳоннинг амрига биноан ушбу таржимани у 1637

йилда амалга оширган. Унинг таъкидлашича, фақат Абу Толиб ал-Ҳусайний қилган таржимани қайтадан кўриб чиққан. Чунки Абу Толиб ал-Ҳусайнийнинг таржимаси билан танишган султон Шоҳ Жаҳонга у маъқул бўлмаган. Шу боисдан ҳам Муҳаммад Ҳифз ал-Бухорий янги таржимада ўзидан талаб қилинган барча тузатишларни амалга оширишга кўп жидду-жаҳд кўрсатган. Шу мақсадда мутаржим Амир Темур ҳаётига бағишлаб тарихчи Шарафуддин Али Яздий ёзган “Зафарнома” асари билан малфузотда келтирилган маълумотларни солиштириб чиққан. Абу Толиб ал-Ҳусайний ўзидан кўшган ортиқча баёнларни чиқариб ташлаб, аксинча, унинг томонидан қолдирилиб кетилган айрим хабарларни киритди. Шу залда малфузотлар Шарафуддин Али Яздий “Зафарнома”сига тўла-тўқисмос ҳолга келтирилди.

**“Тузуқлар”нинг инглизча таржимаси.** Абу Толиб ал-Ҳусайний томонидан Эсдаликларнинг аслидан форсчага ағдарилган таржимани 1779 йилда Ҳиндистондан Англияга олиб келган майор Вильям Дэви унинг бир қисмини инглиз тилига таржима қилди. Мазкур қисм Амир Темур давлатида қўлланилган аҳкомлар ва танзиймотларни ўзида мужассам этган бўлиб, бу қисм “Темур тузуқлари” номи билан машҳурдир. Эсдаликларнинг ушбу қисми форсий тўлиқ матни билан 1783 йилда Оксфорд университетида профессор Дж.Уайт раҳбарлигида нашр этилди.

Эсдаликларнинг қолган қисми эса майор Чарльз Стюарт томонидан малфузотларнинг янги топилган икки тўлиқ нусхаси Англияга келтирилган 1830 йилнинг ўзидаёқ инглиз тилига ўгирилиб, Лондонда нашр этилади. (Бундан олдинроқ) майор Чарльз Стюарт Абу Толиб ал-Ҳусайнийнинг форсча нусхасидан инглиз тилига таржима қилишда талай ишни



базариб қўйган эдики, шу боисдан ушбу икки нусхани ва Шарафуддин Али Яздий ўз “Зафарнома”-сида ёзгани билан солиштиришнинг ўзи кифоят бўлди. Мана шу аснода у Муҳаммад Ҳифз ал-Бухорий таржимасининг муқаддимасида ишорат қилиб кетган янги (султоний) нусхага киритилган аксар қўшимчалар Шарафуддин Али Яздийнинг “Зафарнома” асаридан олинганлигига ишонч ҳосил қилди. Шунингдек, унда турк фотиҳининг ҳаётига доир баъзи жузъий воқеалар шарҳи, Соҳибқироннинг сунний мазҳабига эътиқод қўйганлигини кўрсатувчи қатор далил ва исботларни ҳам учратди. Шуларга биноан, Чарльз Стюарт ушбу султоний нусхани таржима қилишга ўзи қодир эмаслигини англаб, Лондондаги Шарқ тилларидан таржима қилиш қўмитасига хат йўллаб, ушбу асарнинг таржимасини бошқа киши зиммасига топширилишини сўради. Шу билан бирга у Абу Толиб ал-Ҳусайнийнинг форсча нусхасидан бажарган таржимасига кейин топилган султоний нусхадан қилган тўрт кичик лавҳалар таржимасини ҳам илова шаклида қўшиб, қўшимча деган сарлавҳа остида қўмимага юбориш билан чегараланди. Бу тўрт лавҳа Амир Темур ҳаётининг охири кунларини акс этдириб, унинг ўз фарзандлари ва набираларига ҳамжиҳат бўлиб бирлашиш ва ўзаро ихтилофларга йўл қўймаслик хусусидаги васиятларини (биринчи ва иккинчи лавҳалар), учинчи лавҳада Амир Темур набираси Пирмуҳаммадни ўз воҳиси қилиб тайин этишдаги рағбатини билдиради. Тўртинчи лавҳада Соҳибқирон бутун ҳаёти давомида ўзи ёзиб борган аҳкомлар ва танзиймотларга амал қилишни, ушбу аҳкомлар ва танзиймотларни илова тариқасида ўз малфузотларига киритишни ўз набираро авлодларидан илтимос қилади. Шунингдек, улардан ўз ҳаётининг охири лаҳзасигача содир

бўлган барча воқеаю ҳодисаларни ушбу Эсдаликларга қўшимча қилишларини сўрайди.

**“Тузуклар”нинг французча таржимаси.** Француз шарқшуноси Л.Лангле 1787 йилда Эсдаликларнинг Абу Толиб ал-Ҳусайний нусхасидан “Тузуклар” қисмини француз тилига таржима қилиб, уни “Муассасот Темурланг ас-сийасийа ва-л-аскарийа ва-л-латий дуият би-забти Таймур йактуби би-нафсиҳи бил-муғулиййа, манқула аън таржимати Аби Толиб ал-Ҳусайний ал-форсиййа ила-л-франсиййа маъ ҳаёт ҳазо-л-фотиҳ ат-туркий камо катабаҳо афзалу ал-куттоб аш-шарқиййн маъ мулоҳазат ва жадавил тарийхиййа ва жуғрофиййа... мин қибал Ланглэ” деган узундан-узоқ сарлавҳа остида Парижда нашр қилди. Ўзининг бу ишига мутаржим (*Л.Ланглэ*) берган номдан ҳам зоҳир бўлаётирки, мазкур таржима фақатгина “Тузуклар”ни француз тилига ўтирилган таржимасидан иборат. Фотиҳнинг таржимаи ҳолига доир маълумотлар, шунингдек тарихий мазмундаги бир жадвал, жуғрофий мазмундаги бошқа бир жадвални ҳам қўшимча қилган. Нашрга ёзган муқаддимасида Л.Ланглэ мазкур таржима Дж.Уайт бундан тўрт (1783) йил муқаддам Оксфордда нашр қилган форсча матнга таянган ҳолда бажарилганлигини таъкидлаган.

**“Тузуклар”нинг аслияти хусусида.** Ҳозирги вақтда баъзи бир тадқиқотчилар икки қисм малфузот ва танзиймотдан иборат бўлган Эсдаликларни Амир Темурнинг ўзи томонидан ёзилганлигига шубҳа билдирадилар. Масалан, Э.Г.Брауннинг фикрича, Эсдаликларни форс тилига ўгирган, деб тан олинган Абу Толиб ал-Ҳусайний ушбу асарни ўзи таълиф этиб, сўнгра уни Амир Темурга мансуб этган. Асарни Ҳазрат Соҳибқироннинг ўзи ёзган деган фикрни илгари сурувчилар: “Қандай қилиб Амир Темур ушбу эсдаликлар

рини ўз ҳаётининг охирига лаҳзасигача давом этдириб, ҳатто ўз вафоти баёнини ҳам ўз қўли билан ёзиши мумкин”, деган асосли фикрда маҳкам турибдилар. Биринчи гуруҳга мансуб тадқиқотчилар: “Нега бўлмаса Абу Толиб ал-Ҳусайний ёзганидан бошқа Темурийлар даври тарихчиларининг асарларида ушбу эсдаликлар ҳақида ҳеч бир хабар келтирилмаган”, деган эътирозни ҳам рўкач қиладилар.

**Абу Толиб ал-Ҳусайний.** Тарихчи ас-Саййид Муҳсин ал-Амийн ал-Ҳусайний ал-Омилий ўзининг “Аъйон аш-шийъа” (“Шийъа мазҳабининг аъёнлари”) номли асарида (6-жилд, 443-444-саҳифалар) Абу Толиб ал-Ҳусайний деган бир шахснинг таржимаи ҳоли хусусида қимматли маълумотлар келтирган. Ушбу маълумотларга кўра, мазкур Абу Толиб ал-Ҳусайний Сафавийларнинг шоҳи Аббос ал-Кабийрга (у 1587-1629 йилларда ҳукм юритган) замондош бўлиб, имом Али Ризонинг Машҳаддаги мақбарасига мушриф лавозимини ҳам бажарган, у 1625 йилда Техронда вафот этган. Ал-Омилий асарида келтирилган маълумотлар Абу Толиб ал-Ҳусайний ўз таржимаси муқаддимасида эсдаликларни форс тилига ўгириш учун унга туртки бўлган сабаблар ҳақида зикр қилинганларига мувофиқ келади. Дарҳақиқат, Абу Толиб ал-Ҳусайний ёшлигидан форс маданий муҳи-тида улғайиб вояга етди.

Абу Толиб ал-Ҳусайнийнинг ўзи китоби муқаддимасида кўрсатиб ўтганидек, у муборак Ҳаж ибодатини адо этиш ниятида Ҳижози шарифга келганида Амир Темурнинг ушбу эсдаликларини қўлга киритишга муваффақ бўлган. Мавриди келганда яна шуни таъкидлаш жоизки, Музаккиротларнинг Оксфорд нашри муқаддимасида майор Дэвининг “Соҳибқирон ас-соний” (“Соҳибқирон иккинчи”) деб келтирилган шахсда султон Шоҳ Жаҳон назарда ту-

тилади, деб қатъий фикр билдириши ҳақиқатга мос келмайди. Чунки Абу Толиб ал-Ҳусайний, аввал зикр қилганимиздек, 1625 йилда, яъни Шоҳ Жаҳон ҳокимият тепасига келишидан (1627 йил) икки йил илгари вафот этган. Бинобарин, Абу Толиб ал-Ҳусайний ўзи амалга оширган таржима ишини Султон Шоҳ Жаҳоннинг отаси Султон Нуриддин Жаҳонгирга (у 1605-1627 йиллар давомида салтанат тепасида бўлган) тақдим қилган. Шу боисдан “Соҳибқирон ас-соний” (“Соҳибқирон иккинчи”) иборасидан Ч.Стюарт хато зикр қилганидек, султон Шоҳ Жаҳон эмас, балки унинг отаси султон Нуриддин Жаҳонгир кўзда тутилган. Яна бир гап. Жуда ҳам бўлиши мумкинки, Абу Толиб ал-Ҳусайний Ҳаж ибодатини адо этиб, ўз юртига қайтиш пайтида Ҳижозда кашф қилиб, қўлга киритган Темур музаккиротларини султон Нуриддин Жаҳонгирга (катта бобоси Амир Темурнинг эсдаликларини) кўрсатиш учун йўл-йўлакай эҳтимол Ҳиндистонни зиёрат қилган. Мана шунда (султон Нуриддин Жаҳонгир) Абу Толиб ал-Ҳусайнийга эсдаликларни ўша вақтда Темурий султонлар саройида маданият ва маърифат тили ҳисобланган форсчага ўгиришни топширган. Кейинчалик, мазкур иш тугагач, Абу Толиб ал-Ҳусайнийнинг таржимаси билан танишиб чиққан султонга ушбу таржима маъқул бўлмаган. Шундан кейин Султон ўз ҳошияларидан бири бўлган ўз устози (маънада муаллими) Муҳаммад Ҳифз ал-Бухорийдан ушбу таржимани диққат билан қайтадан кўриб чиқишни сўрайди. Муҳаммад Ҳифз ал-Бухорий ўзининг янгитдан бажарган бу ишига ёзган муқаддимасида зикр этганидек, у ушбу вазифани 1637 йилда ниҳоясига етказди.

**Яман ҳокими Жаъфар Поша.** Иккинчи томондан шуни қайд этиш керакки, Абу Толиб ал-Ҳусайнийнинг муқаддимасида ишорат қилинган Жаъфар Поша

Яманда Усмонийлар ҳокимларидан бири бўлиб, унинг ҳокимияти 1607-1612 йиллар мобайнида давом этган. Бинобарин, бу давр Абу Толиб ал-Ҳусайний Ҳаж фарзини адо этиш учун Ҳижозга сафар қилиш эҳтимол қилинаётган вақтга тўғри келади. Ҳа даврага замондош Яман тарихчиларидан бири Яхья ибн ал-Ҳусайн (1624-1687) ўз асари “Ғоят ал-аманий фи ахбор ал-Яманий” (“Яман мамлакати ҳақидаги хабарларда ўта ишончли манба”) номли асарида ҳоким Жаъфар Пошани таърифлаб, у салтанат юриштиш ва сиёсат соҳасида етук арбоб бўлишига қарамасдан, маданий ва маърифий масалаларга алоҳида завқ-шавқ билан қараганлиги ҳақида ёзади. Шу босидан, унинг саройида бир гуруҳ олимлар фаолият кўрсатиб, доимо унинг ёнида бўлганлар. Жаъфар Пошанинг бевосита раҳнамолигида Куръони Карим тафсирларидан бири топилиб, нашр ҳам этилган эди. Унинг қўлаб-қувватлаши туфайли Абу ас-Сауд деган олим “Иршод ал-ақл ас-салийм ило мазойо ал-китоб ал-карийм” номли тарихга оид муҳим бир асар ҳам яратган. Унинг мана шу тариқа маданий-маърифий ишларга катта эътибор бериши Абу Толиб ал-Ҳусайний Амир Темур малфузотларининг туркий асл нусхасини Яман ҳокими Жаъфар Поша кутубхонасидан топишига нисбатан айтган ҳикоясига мантиқан маъқул келади. Бундан ташқари, бу фикрни тўғрилигини тасдиқлайдиган бошқа қатор далиллар ҳам бор. Улардан айниқса, Яман ҳокимлигини эгаллаш борасида вужудга келган кескин рақобат вазиятини кўрсатиш мумкинки, бу жараёнда 1612 йилда ҳокимиятдан четлаштирилган Жаъфар Поша ҳам иштирок этиб, бу кураш 1616 йилгача давом этганди. Бир неча йил давом этган мана шу қалтис вазият охир-оқибатда Жаъфар Пошани ўз ганжинасида мавжуд бўлган китобларини олиб муқаддас шаҳарлар-

дан бири — Макка ёки Мадинага кўчиб ўтишга мажбур қилган эди. Бинобарин, айти шу шаҳарлардан (Макка ёки Мадина) бирида Абу Толиб ал-Хусайний Амир Темурнинг туркийча тилда ёзилган музаккиротларини асл нусхасига дуч келиб, уни қўлга киритган.

Темурийлар даврида яратилган манбаларда Амир Темурни ўзи ёзган малфузотларга ҳеч бир ишорат бўлмаганлиги хусусида шуни айтиш зарурки, ўрта асрларда яратилган аксар асарларда ўша давр одати-га кўра жуда камдан-кам ҳолларда муаллифлар ўз асарларини ёзишда таянган манбаларини зикр қилардилар. Афтидан, бу ҳолга агар асл манбалар кўрсатилса, асарнинг қийматини пасайтириб юборади, деб қаралган. Тарихчи Ҳофиз Абу гап орасида шундай бир ишоратни келтирадики, унга кўра Амир Темур Низомуддин Шомий зиммасига — у турк фотиҳининг ҳаёти ҳақидаги биринчи йирик асарнинг муаллифи — бу тарихий асарни ёзишни юклаганда, муаррихнинг тасарруфига ушбу китобни таълиф этишда фойдаланиши учун баъзи маълумотларни берган. Эҳтимолдан ҳоли эмаски, бу маълумотлар Соҳибқироннинг малфузотлари бўлиб, уларни Амир Темур айтиб турган, уйғур котиблари эса Чифатой туркийчасида унинг тилидан ёзиб олганлар. Мана шу малфузотлар Амир Темур тарихчи Низомуддин Шомий ихтиёрига топширган яккаю ягона манба бўлиб хизмат қилган. Амир Темурнинг тарихчи Низомуддин Шомийга ўз ҳаёти ҳақида бир асар яратиш хусусидаги топшириғи ҳам ғайриоддий ҳолатлардан, деб бўлмайди. Чунончи, ўз ҳаёти ва ишлари ҳақида у форс тилида битилган алоҳида бир китоб яратилишини ҳам кўпроқ хоҳлагандир. Шунингдек, Низомуддин Шомийнинг асари Амир Темур ҳаётининг охири — 1405 йил воқеаларини қамрамаганидан ҳам кўринадики, бу ҳол

муаррих ўз китобида турк фотиҳи ёши улғайганлиги ёки жуда ишда бандлиги сабабли ўз эсдаликларини ёзишдан ёки котибларга айтиб туришдан тўхтамай, қанчалик диққатини жалб қилмасин, уларга эришмаган. Афтидан, кейинроқ Низомуддин Шомийда малфузотларнинг давоми акс этган маълумотларни олишга имкон бўлмаган.

**Музаккиротлардан қисман кўчирма.** Айни вақтда, шу нарса зоҳирки, малфузотларнинг султоний нусхасидаги Амир Темур музаккиротларини ёзишда давом этганлигига — ёинки у ўз ҳаётининг охирги дамларида юз берган воқеаларни музаккиротларга кўшишларини буюрганига ишоратнинг борлиги — бу иш асосли бўлмаса керак. Шунингдек, таржимани қайтадан ишлаб чиққан Муҳаммад Ҳифз ал-Бухорийнинг ёзганига кўра, у малфузотларнинг Абу Толиб ал-Ҳусайний форс тилига таржима қилган матнига тегишли ўзгаришлар киритишда ўз хоҳлаганича иш тутган. Ўзига тегишли музаккиротларнинг мавжудлиги ҳақида Амир Темур очиқ-ойдин фикр билдирганда ва ўз ҳаётининг охирги лаҳзаларигача юз берган воқеаларни музаккиротларга киритишни талаб қилганда, шубҳасиз, бу ҳақда Темурийларнинг бошқа муаррихлари, турк фотиҳининг ҳаёти ҳақида кўп тафсилотларни ўз асарида келтирган Шарафуддин Али Яздий кабилар албатта унга ишорат қилардилар. Чунки, шундай муҳим мавзу хусуеида ишорат қилишни унутиш, ақл бовар қилмайдиган ишдир.

**Майор Дэвининг далиллари.** Майор Дэви малфузотларни Амир Темурнинг ўзига мансублигини астойдил қўллаб-қувватлайди. У бу асарни Абу Толиб ал-Ҳусайнийнинг ўзи таълиф этиб, сўнгра уни Амир Темур ёзган, деб унга мансуб этган деган фикрни умуман тан олмайди. Майор Дэвининг бу хусусдаги кўплаб далиллари ва асосли хулосалари унинг 1779

йил 24 октябрь куни Дж.Уайтга йўллаган мактубида келтирилади. Француз олими Л.Ланглэ ушбу мактубни француз тилига таржима қилиб, 1787 йили Парижда нашр қилган тузукларининг французча таржимасининг муқаддимасида таржиманинг узундан-узоқ бандларини иқтибос қилиб келтиради. Майор Дэви ўзининг узун бу мактубининг бошланишида ушбу малфузотларнинг Амир Темурга мансублиги хусусида ишончли тарихий далилга эга эмаслигини эътироф этади. Шундан сўнг, у малфузотларнинг ўзидан олган қатор далилу хулосаларни баён қиладики, унинг фикрича, бу далиллар малфузотларни Амир Темурга мансублигини тасдиқлашга тўла кифоядир. Жумладан, майор Дэви Шарафуддин Али Яздий ўзининг “Зафарнома” номли улкан асарида малфузотларга ишорат қилмаганлигини бу асарни яқкаю ягона нусхада бўлганлиги билан изоҳлайди. Амир Темур бутун ҳаёти давомида малфузотлар масаласи ўта сир ҳолда қолишига алоҳида аҳамият берган. Малфузотларни ёзиб тайёрлашдан Амир Темурнинг асосий мақсади, у вафот этгандан кейин унинг болалари ва набиралари улардан воқиф бўлишлари кўзда тутилганлигида эди. Мана шу ҳолат айнан Амир Темур музаккиротларига нисбатан “вақтинчалик” унутиш ва фаромушхотирлик кабиларни вужудга келишига сабаб бўлган эди. Бу ҳол бевосита Амир Темур вафотидан кейинги алғов-далғов пайтида ҳам айниқса, турк фотиҳи дунёдан ўтгач, унинг авлодлари ва набиралари ўртасида содир бўлган ихтилофу низолар пайтида ҳам давом этди.

Ўз далилларини давом этдириб, майор Дэви яна шуни таъкидлайдики, малфузотларда, Амир Темур ҳаёти воқеалари бошқа ёзма манбаларда келтирилгандек баён қилинишига қарамасдан, эсдаликларни (синчков) ўқувчисига муаллиф бошқа манбаларда уч-



рамайдиган ортиқча маълумотларни тақдим қилган-лигини (ўқувчи) очиқ-ойдин ҳис қилади. Бу ҳолни ўқувчи Амир Темур ҳар хил воқеаларни баён этиб, уларни батафсил таҳлил қилганда ҳам, ўз ишлари ва режаларига таъсир кўрсатган хуфиёна омиллар, асил (асосий) сабаблар ва руҳий кечинмаларини баён қилганда ҳам ҳис қилади. Мана шу воқеаларнинг муаллифи ҳам у — Амир Темур, уларни ёзиб олиб қайд қилувчи ҳам, ўз ақл-заковатию нафсонияти тақозосига кўра ушбу воқеаларни асариде келтириб ифода қилган ҳам унинг ўзидир. Шундан кейин майор Дэви ўз фикрида давом этиб, Амир Темур вафотидан кейин содир бўлган нотинчлигу низолар пайтида малфузотларнинг яккаю-ягона нусхаси қўлига тушиб қолган кишининг асил ниятини билмаймиз — бу кишининг нияти пок, ишончли эдими ёинки ғанимси-фат эдими — мана шу ҳолат Амир Темур ҳаёт пайтида (атайин) эътибор берилмай унутилган эсдаликлар хусусидаги ҳақиқат мана шунга боғлиқ бўлган.

Сўнгра майор Дэви Абу Толиб ал-Хусайний ҳақида ҳикоя қилишга ўтади. Асарнинг форс тилига таржимони Абу Толиб ал-Хусайний Жаъфар Поша кутубхонасидан топган китобининг аслият эканлигига ҳеч бир ишорат қилмаганлиги биринчи қарашда таажжубли ҳол бўлиб кўринса-да, лекин айна вақтда, мана шу фактнинг ўзи ҳам малфузотларни ҳақиқий эканлигидан далолат берувчи жиддий асосдир. Чунончи, Абу Толиб ал-Хусайний қатъий равишда малфузотларни ўзи аслиятлик омил ва далилларини ўзида мужассам этган ва бу фикрни бирон киши ҳам шакшубҳа остига қўёлмайди, деб ҳисоблаб, шу боисдан ҳам бу мавзу хусусида алоҳида тўхтаб ўтишни хаёлига ҳам келтирмаган. Шунингдек, майор Дэви, эсдаликларни Абу Толиб ал-Хусайнийнинг ўзи ёзиб, сўнгра уни Амир Темурга мансуб этган деб, баъзи даъво

қилувчиларни ҳам мутлақо қабул қилмайди. Чунки Шарқда азалдан удум бўлганига кўра, муаллифлар ўзлари ёзган китобларини сотиш ниятида китоб дўконларига намойишга қўймайдилар. Бинобарин, улар китобларининг муваффақиятига ва халқ орасида тарқалиши бу китобларни оммага сотиш учун китоб дўконларига қўйилишига боғлиқ бўлмай, балки саховатли ҳокимлар томонидан ушбу асарларни тайёрлашда кўрсатган жидду-жаҳдларига яраша молиявий мукофот билан қадрланишига муаллифлар кўпроқ эъти мод қўярдилар. Шубҳа йўқки, Абу Толиб ал-Ҳусайний агар Амир Темурнинг ҳаёти ҳақида бир китоб ёзишга қодир бўлганда эди, ҳеч вақт у ўзига нисбатан ушбу асарнинг таржимасини амалга оширган деб, таъкидлаши унинг манфаатидан бўлмаслигини яхши биларди. Чунки, бу даъво унинг меҳнати қийматини камайтириб, унинг илмий мақомига ҳам сезиларли халал етказарди. Чунончи, бу асарнинг муаллифи бўлиши билан ўзини фақат таржимони, деб кўрсатишга журъат қилиши ўртасидаги фарқ каттадир. Бунга қўшимча унинг моддий жиҳатдан ҳам катта зарар кўришлигини назардан қочирмаслик жоиз, чунончи, таржимон шу асарни ёзган муаллифга қараганда ўндан бир миқдорда кам молиявий мукофот олишлиги ҳам эътиборлидир. Шунингдек, у асарда Амир Темур номидан ҳикоя қилинганда бирликда, учинчи шахс номидан гапириши керак эди, ваҳоланки, у малфузотларда бошдан-охир бирлик биринчи шахс сийғасида (Амир Темур) номидан сўз олиб боради.

Майор Дэви яна шуни таъкидлайдики, Амир Темурнинг тўртинчи даража набираларидан бири Муҳаммад Бобурнинг ўзи “Бобурнома” деб аталадиган эсдаликлар ёзишга журъат қилиши эътиборга лойиқ бўлган бир масаладир. Ҳаётий кечмишлари ва турли-туман саргузаштларга дуч келишда бобо (Амир

Темур) ва набира (Бобур) ўртасида муайян ўхшашликлар мавжуд — орқага чекиниб қочишлару саргардонлик билан ҳокимият ва султонлик ўртасидаги ўзгарувчанлик кабилар бўлиб, масала ниҳоят 1527 йилда Ҳиндистонда мўғул (Темурий) султонлари давлатини асосчиси сифатида Бобурни Деҳли тахтига ўтириши билан яқунланади. “Бобурнома” китоби ҳам то Бобурнинг набираси султон Акбаршоҳ (1556-1605) даврининг ярмигача — асар чиғатой туркий тилидан форсчага таржима қилинмагунга қадар, фаромуш этиш ва бепарво қараш зулматида қолиб келди. На Осиёда, на Европада бирор киши Бобурнинг эсдаликларининг аслиятига эътироз билдиришга журъат қилаолмайди-ку. Ваҳоланки, бу асар ҳам “Тузуқлар” сингари унутулиш ва безътибор муносабатда бўлиш ҳолатларини бошдан кечирган!

Малфузотлар асиллигини ёқлаган фикрларини майор Дэви қуйидагилар билан яқунлайди: Ҳиндистонда яшаган пайтида у ҳинд, эрон олимлари ва тадқиқотчилари билан кўп маротаба учрашиб, мулоқотда бўлган. Бу олимлар ушбу мавзу хусусида узилкесил хулоса чиқаришда ўз имконлари доирасида Европа мунаққидларига нисбатан кўпроқ ҳақиқатга яқинроқдирлар. Бинобарин, майор Дэви ўша олимлардан биронтасида ҳам Абу Толиб ал-Ҳусайний топган асарни Амир Темурга мансублиги аниқ эканлигида заррача ҳам шак-шубҳа кўрмаган. Ўша олимларнинг ҳаммаси ҳам майор Дэвининг малфузотларнинг асиллиги ҳақидаги ҳар хил фикр-мулоҳазалари ва саволу суриштиришларини ўта таажжуб билан қарши олганлар.

**Муҳаммад Ҳифз ал-Бухорийнинг нуқтан назари.** “Темур Тузуқлари”нинг аслияти мавзусига алоқадор масалани ечишда, албатта, ҳаммадан кўра Муҳаммад Ҳифз ал-Бухорий кўпроқ ҳақли эканлиги аён-

дир. Чунки, айни шу шахс Муҳаммад Ҳифз ал-Бухорий Абу Толиб ал-Ҳусайний ушбу асарни форсчага ўтиргандан кейин кўп вақт ўтмасдан унинг таржимасини батамом қайтадан кўриб чиққанди. Бинобарин, ал-Бухорийда Абу Толиб ал-Ҳусайний ушбу асарнинг таржимони, унинг муаллифи эмас, деган ҳеч бир шубҳаланиш аломатининг йўқлигининг ўзи ҳам музаккиротнинг Амир Темурга мансублиги тўғри эканлигини эътироф қилганлигини англатади. Бу масала алоҳида аҳамият касб этишига яна бир сабаб шуки, Абу Толиб ал-Ҳусайний амалга оширган таржимага нисбатан Муҳаммад Ҳифз ал-Бухорийнинг тутган нуқтаи назари ўта салбий эди, шу боисдан ҳам у Абу Толиб ал-Ҳусайний таржимани яхши қилаолмаган, деб кучли эътироз билдирган эди. Шундай ҳолатда Муҳаммад Ҳифз ал-Бухорийнинг Абу Толиб ал-Ҳусайний музаккиротларининг таржимони эмас, балки унинг муаллифи, деб танқид қилишга тўла имконияти бор эди. Яна шу нарса равшан бўлаётирки, агар Муҳаммад Ҳифз ал-Бухорий музаккиротларининг аслияти ва унинг Амир Темурга мансублиги тўғри эканлигига ишончи комил бўлмаганда эди, турк фотиҳи ҳаёти ҳақидаги оддий бир асарга бу қадар ҳам катта меҳнат сарфлаб, уни айни шу мавзу ҳақида ҳикоя қилувчи Шарафуддин Али Яздий таълиф этган “Зафарнома” номли бошқа бир улкан тарихий асар билан батафсил солиштириб чиқмаган бўларди...

## МУНДАРИЖА

Аҳмедов Б. Сузбоши .....	3
Алеуов У. Амир Темур инсон тафаккури ва ақл фаолияти ҳақида .....	5
Рустамий А. Амир Темур зикр қилган бир байт тўғрисида .....	7
Ҳамроев Т. Амир Темур ва илм-маърифат .....	9
Бурнев О. Амир Темурнинг хорижий мамлакатлар ободончилигига қўшган ҳиссаси .....	14
Норкулов Н. Амир Темур ва китобат санъати .....	23
Юсупова М. Темурийлар даври мадраса меъморчилигига оид қайдлар .....	29
Ғоипов Н. Покистон олимлари ва ёзувчилари Амир Темур даври маданий ҳаёти ҳақида .....	37
Зоҳидов П. Буюк меъморий даҳо кароматлари .....	50
Жузжоний А. Ш. “Ғатовойи Оламгирий” — Бобурийлар давлатининг ҳуқуқуий кодекси .....	65
Уватов У. “Темур тузуқлари” Маккадамикан? .....	75

*Адабий-бадий нашр*

**АМИР ТЕМУР САБОҚЛАРИ**

**2**

Муҳаррир Ҳ. Маҳмудова  
Мусаввир А. Бобров  
Бадий муҳаррир А. Кива  
Техник муҳаррир Т. Смирнова  
Кичик муҳаррир Н. Фозилова  
Мусахҳиҳ М. Насриддинова

ИБ № 3784

Босишга 01.12.99 да рухсат этилди. Бичими 84x108<sup>1</sup>/<sub>32</sub>. Тип “Таймс”  
гарнитура. Офсет босма. Шартли босма тобоқ 5,46. Нашр босма  
тобоғи 4,4. Жами 1000 нусха. 10<sup>3</sup>9 рақамли буюртма.  
114-99 рақамли шартнома. Баҳоси шартнома асосида.

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасининг Фафур Фулом  
номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. 700129. Тошкент. Навоий  
кўчаси, 30.

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасининг  
1-босмахонасида босилди. 700002. Тошкент. Сағбон кўчаси, 1-берк  
кўча, 2-уй.

“Амир Темур илм-фан ва маданият ҳомийси” Халқаро илмий конференция материаллари (2; 1998; Тошкент).

Амир Темур сабоқлари: “Амир Темур илм-фан ва маданият ҳомийси” мавзуида ўтказилган Халқаро 2-нчи илмий конференция материаллари (Тошкент, 1998 й.) /Таҳрир ҳайъати: Б. Аҳмедов ва бошқ./—Т.: Ғ. Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашр., 1999. — 104 б.

Сарл. олдида: Халқаро Амир Темур хайрия жамғармаси.

**ББК 63.3(5У)**